



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



Амир
НОВОЙ

1441-1501

Захриддин
Мухаммад
БОБУР

1483-1530

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 24.02.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табак.

Буюртма № 2. Адади 2500.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

4

“АДЛ АЙЛАКИ, УЛ ХАЛҚ ҲАЁТИ БЎЛМИШ”

5

АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИДА АДОЛАТ БАЁНИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

8

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ҚАРОРИ ҚОНУННИНГ
ТУРЛИЧА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИГА БАРҲАМ БЕРДИ

10

МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
МАЖБУРИЯТЛАР РЕЕСТРИ ИНСТИТУТИ

11

ЖАРАЁН

ТЕРГОВ СУДЬЯЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

12

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МОДЕЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

14

ИШ ТАШЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР:
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

МУЛОҲАЗА

15

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

16

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ
ЧЕКЛАШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

МОЗИЙДАН САДО

18

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ҚОЗИ ВА ҚОЗИЛИК ИШЛАРИНИНГ
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

20

МЕНИНГ ФИКРИМ

КИБЕРХАВФСИЗЛИК: ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА СЎНГГИ
МУДОФАА СТРАТЕГИЯЛАРИ

21

НУҚТАИ НАЗАР

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

22

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

24

ТАЛҚИН

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

26

МУШОҲАДА

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУДНИНГ
ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАМОЙИЛИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

27

ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

28

УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА ҚУРИЛИШДА
ИШТИРОК ЭТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ
МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

30

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА
ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

32

СУДЛАР ТОМОНИДАН ЭКСПЕРТ ХУЛОСАЛАРИНИ
БАҲОЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

34

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА КОНСТИТУЦИЯНИ
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚўЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

35

ТАДҚИҚОТ

ЭКОЛОГИК МУАММОГА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ

36

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗЛИК
ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

38

ЕРГА ОИД НИЗОЛИ ИШЛАРНИ СУД МУҲОКАМАСИГА ТАЙЁРЛАШ

40

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯ
ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

42

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА: КЕЧА ВА БУГУН

44

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МАҚОМИГА НИСБАТАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

46

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ
ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛАМАЙ
ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, ЭГАЛЛАШ, САҚЛАШ
ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ ЖИҲАТЛАР

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

49

ЖАРИМА ЖАЗОСИ ВА УНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

50

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

51

ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК МАСАЛАСИДА ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

52

ЖИНОЯТ ИШЕНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА
ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

53

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ ТУШУНЧА-
СИНИНГ ҚИЛМИШНИ МАЛАКАЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

54

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ
САБАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

55

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА СУД ХАРАЖАТЛАРИ

56

ЧЕКЛАНГАН АҚЛИ РАСОЛИК ЖАЗОНИ
ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ СИФАТИДА

57

ЖИНОИЙ ҚИЛМИШНИ МАЛАКАЛАШДА ЖИНОЯТ
ТАРКИБИНИНГ АҲАМИЯТИ

58

ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЎРТАСИДАГИ
МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

59

ЖИНОЯТ СУДЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ
КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

60

ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

ТЕМА ДНЯ

61

ДОГОВОР И ИСТЕЧЕНИЕ ИСКОВОЙ ДАВНОСТИ

62

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ПО БОРЬБЕ С ОТМЫ-
ВАНИЕМ ДЕНЕГ ЧЕРЕЗ КРИПТОВАЛЮТЫ: РОЛЬ FATF



“АДЛ АЙЛАКИ, УЛ ХАЛҚ ҲАЁТИ БЎЛМИШ”

Навоий бобомиз серқирра ҳаётининг муҳим жиҳатларидан бири бу — ул зотнинг фақиҳлиги, яъни фикҳ илми билимдони эканидир. Тарихий манбаларга қараганда, Алишер Навоий Самарқандда машҳур фақиҳ Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс ҳузурида фикҳ илмидан сабоқ олган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи “Мажолис-ун-нафоис” асарида шундай ёзади: “Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, “фарзанд” дер эрдилар”.

Куйидаги мисра Навоийнинг ушбу соҳага муносабатини, ғоят талабчан ва холис ёндашувини кўрсатиб берган:

**Фикҳро чун иллати макру ҳиял созад фақиҳ,
Не фақиҳ аст он, ки ҳарфи иллати фикҳ андар аст.**

Унинг мазмуни шундай: агар фақиҳ (яъни, ҳуқуқшунос) фикҳ (ҳуқуқшунослик фани)ни макру ҳийла кулоли қилиб олса, у фақиҳ эмас, балки фикҳ касалига мубтало бўлган кишидир.

Алишер Навоий фикҳ бобидаги билим ва тажрибасини нафақат асарларида, балки давлат арбоби сифатида амалий фаолиятида ҳам муттасил қўллаган. Хусусан, Навоийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлардан маълумки, у зот 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилган.

Таниқли муаррих Мирхонднинг ёзишича, “Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг ғайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламози, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фахр ва қувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик, фароват ва осудаликка эришдилар”.

Навоий асарларини мутолаа қилиш асносида, фикҳий атамалар улуғ шоир томонидан жуда кенг маъноларда, нуктадонлик билан қўлланганини кўриш мумкин. Масалан, Навоий “адл” сўзини адолат, одиллик, ҳақлик, тўғрилик, ҳаққонийлик, инсоф тушунчаларини англатиш учун ишлатса, ўз навбатида, “адолат” сўзини ҳаққоният, инсофлилик, шафқатлилик, одиллик маъноларида қўллаган.

Алишер Навоийнинг куйидаги рубоийсини ўқиб, бундан қарийб олти юз йил илгари буюк бобокалонимизнинг адолатни жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги мисралари бугунги кун учун ҳам ғоят муҳим ўғит эканига гувоҳ бўламиз:

**Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Ҳуш ул киши ким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.**

Рубоийнинг мазмуни шундай: Адолат айлаки, ул халқ ҳаёти шу асосга қурилган. Яхши киши адолатни касб қилиб олади. Ҳукмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади, бинобарин, ҳукмронлик ва адолатни бирга олиб борган маъқул.

Навоий бобомизнинг мана бу ҳикмати эса юқоридаги мулоҳазаларнинг тасдиғи десак бўлади:

**Адолат қилурнинг тониб ҳолатин,
Фузун қилсун элга адув олатин.**

Маъноси: мамлакатда адолат ўрнатмоқчи бўлган киши халқнинг душманга қарши мудофаа кулолини кучайтирсин.

“Адл” ва “адолат” сўзлари билан уйқаш яна бир калом борки, бу – “одил”, “одиллик”. Навоий бу сўзни ҳам адолатли, инсофли, шунингдек, тўғри ҳал қилувчи, деган маъноларда қўллайди. Масалан, “Тарихи мулки аҷам” асарида шундай байт мавжуд:

**Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,
Чу қолмас на золим, на одил киши.**

Навоий ўз асарларида аксар ҳолларда ҳар бир сўзнинг ранг-баранг синонимларидан унумли фойдаланган. Шу жумладан, айрим ўринларда “одил” сўзининг уйқаш сифатида “додгар” сўзини ишлатган. “Ҳайрат ул-аброр” достонидан куйидаги парча бунга мисол бўлади:

**Арз қилиб барчани шоҳ оллида,
Додгари мулк паноҳ оллида.**

Кўриниб турганидек, “додгар” – адолатли, одил, арз тингловчи деган маъноларни ташимокда. Ўз навбатида, бу сўз билан ўзакдош бўлган “додгарлик” – адолатлилик, одиллик, адолатпешалик, шунингдек, шохлик маъноларини беради.

“Додхоҳ” сўзи – зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи, даъвогар, бундан ташқари, арз тингловчи деган мазмунда ҳам келади. Келинг тушунчамиз тўлиқ бўлиши учун “Садди Искандарий” достонидан куйидаги байтни келтирамыз:

**Қачон тахт анга бўлса оромгоҳ,
Ки ўз додин истар эди додхоҳ.**

Шу билан бирга, Алишер Навоий ижодида адл, адолат, одил сўзлари ишлатилмаган ҳолда, бу тушунчаларнинг моҳияти яққол очиб берилган мисралар ҳам бисёр:

**Бировгаким, бировдан етди офот,
Ҳамонким қатигроқдур мукофот.**

Яъни: бировга зарар етказган (адолатсизлик қилган) киши у кишидан (яъни, адолатсизлик жабр етказган одамдан) ҳам кўра қаттиқроқ зарар кўради.

Хулоса ўрнида бобомизнинг куйидаги мисраларини келтирамыз:

**Нечукким, эрур адл шахларга зеб,
Эрур ҳам гадо, хокрахларга зеб.
Шаҳеким, адолатдур онинг иши,
Тенг эрмас анга шохлардин киши.**

Бу ўринда Навоий бобомиз айтмоқчики, адолат нафақат шохлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зийнати дур. Адолатни шоир қилган шохга бошқа бирон-бир шох тенглашолмайди.

Акбар АЗИМОВ,

жиноят ишлари бўйича Сайхунбод туман судининг тергов судьяси.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА АДОЛАТ БАЁНИ

Алишер Навоий адабий мероси ҳар бир давр учун тарбия ва намуна манбаидир. Мутафаккир олимнинг бадиий асарларини ўқиш, уқиш, мағзини чақиш инсонга олам-олам маънавий озуқа беради, тафаккурини бойитади.

Бобомиз ижодида адл – адолат масалалари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, Алишер Навоий шеъриятида учта жиҳат алоҳида бўриб кўринади. Яъни, жамиятни адолатли бошқариш, адолатли муҳитни яратиш билан боғлиқ бўлган фикҳ – ҳуқуқ, фақиҳ – ҳуқуқшунос ва адл – адолат тушунчаларидир.

Жумладан, “Назм-ул жавоҳир” асарида шундай шеър бор:

*Қолгон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фикҳ ўргансун саъй ила ул меҳнат аро,
Илм ичра шараф фикҳда бил нисбат аро-
Ким, сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.*

Яъни, ҳар бир инсон ҳуқуқни ўрганса, ўз ҳуқуқини билса, ҳуқуқшуносга айланади. Ҳуқуқшунос эса жамиятнинг сарвари, энг илғор вакили, деган фикрни билдиради.

Шу билан бирга, Навоий шеъриятида “адл уйи”, “адл бўстони”, “адл эшиги”, “адл қуёши”, “адл қонуни” сингари адл – адолат тушунчаси билан боғлиқ иборалар кўп қўлланилганини кўришимиз мумкин. Умуман, адолат тушунчаси унинг асарларида кенг фойдаланилган ва биринчи ўринларда намоён бўлади.

Ҳазратнинг адолат ҳақидаги қарашлари “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Қуззот зикрида” (“Қозилар ҳақида”), “Муфтийи фақиҳлар зикрида” (“Қонуншунос муфтийлар зикрида”) сарлавҳали бобларида биз судьялар ҳақида таъсирчан ҳикматлар баён этилган: “Қози ислом биносига аркондир ва мусулмонлар хайр ва шаррига нофизи фармондур”. Яъни қози ислом биносининг таянчи ва мусулмонларнинг яхшиёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Модомики шундай экан, қози (судья) ҳар жиҳатдан бунга муносиб бўлмоғи зарур. Ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш ва унга қатъий амал қилиш соҳа мутахассисларининг муқаддас бурчидир. Энг муҳими, Ҳазрат Навоийнинг таъкидлашича, қози диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган бўлиши керак.

“Вақфия” асарида ҳазрат Навоий жамият адолатсизликдан, тараққиётга тўсиқ бўладиган турли иллатлардан холи бўлиши зарурлигини қуйидагича бадиий талқин этади:

*То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, Ҳазрат Алишер Навоийнинг адолат мезони юксак бўлган.



Унинг учун қонун ҳар нарсадан устун ҳисобланган. Қонун олдида шоху фақир ҳам, кекса-ю ёш ҳам, паҳлавон эру, ожиз заифа ҳам тенг саналган. Бу ҳол она заминимизда ўрта асрлардаёқ ҳақиқий демократик жамият ҳукм сурганидан ва улғу алломалар, ижодкорлар бундай жамиятни улғулаб асарлар ёзганидан далолат беради.

Алишер Навоий ўғит ва ҳикматларнинг тўғридан-тўғри таржимасини бериш билан чекланиб қолмаган. Аксинча, айнаи ўша ҳикматнинг мазмун-моҳиятига алоҳида рубоий бағишлаб, бадиий жиҳатдан бойитилган ўз фикрларини тақдим этган.

Юқориди бобомиз ижодидан келтирилган намуналардан шуни англаш мумкинки, ҳазрат яшаган даврда, қолаверса, янада олис тархимизда аждодларимиз ҳуқуқ илми ва ҳуқуқшунослик касбини го-ятда улғулашган. Демак, ота-боболаримиз азалдан ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишган ва муносиб кадрлашган, ҳуқуқни ўргатиш ҳамда ўрганишни эса астойдил рағбатлантиришган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Алишер Навоий – миллат тарбиячиси. У ҳар бир инсоннинг ўз тафаккурини, фикрини равон тилда баён қилишини орзу қилган буюк инсон ҳисобланади. Навоий ўзбек тилининг мустақил ва бой тил сифатида дунёга келишида ҳам жуда кўп меҳнат қилди. Улкан бадиий-адабий мероси билан ўзбек тилини бизга мерос қилиб қолдирди. Шунинг учун Алишер Навоийнинг ҳар байтини ўрганиш ва маъносини чақиш ҳамда унинг аҳамиятини ёш авлод онгига сингдириш бизнинг ва-зифамиздир.

Юлдуз ФОЗИЛОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат сифатида ташқи сиёсат борасидаги илк ҳаракатини асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилишдан бошлаганлиги, янги таҳрирдаги конституциянинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар ва уларнинг талабларига тўла мувофиқ келиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, инсон ҳуқуқларига оид киритилган янги нормалар ва уларнинг мазмун-моҳияти, халқаро шартномалар ҳақида маълумотлар аниқ мисоллар билан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсон ҳуқуқлари, халқаро стандартлар, халқаро пакт, конвенция, Хабеас корпус акти, Миранда қондаси, Факультатив баённома.

Инсон ҳуқуқлари ирқи, тана ранги, жинси, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, дини, тили, миллати, ёши, ногиронлиги ёки бошқа ажратиб турувчи хусусиятларига қарамай умуминсоний қадрият ҳисобланади ва қонун устувор бўлган барча жамиятлар қўллаб-қувватлайдиган асосий тамойилдир. Инсон ҳуқуқларини нафақат тан олиш, балки унинг устуворлигини жамиятнинг ҳар бир бўғинида ва ҳар онда таъминлаш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгач ташқи сиёсат борасидаги илк ҳаракатини 1991 йил 30 сентябрда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тарихий муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилишдан бошлади.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилотларга босқичма-босқич аъзо бўла бошлади. Масалан, 1992 йил 2 мартда Бирлашган миллатлар ташкилотига, 1992 йил 13 июлда Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлди. Шу тарзда ўтган давр мобайнида халқаро ва миллий даражада инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолатини кучайтиришга қаратилган бир қатор ислохотларни амалга оширди. Хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича 100 га яқин халқаро ҳужжатларга қўшилди. Биргина БМТнинг “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактини, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги, “Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши” ва “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияларини ратификация қилди. Бундан ташқари Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир 2 та Факультатив баённома:

1) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив Протокол;

2) Мурожаатлар процедурасига оид яъни, “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактга доир факультатив баённома.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшимча 2 та Факультатив баённома:

1) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол.

2) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколларни ҳам ратификация қилди.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йилда қабул қилингандан кейин 500 дан кўпроқ тилга таржима қилиниб, жаҳонда энг кўп таржима қилинган ҳужжатга айланди ва кўпгина янги мустақил давлатлар конституциялари учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Ҳукумат нуктаи назаридан қараганда, инсон ҳуқуқлари давлат томонидан тан олиниб, суверен мамлакатлар конституциялари ва халқаро ҳуқуқда белгилаб берилган шахсий ва жамоавий ҳуқуқлар йиғиндисидир.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси ўзининг илк Конституциясини қабул қилди. Конституцияда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кафолатловчи бир қатор нормалар ўз аксини топди. Бироқ, жамиятнинг тараққий этиши, янгидан-янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши Конституцияни янада янги нормалар билан бойитиш заруратини кўрсатди. Шу жиҳатдан, 2023 йил 30 апрелда референдум йўли билан Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид нормалар аввалги Конституциядаги мавжуд нормаларга нисбатан 3 бараварга ошган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари “Хабеас корпус” ва “Миранда қондаси” каби умумэътироф этилган институтларни конституциявий даражада мустаҳкамлаш орқали сезиларли кучайтирилган.

Жумладан, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги; шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги (27-модда), инсон

ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлиши (19-модда), инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши (20-модда), ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги (21-модда), ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас (26-модда), агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, озодликдан махрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги (28-модда), ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги, қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эгаллиги (29-модда), ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши (42-модда), ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги (55-модда) каби нормалар билан бойитилган.

Кўп йиллар давомида аёлларга нисбатан зўравонлик кенг тарқалган бўлса-да, уйдаги зўравонлик табиатига кўра қийноққа ўхшаш бўлиши мумкин бўлса ҳам, ёки агар унинг миқёси фавқуллоҳда вазият даражасига кўтарилиши мумкин бўлган оммавий соҳаларда юзага келса ҳам инсон ҳуқуқлари бузилиши сифатида қаралмаган. Аёллар бошидан ўтказган бу кўргиликларни эътиборсиз қолдирилиши инсон ҳуқуқларини ривожлантиришда эркаклар таъсири сезиларли эканлигида ўз аксини топган бўлиб, аёлларга нисбатан содир этилган инсон ҳуқуқлари бузилишлари ҳолатлари жазосиз қолишига ҳисса қўшган.

Дарҳақиқат, давлатнинг нодавлат иштирокчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш мажбурияти айниқса, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига тегишлидир. Сўнгги 20 йил ичида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг мажбуриятлари яхши ташкил этилди. Мисол тариқасида аёллар учинчи шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузар-

ликлардан (давлат ёки хусусий соҳада бўлишидан қатъи назар) ҳимоя қилинаётганликлари ва улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун ижобий қадамлар қўйилаётганини келтириш мумкин.

Инсон ҳуқуқларига оид метъёрларнинг Конституция (янги таҳрирдаги)да жамланиши фуқаролар томонидан ўз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий ҳуқуқларига оид дастлабки ва асосий билимларни ўзлаштириш имконини беради. Зеро, Абу Наср Фаробийнинг эътироф этишича “қонунларни ҳаётга жорий этиш уларни қабул қилишдан кўра ўта мураккаб жараёндир”. Шу жиҳатдан, фуқаролар томонидан бундай билимларнинг ўзлаштирилиши қонунларни ҳаётга жорий этилишида муҳим роль ўйнайди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши;

биринчидан, қонунлар ижроси таъминланишининг кафолати янада ошишига;

иккинчидан, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг ўсишига;

учинчидан, давлат хизматчилари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши эҳтимолининг олди олинишига;

тўртинчидан одил судловнинг таъминланишига хизмат қилади.

Зафар АМИРОВ,

Судьялар олий мактаби Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ кафедраси профессори в.б., юридик фанлар доктори (DSc).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция.
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол.
3. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол.
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
5. “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт.
6. “Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”ги конвенция.
7. Инсон ҳуқуқлари [Матн]: Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. 26-б.
8. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция.
9. “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт.
10. Мурожаатлар процедурасига оид яъни, “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактга доир факультатив баённома.
11. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz>.
12. “Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция.
13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив Протокол.
14. Ўзбекистон Республикаси Янги Конституцияси.
15. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарори.
16. “Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши” Конвенция.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ҚАРОРИ ҚОНУННИНГ ТУРЛИЧА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИГА БАРҲАМ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташиқлотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳамда унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи қафолатланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддасига мувофиқ иқтисодий судга қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда **бошқа шахслар** ҳам мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 21-моддасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан даъволар тақдим этиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига (шунингдек, 8-моддаси биринчи қисмининг 14-банди ва 10-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинганлар.

Аммо, мазкур Қонун 8, 9, 10-моддаларининг иккинчи қисмларида эса Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи **шу шахслардан** талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилиши белгиланган.

Ушбу нормадаги “**шу шахслар**” жумласини айрим судьялар “Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари” назарда тутилган деб талқин қилсалар, бошқа судьялар “манфаати кўзлаб ариза киритилган Палата аъзоси, яъни **тадбиркорлик субъекти**” назарда тутилган деб талқин этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Палата томонидан палата аъзоларининг манфаатини кўзлаб судларга киритилган даъво аризалар юзасидан давлат божи ундирилишига оид суд амалиёти умумлаштирилган. Унга кўра, 2023 йил ва 2024 йилнинг 9 ойида Палата томонидан ўз аъзоларининг манфаатларини кўзлаб иқтисодий судларга тақдим этилган 59 883 та даъво аризасининг 2 967 тасини қаноатлантириш рад этилган ва 36 643 092 823,3 сўм давлат божи манфаати кўзланиб даъво киритилган тадбиркорлик субъектларидан ундирилган бўлса, 2024 йилнинг 9 ойида 2 та ҳолатда жами 35 408 440 сўм давлат божи Палата ҳисобидан ундирилган. Шу давр мабойнида маъмурий судларга тақдим этилган 940 та даъво аризанинг 462 тасини қаноатлантириш рад этилган бўлиб, 407 та қарор билан 1 068 814 000 сўм давлат божи манфаати кўзланиб даъво киритилган

палата аъзоларидан ундирилган, 55 та суд қарори билан 188 300 000 сўм Палатаси ҳисобидан ундирилган.

Бу эса судларда ушбу масала бўйича икки хил амалиётнинг шаклланишига, қонун нормалари турлича талқин этилиши ва зиддиятли қўлланилишига олиб келмоқда.

Фикримизча, бундай амалиётнинг шаклланиши мамлакатимизда амалда бўлган моддий ва процессуал қонун нормаларидаги айрим зиддиятлар ва ноаниқликлар, шунингдек уларни чуқур илмий таҳлил қилмасдан қўллаш оқибатида юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 8,9,10-моддаларининг иккинчи қисмларини судлар томонидан қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг “Судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 19-моддаси йигирма учинчи қисмида – “Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади” – деб аниқ белгиланган. Мазкур бандда Палата бундан мустасно эканлиги кўрсатилмаган, бу эса Қонуннинг 8,9,10-моддаларининг иккинчи қисмларини Палатага оид нормаси 19-моддаси йигирма учинчи қисмига зид эканлигидан далолат бермоқда;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг “Суд ҳаражатларининг тақсимланиши”– деб номланган 118-моддаси еттинчи қисмига биноан – “Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади”. Худди шундай нормалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 138-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 115-моддаси

бешинчи қисмларида ҳам белгиланган. Демак бундай ҳолатда процессуал мажбурият сифатида давлат божи тўлаш Палатага эмас, даъвогарга юклатилган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни 35-моддасига мувофиқ Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек, палата аъзолари Палатанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган “шахслар”, яъни “кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари”, “чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари”, “тадбиркорлик субъектлари”, “маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари” ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳисобланади ва улар судда даъвогар сифатида иштирок этадилар. Шу сабабли мазкур шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади;

бешинчидан, қуйидаги давлат органлари ва бошқа шахслар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда судга давлат божи тўламасдан юридик шахсларнинг, фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси (ариза) тақдим этиши мумкин: 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан; 2) Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан; 3) прокуратура органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан; 4) адлия органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан.

Аммо, юқорида кўрсатилган давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан судга киритилган даъво талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда давлат божи ундирилиши қонунда белгиланмаган. Бу судларда бир хил процессуал мақомга эга бўлган ишда иштирок этувчи шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглик принципига хилофдир.

Шу сабабли Олий суд Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилиб, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларига расмий шарҳ беришни сўраган.

2025 йил 31 январда Конституциявий суд мажлисида мазкур масала ҳар томонлама муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинди.

Конституциявий суднинг қарорида “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Палатага оид нормаларига қуйидаги мазмунда шарҳ берилди:

“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволари (аризалар) бўйича “...кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади” деган нормани, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, деб тушуниш лозим”.

Демак, бундан буён Палатадан судларга палата аъзолари манфаатларини кўзлаб киритган даъво аризалари (аризалари)ни қаноатлантириш рад этилган ёки қисман рад этилган тақдирда давлат божи ундирилмайдиган бўлди.

Шунингдек, Конституциявий суднинг мазкур қарорида қайд қилинганидек, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларига асосан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Қонун 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмларининг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига тааллуқли бўлган бандларини (8-моддасидан – “14” рақамини, 9-моддасидан – “2” рақамини, 10-моддасидан – “2” рақамини) чиқариб ташлаш, шунингдек ИПК 50-моддаси биринчи қисмини қуйидаги янги тахрирда: “Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахсларнинг, фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси (ариза) тақдим этиши мумкин. Даъво тақдим этган мазкур органлар ва шахслар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳуқуқи ва суд харажатларини тўлаш мажбурияти мустасно”– деб баён қилиш тўғрисида Қонун лойиҳасини тайёрлаб, Қонунчилик палатасига киритиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциявий суд қарори ҳар жиҳатдан асосланган ҳолда қабул қилинганлигини ва муҳим аҳамиятига эга эканлигини ҳамда давлат божига оид қонун нормаларини бир хилда талқин қилиниши ва қўлланлишини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Фозилжон ОТАХОНОВ,

Судьялар олий мактаби профессори, юридик фанлар доктори, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоси.

МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАЖБУРИЯТЛАР РЕЕСТРИ ИНСТИТУТИ

Мажбуриятлар реестри — бу ваколатли орган томонидан юритиладиган ва бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларнинг тизимли рўйхатидир. Ўзбекистон ҳуқуқий тизими доирасида Мажбуриятлар реестри қарздорларнинг мол-мулк ёки даромадга эга бўлмаганлиги ҳақида маълумотларни ўз ичига олган марказлашган маълумотлар базасидир. Ушбу реестрни юритиш мажбуриятларнинг бажарилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш, қарздорга нисбатан қўйилган чекловларнинг мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар сақланишини таъминлаш, шунингдек, қарздорнинг мол-мулки ёки даромадлари аниқланганда ижро ҳаракатларини тезкор тиклашга хизмат қилади.

Шу жумладан, Мажбуриятлар реестри институтини жорий этиш Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Бугунги кунда асосий муаммолардан бири қарздорларнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашидир. Ижро иши мулк ёки даромад мавжуд эмаслиги сабабли тугатилгандан сўнг, қарздорлар кейинчалик активларга эга бўлиши мумкин. Бироқ, самарали мониторинг ва ижро ҳаракатларини қайта тиклаш механизми мавжуд бўлмаса, қарзни ундириш қийинлашади. Мажбуриятлар реестрини жорий этиш бундай қарздорлар ҳақидаги маълумотларни тизимлаштиришга имкон беради ҳамда уларнинг мулки ёки даромадлари аниқланган ҳолларда ижро ишини қайта тиклаш имкониятини таъминлайди.

Мажбуриятлар реестри Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади ва Мажбурий ижро бюроси томонидан юритилади ҳамда унга ундириб олишга тегишли мулкка эга бўлмаган қарздорлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Мазкур реестрни юритишнинг асосий қоидалари:

- қарздорга қўйилган чекловларни тўлиқ мажбуриятлар бажарилгунга қадар сақлаб қолиш;
- мулк аниқланган ҳолларда ижро ҳаракатларини автоматик равишда қайта тиклаш;
- қарздорни Реестрдан чиқариш тўлиқ қарз тўланганда, банкрот деб эътироф этилганда ёки 10 йил ўтгандан сўнг амалга оширилади;
- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш самарадорлигини ошириш;
- мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтириш;
- ундирувчиларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;
- суд тизими ва ижро ишлари институтига бўлган ишончни оширади.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак хусусан, Грузия қонунчилигида қарздорларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш тизимлари жорий этилган бўлиб, бу суд қарорларини ижро этиш самарадорлигини ошириш ва ундирувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Грузиянинг "Ижро иш юритиш тўғрисида"ги Қонунининг 19-1-моддасига мувофиқ Қарздорлар реестри пул талабини ижро этиш таъминлангунга қадар қўлланиладиган восита бўлиб, 2010 йил 1 январдан бошлаб ижро иши бошланган

жисмоний шахслар, юридик шахслар ва бошқа ташкилотлар тўғрисидаги тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасини ўз ичига олади. Ушбу реестрга давлат органлари, муниципалитетлар, муниципалитет органлари ва таъминот билан таъминланган қарздорлар киритилмайди. Қарздор ижро иши бошланган заҳотиёқ реестрга киритилади.

Реестрга киритиш қарздорни пул ундириш мажбуриятидан озод этмайди.

Реестр маълумотлари очиқ ҳисобланади. Миллий ижро бюроси давлат органлари учун реестр маълумотларига кириш имкониятини таъминлайди ҳамда уларни доимий равишда янгилаб боради.

Миллий ижро бюроси ва ижро бюрolari ваколатли шахслари реестр маълумотлари асосида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли маълумотнома ва иқтибосларни, ариза топширилгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай, тақдим этади. Бундай ҳужжатлар тасдиқланган тўлов амалга оширилиб манфаатдор шахс ариза берганидан сўнг берилади.

Грузия халқаро тажрибага асосланган ҳолда қарздорларни мониторинг қилиш тизимини жорий этган. Бу эса суд қарорларини ижро этиш жараёнининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга, шунингдек, фуқаролик муомаласидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда Мажбуриятлар реестрини жорий этиш – суд қарорларини ижро этиш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган муҳим ислохотлардан биридир. Ушбу реестрнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун халқаро тажрибани инобатга олиш, шунингдек, мажбуриятларни ижро этиш устидан мониторинг ва назоратни кучайтиришга қаратилган қўшимча механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фарход ТАИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бош инспектори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги 258-II-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1-сон Фармони.
3. Законодательный Вестник Грузии-ЗВГ, 13(20), 01/05/1999 Грузиянинг "Ижро иш юритиш тўғрисида"ги Қонуни.

ТЕРГОВ СУДЬЯЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Жорий йилнинг 1 январидан туман, шаҳар судларида тергов судьялари ўз фаолиятини бошлади. Бу ҳақда ёдингизда бўлса давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 10 июндаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган эди.

Ушбу тергов судьяларининг ваколатлари 2025 йилнинг 28 январь куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан белгиланди. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг янги тўлдирилган 311-моддасига биноан, тергов судьяси якка ўзи иш тутиб, ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда судга қадар иш юритиш босқичида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга оширади.

Бундан ташқари, “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимоснома суриштирув, дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тергов судьяси томонидан, мазкур суднинг судьяси бўлмаган ёхуд кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг тергов судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади” деган нормалардан иборат биринчи қисм билан кодекснинг 121³-моддаси тўлдирилди.

Шунингдек, кодекснинг янги 158¹-моддасида тинтув ўтказиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор, терговчи ёки суриштирувчи тинтув ўтказиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида уни ўтказиш учун асосларни баён этган ҳолда қарор чиқариши акс этган.

Кодекснинг янги қўшилган 158² ва 158³-моддаларида ҳам тергов судьясининг фаолиятига оид муҳим нормалар ўрин олган. Унга қўра, тинтув ўтказиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчи ёки суриштирувчининг тинтув ўтказиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади. Прокурор эса илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, ўша қарор ва зарур материалларни судга юборади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув терговчи ёки суриштирувчининг қарорига асосан суднинг розилигисиз ўтказилиши мумкин, бироқ кейинчалик суд ва прокурор ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида хабардор қилинади. Хабарномада кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар аниқ кўрсатилиши керак. Тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини текшириш учун мазкур хабарномага терговчи ёки суриштирувчининг тинтув ўтказиш ҳақидаги қарори, тинтув баённомаси ва зарур материалларнинг кўчирма нусхалари илова қилинади. Мазкур хабарномани ва унга илова қилинган материалларни олгач судья ўтказилган тинтувнинг қонунийлигини қирқ саккиз соат ичида ушбу Кодекснинг 158² ва 158³-моддалари тартибидан текширади ҳамда унинг қонунийлиги ёки қонунга хилофли-

ги тўғрисида ажрим чиқаради. Агар судья ўтказилган тинтувни қонунга хилоф деб топса, тинтув ўтказиш чоғида олинган барча далиллар ушбу Кодекснинг 95¹-моддасига мувофиқ номақбул деб топилади.

Тинтув ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тергов судьяси томонидан, мазкур суднинг судьяси бўлмаган ёхуд тинтув ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг тергов судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Тинтув ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан саккиз соатдан кечиктирмай ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Суд мажлисида прокурор, зарур бўлган тақдирда терговчи, суриштирувчи иштирок этади. Бу суд мажлиси прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш заруратини асослаб беради. Кейин тақдим этилган материаллар текширилади.

Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судья илтимосномани кўриб чиққач, тинтув ўтказиш ёки уни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради. Судьянинг тинтув ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрими асосланганди бўлиши керак. Мазкур ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Суд тинтув ўтказишни прокурор, суриштирувчи ёки терговчи топширади.

Судьянинг тинтув ўтказиш тўғрисидаги ёки тинтув ўтказишни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан ўзига нисбатан тинтув ўтказилган шахс ажрим ижро этилган кундан эътиборан йигирма тўрт соат ичида апелляция тартибидан шикоят бериши, прокурор ажрим чиқарилган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибидан протест билдириши мумкин.

Апелляция шикояти (протести) ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд йигирма тўрт соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси судининг судьяси мазкур материалларни шикоят (протест) билан бирга келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай якка тартибда кўриб чиқиши керак.

Эслатиб ўтиш жоиз, апелляция шикояти (протести) берилиши суднинг тинтув ўтказиш тўғрисидаги ажрими ижросини тўхтатиб турмайди.

Тинтув ўтказиш рад этилган тақдирда, мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга тинтув ўтказишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

Хуршид УМАРОВ,

жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг тергов судьяси.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МОДЕЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада тиббий суғурта мувафаққиятли йўлга қўйилган айрим хорижий мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимида мажбурий тиббий суғуртанинг ўрни ва жорий этишининг тарихий заруриятига баҳо берилган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда амалда бўлган моделларнинг ижобий жиҳатларини Ўзбекистон Республикасида жорий қилинаётган соғлиқни сақлашнинг янги моделига тадбиқ этишининг муҳим йўналишлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тиббиёт, суғурта, мажбурий тиббий суғурта, тиббий муассаса, оилавий шифокор, қонунчилик, молиялаштириш, бошқариш.

Бугунги кунда дунёда амал қилаётган соғлиқни сақлаш моделларини шартли равишда уч турга бўлиш мумкин: 1) бюджет (давлат) модели; 2) суғурта (ижтимоий суғурта) модели; 3) хусусий (нодавлат ёки бозор) модели. Куйида дунёнинг ривожланган давлатлари соғлиқни сақлаш тизимида юқоридаги моделларда ишлаш қандай йўлга қўйилганлигини кўриб чиқамиз.

Германия соғлиқни сақлаш тизими ижтимоий суғуртанинг классик модели ҳисобланади. Унда молиялаштириш манбалари куйидагича тақсимланади: ижтимоий тиббий суғурта (ИжТС) – 60 фоиз, хусусий тиббий суғурта (ХТС) – 10 фоиз, давлат бюджети – 15 фоиз ва фуқаронинг шахсий маблағлари – 15 фоиз. Аҳолининг қарийиб 90 фоизи ИжТС дастурлари билан, 10 фоизи эса ХТС билан қамраб олинган ва бунда ИжТС билан суғурталанганларнинг 3 фоизи ихтиёрий тиббий суғурта полисига эга. Ижтимоий маблағлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш учун харажатлар ялпи миллий маҳсулотнинг 7,8 фоизини, жамланма эса ялпи миллий маҳсулотнинг 11,7 фоизини ташкил этади. Ижтимоий манбалар соғлиқни сақлаш учун барча харажатларнинг 75 фоизини қоплайди. Соғлиқни сақлаш маблағлари ҳаракатланиши куйидагича кўриниш ҳосил қилади: дастлаб улар давлат ИжТС фондида йиғилади, кейин хусусий нотижорат суғурта ташкилотлари ҳисобига ўтади ва ушбу ташкилотлар даволаш профилактика муассасалари хизмати ҳақини тўлашни назорат қилади. Мазкур ташкилотлар шифо кассалари (инглизча – sickness funds; немисча – Krankenkassen) деб номланган ва уларнинг бирлашмаси ҳамда шифо кассалари шифокорлари бирлашмаси ижтимоий тиббий суғурта (Social Health Insurance, SHI) тизими асосини шакллантиради. Шифо кассалари мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонун билан кафолатланган ҳажмдаги хизматларни кўрсатиш ва молиялаштиришни бошқарувчи ўзини ўзи бошқариш тузилмаларини таъсис этади. Шифо кассалари хусусий нотижорат ташкилоти мақомига эга бўлиб, касаллик билан боғлиқ суғурта таваккалчилиги билан шуғулланади. Германия қонунчилиги бўйича йиллик даромади 50 минг евродан ошадиган шахсларгина хусусий тиббий суғуртадан фойдаланиши мумкин. Қолган барча фуқаролар мажбурий тарзда ижтимоий тиббий суғурта билан қамраб олиниши лозим.

Францияда соғлиқни сақлаш тизими ҳам ижтимоий суғурта моделига яққол мисол бўла олади. У 50 фоиз ИжТС маблағларидан, 20 фоиз - ХТС маблағлари ҳисобидан молиялаштирилса, давлат бюджети барча харажатларнинг 10 фоизини, фуқароларнинг шахсий маблағлари 20 фоизни қоплайди. Ижтимоий тиббий суғурта дастурлари билан аҳолини қамраб олиш 96 фоизни ташкил этади. Соғлиқни сақлаш учун давлат харажатлари ялпи миллий маҳсулотнинг 9,7 фоизини, жамланма эса 12,5 фоизни ташкил этади. Пул маблағлари давлат ижтимоий тиббий суғурта фондларида йиғилади ва ушбу фонддан умумий тиббий суғурта хусусий нотижорат фондларига ўтади ва улар томонидан даволаш профилактика муассасаларини молиялаштириш бошқарилади. Францияда соғлиқни сақлашни бошқариш шакли марказлаштирилмаган. Соғлиқни сақлашнинг ҳудудий органлари давлат, шунингдек хусусий даволаш профилактика муассасаларидан стационар ва амбулатор ёрдам кўрсатиш учун жавобгарликни зиммаларига оладилар. Бунда тиббий хизматлар бозори ривожланган бўлиб, хусусий суғурта муҳим қўшимча ролни бажаради. Францияда турли мулк шаклларидаги муассасаларнинг уйғунлиги кўзга ташланди, бироқ хусусий тиббий муассасалар кўпчиликти ташкил қилади.

Канада соғлиқни сақлаш тизими 1984 йилдаги Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунда (Canada Health Act) белгиланган куйидаги тамойилларга асосланади: давлат бошқаруви, универсаллик, мобилик ва барча учун фойдаланиш имкониятининг

мавжудлиги. Соғлиқни сақлашнинг Канада моделини ижтимоий суғурта модели сифатида тавсифлаш мумкин, бироқ бу модел кўпроқ давлат моделига ҳам ўхшайди. Соғлиқни сақлаш хизматларининг универсал очиклигини умум давлат тиббий суғурта тизими “Медикер” (Medicare) таъминлайди. Ўзининг моҳияти бўйича бу давлат тиббий хизмат тизими бўлиб, аҳолининг 98-99 фоизини қамраб олади. Канадада соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг асосий манбаси – федерал фондлар ва ўлкаларнинг суғурта фондлари ҳисобланади ва уларнинг соғлиқни сақлаш харажатларни қоплашдаги улуши 90 фоизни ташкил этади. Қолган 10 фоиз хусусий суғурта ва ихтиёрий хайр-эҳсон ўртасида тақсимланади. Соғлиқни сақлаш давлат харажатлари ялпи миллий маҳсулотнинг 7,6 фоизини, жамланма 10,8 фоизини ташкил этади. Маблағлар давлат бюджетидан федерал фондларга ёки ўлкалар ва ҳудудларнинг суғурта режасига йўналтирилади, кейинчалик – даволаш профилактика муассасалари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи шифокорларга берилади. Канада соғлиқни сақлаш тизими ҳам марказлаштирилмаган. Шифохоналарни молиялаштириш соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, қондага кўра глобал бюджет, яъни тиббий хизматларнинг олдиндан келишилган ҳажми усулида амалга оширилади. Бироқ, бир қатор ўлкалар амалда кўрсатилган хизматлар ҳажмидан келиб чиқиб бюджетни шакллантиришга ўтишган. Дастлабки ва стационар тиббий ёрдам кўрсатишда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи шифокорлар ва соғлиқни сақлашдаги хусусий муассасалар муҳим ўрин тутди.

АҚШда соғлиқни сақлашнинг хусусий соғлиқни сақлаш модели амал қилади ва аҳолининг барча қатламларига татбиқ этиладиган миллий соғлиқни сақлаш тизими амалда мавжуд эмас. Бу борада АҚШ тиббий ёрдам соҳасидаги давлат кафолати фақат муайян доирадаги фуқароларга қўлланиладиган ва соғлиқни сақлаш хизматларининг очиклиги фрагментар тус касб этадиган дунёдаги ягона саноати ривожланган мамлакат ҳисобланади. Молиялаштиришнинг асосий манбаси – бу хусусий суғурта бўлиб, барча тиббий хизматларнинг 50 фоизини қоплайди. Молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳам бор ва у кексалар ва кам таъминланган фуқаролар учун дастурлар ҳамда фуқароларнинг шахсий маблағлари ҳисобланади. Даволаш профилактика муассасаларини ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи шифокорларни молиялаштиришни бошқаришда хусусий суғурта компаниялари устуворликка эга. Давлат ижтимоий ҳимояланмаган фуқаролар учун махсус дастурлар доирасидаги манбаларни тақсимлашни бошқаради. Соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш тарқоқ шаклда амалга оширилади. Ижтимоий манбалардан соғлиқни сақлаш харажатлари ялпи миллий маҳсулотнинг 9,1 фоизини, жамланма харажатлар – 17,2 фоизини ташкил этади. Тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг таъминланганлиги беморларнинг тўловга қобилиятлилиги билан чегарланади. Кексалар ва кам таъминланган фуқаролар учун дастурлар барча муҳтожлар учун бирдек татбиқ этилмайди ва барча зарурий тиббий хизматлар ва технологияларни тўлиқ қоплашни таъминламайди. Қарийиб 50 млн. фуқаролар ҳеч қандай тиббий суғурта билан қамраб олинмаган. Соғлиқни сақлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлиги (Department of Health and Human Services, HHS) шуғулланади.

Бевосита тиббиёт муаммоларини ҳал қилиш билан ушбу вазирлик доирасидаги иккита бўлим – Ижтимоий соғлиқни сақлаш хизмати ва Тиббий ёрдамни молиялаштириш бошқармаси шуғулланади. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ташқари соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазифаларни Меҳнат вазирлиги, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлигидан махсус бўлимлар ва бошқа давлат идоралари бажаради. HHS бевосита бўйсунувда “Медикер” ва “Медикейд” (The Centers for Medicare and Medicaid Services,

CMS) хизматлари марказлари мавжуд. Уларнинг назоратида эса кексалар (65 ёшдан ошганлар) ва оғир касал фуқаролар учун давлат суғурта дастури – “Медикер” фаолият юритади. CMS штатлар ҳукумати билан биргаликда кам таъминланганлар учун “Медикейд” ва хусусий суғурта дастурларидан (Children’s Health Insurance Program, CHIP) фойдаланиш имконияти бўлмаган кам даромадли оила фарзандлари учун тиббий хизмат кўрсатиш дастурларини бошқариш билан шуғулланади. Шифохона муассасалари хусусий нотижорат (беморлар ўрни фондининг 70 фоиз), хусусий тижорат (беморлар ўрни фондининг 15 фоиз) ва давлат (беморлар ўрни фондининг 15 фоиз атрофида) муассасаларига бўлинади. Хусусий даволаш муассасалари кўпчиликни ташкил қилади. Давлат шифохоналари хусусий тарзда мурожаат қилган беморларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шифохона хизматлари бир нечта усуллар ёрдамида тўланади ва бунда хизматлар учун, шифохонага ётқизилган бир бемор ўрни учун бир кунлик тўлов, клиник статистик гуруҳ, шунингдек, стационар даволанишдан ўтган беморлар сонидан келиб чиқиб тўлов ҳақи қўлланилиши мумкин. Иш ҳақи шифохонанинг штатдаги шифокорларга ойлик шаклида тўланади, бироқ кўпчилик хизмат ҳақи шаклида тўловни олади. Оилавий шифокорлар хусусий тадбиркор мақомига эга саналади.

Буюк Британияда эса давлат бюджети соғлиқни сақлашга оид барча харажатларнинг 85 фоизини қоплайди, қолган 15 фоиз харажатлар хусусий тиббий суғурта томонидан тўланади. Пул маблағлари давлат бюджетидан жамланади ва ундан даволаш профилактика муассасаларини молиялаштириш бошқарадиган ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилади. Соғлиқни сақлаш тизими марказлаштирилган ҳисобланади. Соғлиқни сақлашга нисбатан давлат харажатлари ялпи миллий маҳсулотнинг 7,7 фоизини, жамланма эса 9,4 фоизини ташкил этади. Аҳолининг барча қатлами бепул тиббий ёрдам билан қамраб олинган ва тиббий хизмат учун қўшимча, ёрдамчи, турдош тўлов мавжуд эмас. Меҳнатга лаёқатли аҳоли учун бир рецепт учун 7,85£ микдордаги рамзий тўлов амал қилади. Тиббий хизматларнинг катта қисми давлат даволаш профилактика муассасалари, дастлабки тиббий ёрдам – хусусий амалиёт билан шуғулланувчи оилавий шифокорлар томонидан амалга оширилади. Тиббий хизматлар бозори ва хусусий суғурта қўшимча ўрин тутати. Аҳолига ижтимоий ва тиббий ёрдамни Буюк Британия Соғлиқни сақлаш миллий хизмати (NHS) ва маҳаллий ҳокимият органларини қамраб олувчи махсус хизматлар ва соғлиқни сақлаш хизмати кўрсатади. Англияда соғлиқни сақлашнинг 10 та стратегик органи (Strategic Health Authorities, SHAs) фаолият юритади ва улар NHSнинг ҳудудлардаги фаолиятига раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлайди. SHAs шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари, таълим, хайр-эҳсон ва жамоат ташкилотлари билан ишлайди. Тиббий хизматлар тўлови, қондага кўра, якунланган ҳодиса учун клиник статистик гуруҳ (стационар ёрдам) асосида ва ҳар киши учун тўлов уйғунлиги тамойилида, хизматлар учун тўлов ва натижа учун тўлов (бирламчи ёрдам) кўринишида амалга оширилади. Давлат шифокорлар ва даволаш профилактика муассасаларининг аккредитацияси, шифокорлик амалиёти фаолиятини тартибга солиш билан шуғулланади. Тиббий хизматлар ҳақини тўлашнинг тарифлари ва даражаси бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича трастларнинг ихтиёрига берилган. Бугунги кунда Англияда 152 та шундай трастлар мавжуд бўлиб, улар NHS (Буюк Британия Соғлиқни сақлаш миллий хизмати) бюджетининг 80 фоизини назорат қилади. Қолаверса, Англияда Соғлиқни сақлаш миллий хизматининг 167 та шифохона трастлари ва 129 та фонд трастлари (NHSнинг кўпроқ мухториятга эга бўлган трастларининг янги тип) амал қилади ва улар стационар даволанишнинг катта қисmini таъминлайди. Шотландия, Уелс ва Шимолий Ирландияда NHSнинг мустақил локал тизимлари амал қилади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги айни кунлардаги вазиятга тўхталадиган бўлсак, ҳозирда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тўлиқ бюджет моделига асосланади ва эндликда мажбурий тиббий суғуртани жорий қилиш орқали бюджет-суғурта аралаш моделини жорий этиш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон мажбурий тиббий суғуртани давлат бюджети маблағлари ҳисобидан суғурталашни назарда тутувчи тизим яратиш арафасида турибди. Бу ўз навбатида, мажбурий тиббий суғурта дастурларининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланишини аниқлатади. Қолаверса, мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш билан бирга, амалдаги қонунчиликка кўра мавжуд бўлган ихтиёрий тиббий суғуртанинг ҳам тиббий хизматлар бозоридаги ўрнини аниқлаш талаб этилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда даволаш профилактика муассасалари бўйича давлат монополияси сақланиб турибди ва бу ўз навбатида кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга бўлган манфаатдорликни паст даражасига олиб келмоқда. Ўтилиши режалаштирилаётган бюджет-суғурта модели мавжуд даволаш профилактика муассасалари тармоғини реструктуризация қилишга кўмаклашмайди. Қонунчилик ҳужжатларида суғурта компаниясини, даволаш муассасасини ва шифокорни танлаш эркинлиги хусусидаги қондалар белгиланмаган. Гарчи стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларда ижтимоий-суғурта моделига ўтиш белгиланган бўлишига қарамасдан, айрим ҳолатларда бу масалага шубҳа билан қараш ҳоллари учрайди. Фикримизча, соғлиқни сақлашнинг суғурта моделига ўтиш дунё тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак жуда муҳимдир ва бунинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- суғурта модели соғлиқни сақлаш тизимининг бюджет ва хусусий моделлари билан солиштирилганда камроқ камчиликларга эга;
- бюджет модели зарурий манбалар билан таъминланганликка камроқ боғлиқ ҳисобланади;
- молиялаштиришнинг нисбатан барқарор тизимига эга;
- молиялаштириш ва тиббий хизмат кўрсатиш вазифалари бу моделда бир-биридан ажратилган ва бу давлат мулкда бўлган даволаш профилактика муассасаларига нисбатан манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш имконини беради;
- бюджет модели билан солиштирилганда хусусий шифокорлар ва турли мулк шаклларидаги муассасалар кўрсатадиган тиббий хизматлар сифатини оширишда рақобат механизмларининг роли юқорилиги билан ажралиб туради;
- “пул бемор ортидан боради” тамойилига риоя этилишини таъминлайди;
- бюджет моделига қараганда, маблағларни тақсимлашда нисбатан тизимли эканлиги билан тавсифланади.

Соғлиқни сақлашнинг суғурта модели ишлаб кетиши учун қуйидагилар зарур ҳисобланади:

- 1) соғлиқни сақлаш харажатларини ялпи миллий маҳсулотдаги ижтимоий маблағлар улушининг 5-6 фоизигача доимий ошириб бориш;
- 2) мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонунни жаҳондаги илғор давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб қабул қилиш ва мажбурий тиббий суғурта орқали тиббий хизматларни бир тармокли молиялаштиришни жорий этиш;
- 3) мажбурий тиббий суғурта давлат фондини тузиш ва у билан суғурта компанияларининг соғлиқни сақлаш манбаларини бошқариш вазифаларининг муқобил тизимини яратиш;
- 4) сметали молиялашни эмас, балки “пул бемор ортидан бориши” тамойилини ҳақиқатда амалга ошириш;
- 5) тиббий хизматлар сифатини ошириш учун шифокор ва тиббиёт ташкилотини танлаш тамойили ишлашини таъминлаш;
- 6) қўшимча молиялаштириш манбалари, шу жумладан ихтиёрий тиббий суғуртани жорий этиш;
- 7) мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта ваколатлари ва ўзаро алоқадорлигини чегараловчи норматив базани ишлаб чиқиш;
- 8) соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш.

Мансуржон БОЛТАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети профессори в.б.,
юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Most Efficient Health Care: Countries / Bloomberg Visual Data 2013 (<http://www.bloomberg.com/visual-data/best-and-worst/most-efficient-health-care-countries>).
2. Омельяновский В. В., Максимова Л. В., Татаринов А.П. Зарубежный опыт: модели финансирования и организации систем здравоохранения // https://www.nif.ru/images/FILES/Journal/Archive/2014/3/03_2014.pdf.
4. Thomson S., Osborn R., Squires D., Jun M. International Profiles of Health Care Systems: Australia, Canada, Denmark, England, France, Germany, Iceland, Italy, Japan, the Netherlands, New Zealand, Norway, Sweden, Switzerland, and the United States. 2012 [Elektronnyy resurs]. — Rejim dostupa: http://www.commonwealthfund.org/~media/files/publications/fund-report/2012/nov/1645_squires_intl_profiles_hlt_care_systems_2012.pdf.

ИШ ТАШЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Дунё тажрибасида иш ташлаш ва у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий ҳодиса сифатида аллақачон ҳуқуқий тартибга солинган бир вақтда, ушбу тушунча ва уни амалга ошириш механизмлари Ўзбекистон қонунчилигида ҳанузгача акс этмаган.

Иш ташлаш ҳуқуқи халқаро меҳнат муносабатларида эътироф этилган ва меҳнаткашлар томонидан энг кенг фойдаланиладиган ҳуқуқлардан биридир. Хусусан, БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактга кўра, ушбу ташкилотга аъзо бўлган ҳар бир мамлакат унга истиқомат қиладиган барча инсонларни қонунларга мувофиқ амалга ошириладиган иш ташлаш ҳуқуқи билан таъминлаши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Европа ижтимоий хартиyasi (European Social Charter)да ҳам иш ташлашга бўлган ҳуқуқ инсоннинг энг ажралмас ижтимоий ҳуқуқларидан бири сифатида қабул қилинган. Маълумот учун, мазкур Хартия Европа ижтимоий конституцияси деб қўйилади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг бирор-бир актида иш ташлашга бўлган ҳуқуқ тўғридан-тўғри мустаҳкамлаб қўйилмаган. Шунга қарамадан у эркин бирлашишга бўлган ҳуқуқнинг ажралмас қисми сифатида кўриб келинади. Жумладан, фундаментал конвенциялардан бири бўлган Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясида меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари ўзларининг низомлари ва қоидаларини тузиш, ўзларининг вакиллариини мутлақ эркин сайлаш, ўзларининг маъмуриятини ва фаолиятини ташкил қилиш, ўзларининг дастурларини баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Бунда “дастур” сўзи мазмунида иш ташлаш ҳаракатларини ҳам тушуниш мумкин. Шунингдек, унинг 3 моддасида назарда тутилган “ҳодимлар вакиллиги ҳаракатлари” иш ташлаш ҳаракатлари сифатида баҳоланиши мумкин. Ёки Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи тамойилларини қўллаш тўғрисидаги 98-Конвенциянинг 3 моддасида зарур ҳолларда, бирлашиш ҳуқуқининг ҳурмат қилинишини таъминлаш мақсадида, худди олдинги моддаларда таърифланганидек, миллий шароитга мос келадиган механизм тузилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг устави (конституцияси) преамбуласида ҳам меҳнат шартларини яхшилаш учун бирлашишга бўлган ҳуқуқ эътироф этилган.

Иш ташлаш тушунчаси Юридик атамалар қомусий луғатида ишчи ва хизматчиларнинг уюшган ҳолда иш ташлаши, ишни тўхтатиб қўйиши деб изоҳланган бўлса, Ўзбекистон юридик энциклопедиясида ушбу атамага нисбатан батафсил таъриф берилган ва эътиборли жиҳати, “иш ташлаш” Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “забастовка” термини билан берилган ҳамда ташкилий равишда ёппасига иш ташлаш, ишни тўхтатиш деб изоҳланган.

Жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш учун кўриб чиқилаётган даврда тарафлар бир-бирига маълум бир “босимлар”ни намоиш қилади. Бу “босимлар”дан кўзланган мақсад эса қабул келишувга эришиш саналади. Иш ташлашни ходимларнинг иш берувчига нисбатан босимнинг тарихий шалланган кўриниши деб ҳисоблаш мумкин.

Дунё таърибасида иш ташлашга оид қонунчиликнинг ривожланиш тарихи каолицияларни тартибга солувчи қонунчилик билан узвий боғланган. Шуниси эътиборлики, иш ташлаш узоқ йиллар қонунчилик билан таъқиқланиб келинган ва жиноят даражасидан конституциявий ҳуқуқ даражасигача бўлган тадрижий ривожланиш босқичларни босиб ўтган муҳим ижтимоий институтлардан биридир. Биринчи антикаолицион қонун Буюк Британия акти 1549 йилда уста-хонамандлар ичида меҳнат шартлари юзасидан келишувларни таъқиқлашга хизмат қилди. Бундай қонун Франция қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра йиғилишлар ўтказиш, даъват қилиш, унга раҳбарлик қилиш ёки бирга-

ликда муаммоларни муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш жиноят деб тавсифланган ҳамда 5 йилгача озодликдан маҳрум этилган.

Дунёда иш ташлаш ҳаракатлари инсон ҳуқуқларидан бири сифатида расман ХМТнинг Бирлашмаларга бирлашиш эркинлиги комитети томонидан унинг иккинчи учрашувида, яъни 1952 йилда эълон қилинди. Халқаро Меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда иш ташлашга бўлган ҳуқуқни давлатларнинг 97 таси ўз конституциясида мустаҳкамлаб қўйган бўлса, 150 дан ошқ давлатнинг умумий қонунчилигидан ўрин олган. 50 га яқин давлат эса махсус қонунлар билан ҳуқуқий тартибга солган. Марказий Осиё давлатлари ичида Қозоғистон Республикасида иш ташлаш ҳуқуқи нафақат Меҳнат кодекси ва махсус қонун билан балки, конституция даражасида ҳуқуқий тартибга солинган. Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 42 моддасида ҳар бир фуқаро иш ташлаш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатлаб қўйилган.

Қонунчилигида иш ташлашни ҳуқуқий тартибга солмаган давлатларнинг меҳнат муносабатларида иш ташлаш содир бўлмади, деган хулосага келмаслик керак. ХМТ экспертлар кўмитасига кўра, иш ташлаш ҳуқуқини бермаслик ходимлар ҳуқуқларининг чекланишига сабаб бўлади. Ташкилот жамоавий низони ҳал этиш даврида давлатнинг иқтисодий, ижтимоий сиёсатиға қарши қаратилган иш ташлашлар ҳам таъқиқланмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Бизнингча, ХМТнинг ушбу баёноти Ўзбекистон каби кам сонли давлатларға тегишлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддаси қуйидаги қўшимча билан тўлдирилишини тақлиф этамиз:

Ҳар ким иш ташлаш ҳуқуқига эга. Иш ташлаш тартиби ва шартлари қонунчиликда белгилаб қўйилади.

Лола РАҲИМҚУЛОВА,

Тошкент давлат юридик университети доцентлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида" Халқаро Пакт // <https://lex.uz/docs/2686000>
2. <https://www.coe.int/en/web/european-social-charter>
3. https://normlex.ilo.org/dyn/nrmlex_en/f?p=normlexpub:12100:0::no:p12100_instrument_id:312232
4. Background document for the Tripartite Meeting on the Freedom of Association and Protection of the Right to Organise Convention, 1948 (No. 87), in relation to the right to strike and the modalities and practices of strike action at national level (revised) (Geneva, 23–25 February 2015) // file:///C:/Users/DPSERVICE/Downloads/wcms_344248.pdf
5. https://normlex.ilo.org/dyn/nrmlex_en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312243:N
6. https://normlex.ilo.org/dyn/nrmlex_en/f?p=1000:3A62%3A0%3A%3ANO%3A62%3AP62_LIST_ENTRIE_ID%3A2453907%3ANO
7. Юридик атамалар қомусий луғати. Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядолик компанияси Бош таҳририяти, 2003
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашрияти. Т. // https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Z.pdf
9. Дрыжов Г. Коллективные трудовые споры: понятие, порядок разрешения. Дисс.. канд.юрид.наук. Москва, 2012
10. Лушников А. Лушникова М. Право на забастовку: историко-правовое эссе. // <https://elibrary.ru/>
11. Gernigon B. Ilo principles concerning the right to strike// [file:///C:/Users/DPSERVICE/Downloads/wcms_087987%20\(2\).pdf](file:///C:/Users/DPSERVICE/Downloads/wcms_087987%20(2).pdf)
12. Background document for the Tripartite Meeting on the Freedom of Association and Protection of the Right to Organise Convention, 1948 (No. 87), in relation to the right to strike and the modalities and practices of strike action at national level (revised) (Geneva, 23–25 February 2015) // file:///C:/Users/DPSERVICE/Downloads/wcms_344248.pdf
13. Конституция Республики Казахстан // https://www.akordakz.ru/official_documents/constitution
14. Конституция Кыргызской Республики // <https://www.gov.kg/ru/p/constitution>

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

“Давлат хизматини тугатиш” термини аниқ бир кодификация қилинган қонунда учрамайди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунда ҳам унинг мазмуни ошкор қилинмасдан “давлат фуқаролик хизматчисининг фаолиятини тугатиш” термини қўлланган. Шу билан бирга, давлат хизматининг тугатилиши ҳуқуқ назарияси жиҳатидан давлат ва ходим ўртасидаги давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши билан боғлиқ бўлган мураккаб ҳуқуқий муносабатларни билдиради.

Давлат хизматининг ҳуқуқий муносабатлар сифатида тугатилиши бир неча таркибий қисмлардан иборат. Жумладан, хизмат шартномасини бекор қилиш, лавозимдан озод қилиш ва давлат хизматидан бўшатиш (бу умуман давлат хизматининг тугатилишини ёки бошқа турдаги давлат хизматига ўтишни англатади).

Давлат хизматчиси фаолиятини тугатиш асослари Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунининг 50-моддасида назарда тутилган.

Давлат хизматининг бошқа турлари (ҳарбий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш) учун давлат хизматини тугатишнинг бошқа асослари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Масалан, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомнинг 144-бандида ушбу органлар ходимлари меҳнат қонунчилигида (ўз хоҳиши, ташкилий-штат ўзгаришлари, хизмат интизомини қўпол равишда бузиш ва ҳ. к.) назарда тутилган асослар бўйича ҳам, давлат хизмати тўғрисидаги қонунда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича ҳам хизматдан бўшатилиши белгилаб қўйилган. Соғлиқ ҳолати – ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларида хизматга яроқлилиги чекланганлиги ва хизмат қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, хизматга қабул қилиш ёшига етганда, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи хизмат муддатига эришган тақдирда эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат вазифаларини бажаришнинг мумкин эмаслиги тўғрисидаги ҳулосаси асосида хизматдан бўшатилади.

Меҳнат шартномасини меҳнат қонунчилигида мувофиқ бекор қилишнинг умумий асослари Меҳнат кодексининг 155-моддасида белгиланган.

Давлат хизматчисининг ташаббуси билан давлат хизматини тугатиш тартиби ҳам мавжуд. Унга кўра ходим муддатсиз тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек муддати тугашидан олдин муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Ходим кадрлар бўлимига тегишли ариза бериш орқали иш берувчини икки ҳафта олдин ёзма равишда меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида огоҳлантириши шарт. Ушбу муддатни оширишга, ҳатто томонларнинг келишувига биноан ҳам йўл қўйилмайди.

Корхонада белгиланган тартибда бундай ариза беришнинг иложи бўлмаган тақдирда, ходим уни иш учун бевосита бўйсунадиган мансабдор шахсга (бўлим, сектор бошлиғи ва бошқалар) топширишга ҳақлидир.

Ходимнинг аризаси рўйхатдан ўтказилиши керак. Огоҳлантириш муддати рўйхатдан ўтганидан қатъи назар, ариза берилган кундан кейинги кундан бошланади.

Агар ходимнинг аризаси узрли сабабларга кўра ишни давом эттиришнинг иложи йўқлиги билан боғлиқ бўлса, у иш берувчига ариза берилган кун топширилади, у аризада кўрсатилган муддатда меҳнат шартномасини бекор қилиши шарт.

Ходим исталган вақтда, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида, таътилда, хизмат сафарида ва ҳоказоларда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақлидир.

Ходимнинг ташаббуси билан муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин тугатилган тақдирда, жарима тўлаш тўғрисидаги ўзаро мажбурияти кўзда тутилиши мумкин. Унга кўра, агар меҳнат муносабатлари ходимнинг ташаббуси билан тугатилган бўлса, ходим иш берувчига жарима тўлайди. Агар меҳнат шартномасида жарима миқдори аниқланмаган бўлса, томонлар уни тўлашдан озод қилинади. Жарима миқдори иш берувчи томонидан ходимнинг манфаати учун қилинган харажатларга, ходим томонидан ишлаган даврга ва бошқа ҳолатларга қараб фарқланади. Ходим томонидан тўланадиган жарима миқдори иш берувчи томонидан тўланадиган жарима миқдоридан ошмаслиги керак. Агар меҳнат шартномаси унинг ташаббуси билан муддатидан олдин тугатилган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ариза унинг ишини давом эттиришнинг иложи йўқлиги билан боғлиқ бўлса (таълим муассасасига қабул қилиш, устамага чиқиш, сайланадиган лавозимга сайланиш ва бошқа ҳолларда) ходим жарима тўлашдан озод қилинади. Томонлардан бири жарима тўлашдан бош тортган тақдирда, уни ундириш суд тартибда амалга оширилади.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ва ходимнинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган таътилда бўлиши даврида бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона тўлиқ тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Ходимнинг малакаси етарли эмаслиги ёки соғлиғи ҳолати туфайли иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат муносабатларини тугатиш, агар ходим ўзи билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ бажариши керак бўлган ишни аниқ бажара олмаса, жоиздир. Агар ходим бошқа иш билан шуғулланмаса, хусусан, унинг розилигисиз белгиланган тартибда иш берувчининг ташаббуси билан ишлаб чиқариш зарурати бўлган ҳолларда ёки ишламай қолиши муносабати билан вақтинча кўчирилган бўлса, бу ҳолда у билан меҳнат шартномасини бўйича бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ўз-ўзидан, тиббий ҳулоса билан тасдиқланган ходим соғлиғининг ёмонлашиши, шу жумладан унинг ногиронлигини аниқлаш, агар ходим ишониб топширилган ускуналар билан шуғулланса, кўриб чиқилаётган асосда меҳнат шартномасини бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиши мумкин эмас.

Агар жамоа шартномаси ёки жамоа келишувида назарда тутилган бўлса, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга қасаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигисиз йўл қўйилмайди. Корхона тугатилиши сабабли иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатларда корхона раҳбари билан қасаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилиги талаб қилинмайди.

Огоҳлантириш муддати давомида, айбли ҳаракатлар содир этилиши муносабати билан меҳнат муносабатлари тугатилганлиги тўғрисида огоҳлантиришдан ташқари, ходимга бошқа иш топиш учун шу вақт ичида иш ҳақи сақланиб, ҳафтасига камида бир кун ишласлиқ ҳуқуқи берилади. Ходимни огоҳлантириш муддати, корхона тугатиш муносабати билан меҳнат муносабатларини тугатиш бундан мустасно, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик давларини, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш вақтини ўз ичига олмайди. Иш берувчи ўз вақтида, камида икки ой олдин, тегишли қасаба уюшма органига ёки ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа органга ишчиларни оммавий равишда лавозимдан бўшатиш мумкинлиги тўғрисида маълумот ва оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлар беради. Иш берувчи, шунингдек, икки ойдан кечиктирмай, ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва иш ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда тегишли маълумотларни маҳаллий меҳнат органига етказиши шарт.

Элеонора АВЕЗОВА,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. E.T.Xojiev. Davlat xizmati. O'quv qo'llanma. – T.: TDYI, 2004. – 127 b.
2. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
3. Xamedov I.A., Xvan L.B., Say I.M. Administrativnoe pravo Respublik Uzbekistan Obshchaya chast. Uchebnik. –T.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 s.
4. “O'zbekistonda davlat boshqaruvinin takomillashtirishning asosiy yo'nalishlari”. Monografiya. – T.: TDYU. 2016. “Lesson Press” nashriyoti.
5. Nematov J. Yaponiyada davlat xizmatining o'ziga xos xususiyatlari: qiyosiy-huquqiy tahlil.// O'zbekiston Respublikasida davlat xizmatini isloh etishning huquqiy asoslari: davra suhbat materiallari. – Toshkent: Baktria press, 2015. – B. 34-41.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЧЕКЛАШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Ҳозирги пайтда жамиятнинг ривожланиш жараёнини ер шари аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этувчи аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада халқаро ташкилотлар тажрибаси ва уларнинг таҳлили аёллар билан эркаклар тенглиги тамойилларини, қашшоқликни бартараф этиш ва ҳар бир инсоннинг ҳар томонлама камол топиши масалаларини чуқур ўрганиш имконини беради.

Аёллар гендер тенглиги ғояси халқаро ҳамжамиятнинг кун тартибидан муҳим ўрин эгаллади ва унинг ижобий натижалари дунё давлатлари томонидан ратификация қилинаётган халқаро шартномаларида ўз ифодасини топомда ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсата бошлади.

Бироқ, аёллар гендер тенглиги соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар аёллар ҳуқуқларини чеклаш сиёсатининг жуда кам қисмидир ҳолос. Жаҳон банкининг аёллар, бизнес ва қонун бўйича 2022 ҳисоботида кўра, ҳамон тахминан 2,4 миллиард меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар тенг иқтисодий имкониятларга эга эмаслар ва 178 та мамлакатда уларнинг иқтисодий ҳаётда тўлиқ иштирок этишига тўсқинлик қиладиган қонуний тўсиқлар мавжуд. 86 та мамлакатда аёллар ҳали ҳам ишда қандайдир чекловларга дуч келишмоқда ва 95 та мамлакат тенг иш учун тенг ҳақ тўлашни кафолатламайди.

Бутун дунёда аёллар ҳали ҳам қонунчилик эркакларга берадиган ҳуқуқларнинг атиги тўртдан уч қисмига эга. Агар уларни балл тарзида ҳисобласак, 100 баллдан 76,5 баллни ташкил этади, бу тўлиқ ҳуқуқий нотенгликни англатади. Бироқ, ҳисоботга кўра, глобал пандемиядан кейинги давр аёллар ҳаёти ва уларнинг даромад манбаларига алоҳида таъсир кўрсатишда давом этаётган бўлса-да, 2021 йилда 23 мамлакат аёлларнинг иқтисодий ҳаётдаги иштирокини янада ошириш учун зарур чораларни кўриш учун ўз қонунчилигини ислоҳ қилди.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда БМТнинг “Аёллар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш ҳақидаги Конвенция”сини (CEDAW) ратификация қилди ва шу муҳим халқаро ҳужжатда келтирилган аёлларнинг эркаклар билан тенг имкониятга эга бўлишини ўзида ифода этган қоидаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнини бошлаб юборди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг 58-моддасида аёллар билан эркакларнинг гендер тенглиги де-юре кафолатланган. Конституциямизга кўра инсонларнинг қайси жинсдалигидан қатъи назар қонун олдида тенглиги тамойили жорий этилган. Шунингдек, Конституцияда аёлларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари ҳам тўлиқ ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва ЎРҚ-562-сонли “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда

бевосита аёллар гендер тенглигининг ҳуқуқий асослари келтириб ўтилган. Хусусан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида “Жинс бўйича бевосита камситиш — жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш”-деб эътироф этилган.

Республикамиз аёллари гендер тенглигининг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилигимизнинг бошқа соҳаларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, аёлларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 2 бўлимида, аёлларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари Ер кодексида, хотин-қизларнинг турмуш куриш, никоҳни расмийлаштириш ва ажрашиш, оилавий муносабатлар ва фарзандлар тарбиясига оид масалалар Оила кодексида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида аёлларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, аёлларни ишга қабул қилиш, уларга ҳақ тўлаш, зарур иш шароитини яратиб бериш, бола парвариши учун таътилга чиқиш каби бир қатор масалаларга алоҳида ўрин берилган. Ҳозирда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқини таъминловчи қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиб, халқаро андозалар талабларига мувофиқлаштирилмоқда.

Аёлларнинг ҳаёти, соғлиги, ахлоқи, шаъни, кадр-қиммати, жинсий ва бошқа эркинликларининг муҳофазасига амалдаги Жиноят ва жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликда катта ўрин берилган. Шу сабабли қуйида биз ушбу қонунларнинг айримлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз ва уларни БМТнинг “Аёллар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш ҳақидаги Конвенция”си (CEDAW) қоидалари билан таққослаб чиқамиз. Зеро, бу таққослаш мамлакатимиз қонунчилигида аёлларнинг гендер тенглиги борасида амалга оширилаётган ишлари кўламинан далолат беради.

БМТнинг “Аёллар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш ҳақидаги Конвенция”си (CEDAW) қоидалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28 та моддасида аёлларнинг турли ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳолатларида ўз ифодасини топган. Масалан, Ўзбекистон Республика-

сининг 2024 йил 21 октябрдаги ЎРҚ-978-сонли Қонуни билан амалдаги Жиноят кодекси алоҳида 126¹-модда “Оилавий (маиший) зўравонлик” номли меъёр билан тўлдирилди. Ушбу конвенциянинг кириш қисмидаги иккинчи хатбошида келтириб ўтилган “инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ҳуқуқларнинг камситилишига йўл қўймаслик принципини таъкидлаб, барча инсонлар ҳуқуқ ва қадр-қимматларида тенг ва эркин бўлиб туғилишини, унда эълон қилинганидек, ҳар бир инсон шу жумладан жинсдаги нисбатан бўлган фарқлардан қатъи назар барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлмоғи кераклигини эълон қилганлигини ҳисобга олган ҳолда” деб номланган тезислари ЖКнинг 118, 119, 121, 125¹, 126¹ 128-131-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ушбу Конвенция 2-моддасининг “б” бандида “хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини таъқиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни қўриш, зарур бўлганда санкцияларни қўллаш” қоидалари келтириб ўтилган. ЖК Махсус қисмининг аёллар гендер тенглиги бузилиши ҳолатлари ифодасини топган барча моддаларида бу жиноятлар учун жарима, ахлоқ тузатиш ишларидан ташқари турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазо чоралари назарда тутилган.

Конвенция 4-моддасининг 2-қисмида “Иштирокчи давлатлар оналикни ҳимоя қилишга қаратилган махсус чораларни, жумладан ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларни қабул қилиши камситувчи чоралар деб ҳисобланмайди” дейилган бўлса, бу қоидалар ЖКнинг 99-моддаси (Онанинг ўз чақологини қасддан ўлдириши), 114-моддаси (Жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) каби моддаларида ўз ифодасини топган.

Конвенциянинг 6-моддасида “Иштирокчи давлатлар аёлларни сотиш ва фоҳишалikka жалб қилишнинг барча турларига чек қўйиш учун ҳамма тегишли қонунчилик чораларини қўрадилар” деб эътироф этилган талаблари эса Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июль кунги ПҚ №911-сонли “Одам савдосига қарши курашиш ишларини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сонли “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорларида мустаҳкамлаб қўйилган.

БМТнинг “Аёллар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш ҳақидаги Конвенция”си (CEDAW) қоидалари талаблари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Конвенцияда акс этган “эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланишини ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш” ҳақидаги қоида ЖПКнинг 17-19- моддаларида белгилаб қўйилган. Масалан, ЖПК 17 моддасининг 2 қисмида “Ҳеч ким қийноққа

солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас”, деб кўрсатилган.

БМТнинг “Аёллар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш ҳақидаги Конвенция”си қабул қилинганига 45 йил тўлди. Бу аёллар ҳуқуқларини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борадаги барча жиҳатлар миллий қонунчилигимиз ва Конституциямизнинг янги таҳририда яққол ўз ифодасини топган. Эътиборлиси, бугунги кунда Ўзбекистон аёллари мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларнинг марказида турибди ва улар кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар учун кенг имкониятлар яратиш ва гендер зўравонликка барҳам бериш борасида муайян ютуқларга ҳам эришди. Миллий-ижтимоий ҳимоя агентлиги каби тузилмалар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ягона тизимини яратди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. 2030 йилгача Гендер тенглигига эришиш стратегияси қабул қилинди ва ушбу соҳага оид қонунлар орқали қонунчилик базаси мустаҳкамланди. Оила ва аёллар қўмитаси ва Гендер комиссияси каби муҳим муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аёлларни қўллаб-қувватлаш тизимини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенглигини таъминлаш, шу билан бирга раҳбарлик лавозимидаги аёллар улушини 30 фоизгача ошириш кўзда тутилган.

Амалдаги парламентда аёл депутатлар сони Қонунчилик палатасида 32 фоиз, аёл киши раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 25 фоизни ташкил этади. Бу аввалги парламентга нисбатан сезиларли ўсиш. Бу ерда аёллар улуши анча паст эди. Сиёсий бошқарув тизимида аёллар вакилликнинг миқдорий ўсиш кўрсаткичи Ўзбекистонга 2023 йил ҳолатига кўра “аёллар сиёсатда” парламентлараро Иттифоқининг жаҳон рейтингига эълон қилинган 190 та парламентлар орасида 45-ўринни эгаллаш имконини берди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта парламентдаги аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсияларига мувофиқ даражага етди. Шундай қилиб, миллий парламентларда аёллар эгаллаган ўринлар сони мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида гендер тенглигига эришиш жараёнидаги тараққиёт кўрсаткичларидан биридир. Шу боис, аёлларнинг сайлов жараёнида, шунингдек, сайланган раҳбарлик лавозимларида иштирок этиши учун яратилган имкониятларни ҳисобга олсак, тобора кўпроқ аёллар улардан фойдалана олиши ва ундан фойдаланишни хоҳлаши мантиқан тўғри.

Гайбулла АЛИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети доценти, ю.ф.н.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ҚОЗИ ВА ҚОЗИЛИК ИШЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Амир Тему́р давлатида қози ва қозилик ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли мансаб ҳисобланиб, улар фаолиятини аксарият ҳолларда Амир Темурнинг шахсан ўзи назорат қилган ҳамда кўрилган ишлар бўйича уни хабардор қилиб туришларини қозилардан талаб қилган. Бизнингча, бу тартибнинг жорий этилиши бежиз эмас. Бу – қозиларга улкан масъулият юклаш баробарида, уларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилган.

Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг тухматлари билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъиян ман этилган. Аммо бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса у кишининг айбига муносиб тарзда жазо тайинланган.

Бундан кўринадики, биринчидан, Амир Тему́р фуқароларнинг ноҳақ тухматдан жазоланишига йўл қўймаган; иккинчидан, қозиларга ҳар бир далилни алоҳида синчковлик билан ҳолисона текшириш ва унга оқилона баҳо бериш талабини қўйган. Бир сўз билан айтганда қозилар адолатли ҳукм чиқариши шарт бўлган.

Қози ва қозилик ишларининг юксак мезонлар билан ўлчанганлигини Амир Тему́р фармонларидан бирида келтирилган қуйидаги кўрсатмалар ҳам тасдиқлайди:

“Уларнинг ўзларидан энг салоҳиятлиси қози бўлиб, аҳком ва шариат ҳукмларини етказиб тарғиб қилсинлар. Ҳеч ким улардан бозор ва йўлдаги харажат ҳамда солиқларни талаб қилмасинлар, шунда уларнинг лаънатларига гирифтор бўлмайдилар”. Ёки “Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида менга хабар қилиб туришларини буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин, деб адолат амирини тайинладим”.

Амир Тему́р тайинлаган “адолат амира”ни шартли равишда қозиларга нисбат қилиш мумкин. Чунки, одатда “ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар”ни кўриб чиқиш қозилар томонидан амалга оширилган.

Шу тариқа қозилар салтанатда адолат ва ҳақиқат тамойилларини таъминлашга масъул бўлиб, улар сипоҳ ва раият ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турган.

Амир Тему́р давлатида қози ва қозилик ишларининг ўзига хос хусусияти шундаки, оддий фуқароларнинг баъзи бир жиноятлари қозилар томонидан шариат қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилган. Шунингдек, Чигатой амирлари ва шахзодаларнинг қонунга хилоф ишларини яргучилар кўриб чиққан. Бу ўринда яргучи судья вазифасини бажарган.

Ҳуқуқшунос олим, профессор Ҳ.Бобоевнинг хулосасига кўра ўғриларга нисбатан Амир Тему́р жуда қаттиққўл бўлган. Уларни ясоқ (Чингизхон жорий этган қоидалар мажмуаси) асосида жазолашни буюрган.

Айрим олимлар жиноий қилмишларга ясоқнинг қўлланилганлигини инкор этади. Хусусан, мутахассис олим Н.Тошеев “жиноий-ҳуқуқий масалаларда “Ясоқ” Тему́р давлатида қўлланилмаган”лигини таъкидлайди.

Бу фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу борада олимлар ўртасида ҳам Амир Тему́р давлатида қозилар томонидан жиноят ишларини кўриб чиқишда ясоқ қонунларининг қўлланилганлиги ёки қўлланилмаганлиги юзасидан яқдил фикр шаклланмаган.

Лекин, “Тему́р тузуқлари”да келтирилишича: “Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, ясоқ бўйича жазолансин”.

Бундан келиб чиқиб, профессор Ҳ.Бобоевнинг хулосаси ҳақиқатга яқин эканлигини эътироф этиш ўринли.

Фикримизча, ўғрилиқ жиноятларини содир этганларга нисбатан айнан ясоқ қонунларига биноан жазо тайинланиши бежиз эмас. Чунки, мазкур қонунлар ҳаддан ташқари шафқатсизлиги билан ажралиб турган.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Профессорлар З.Муқимов ва Х.Маматов “Амир Тему́р тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари” (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот) асарида бу борада қуйидаги фикрни билдириб ўтишади: “фуқаролик ҳуқуқига келганда Тему́рийлар давлатида деярли ясоқга таянилмаган, бу масалалар шариат қонунлари асосида ҳал этилган”.


Салтанатда шариатга боғлиқ бўлмаган жиноятларга ясоқ қонунлари бўйича жазо берилган. Унга мувофиқ ва Ўрта аср анъаналарига хос бўлган бармоқ, қўл, бурун, кулоқ кесиш, кўзга мил тортиб кўр қилиш, дарра ва қамчи билан уриш, сазойи қилиш каби жазо турлари қўлланилган.

Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг ундан жарима олинса, бошқа дарра урилмаган. Бордию дарра уриш билан жазоланса, ундан жарима олинмаган. Демак, Амир Тему́р бир жиноят учун икки хил жазо тайинлашга қарши бўлиб, жиноят ва жазо миқдорининг тенглигини ёқлаган.

Юқорида келтирилганлардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, Амир Тему́р давлатида қозилик ишлари тааллуқлилигига қараб, Қуръони-карим ва ислом шариатига, шунингдек Ясоқ қонунларига асосланган ҳолда ташкил этилган.

Тему́рийлар давлатида баъзи ҳолларда мўғул хонлари томонидан қабул қилинган тартиб-қоидалар ҳам амалда бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Бунинг сабаби, Чингизхон авлодлари Мовароуннаҳрда қарийб бир ярим аср ҳукмронлик қилган. Шу давр мобайнида уларнинг ясоқ қонунлари ҳуқуқ тизимига жорий этилган.

Амир Тему́р давлатида қозиликлар асосан фуқаролик, шариат ва ҳарбий судларга бўлинган. Дунёвий масалалар билан шуғулланувчи қозилар аҳдос қозиси, шариат ишлари билан шуғулланувчи қозилар шариат қозиси, сипоҳийлар ўртасидаги келишмовчилик ва тортишувларни ҳал этувчи қозилар қози аскар деб номланган.



Ушбу жадвалдан кўринадики, Соҳибқирон салтанатида судлар фаолияти муайян соҳалар бўйича ихтисослаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, қози ва қозилик ишлари Соҳибқироннинг шахсан ўзи томонидан қатъий назоратга олиниши унинг салтанатида юксак маънавий салоҳиятга эга бўлган, илмли, ҳалол, пок виждонли, одил қозилар кўплаб етишиб чиқишига омил бўлган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, шундай маънавияти юксак қозилардан бири – Азиз исми билан довруқ таратган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг кўшилиш жойи” асарида Шохрух Мирзо даврида қози Имоуддин, қози Қутбуддин Абдуллоҳ, қози Салоҳуддин, қози Аҳмад Соидий ва бошқа қозилар эслатиб ўтилган. Жумладан, Аҳмад Соидийни доворакларнинг пешқадами деб атаган ва энг катта тадбирлар ва учрашувларда у доимо иштирок этганлиги, шунингдек, Хоразмда амир Идиқунинг ўғли Муборакшоҳ ҳоким бўлгани, Бекижак девон амири ва садр қози мансабида бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот ёзиб қолдирилган. Шохрух Мирзо хузурига Хитойдан элчилар келганда Ҳожи Юсуф қози бир нечта тил билувчи мусулмонлар билан бирга таржимонлик қилгани ва уларга қоидаларни тушунтиргани ҳақида маълумотлар учрайди. Абдураззоқ Самарқандий ва XV аср тарихнависи Мирхондиннинг кўрсатишларича, Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий Шохрух саройида “мулозимлик”да бўлиб, кўп йиллар давомида унинг ўрдуси (лашқари)да имомлик ва қозилик мансабини ўтаган.

Амир Темур даврида қозилардан яна бири Қози Ихтиёр номи билан машҳур бўлган Қози Ихтиёриддин Ҳасан ибн Ғиёсиддин ибн Зайн ал-обидийн ал-Ҳусайний ат-Турбатий ал-Ҳиравийдир.

Қайд этилишича, Қози Ихтиёр 1498 йил қозикалонлик лавозимига эришган бўлиб, темурийлар ва Исмоил Сафавий (1502–1524) даврида қози лавозимида самарали фаолият кўрсатган.

У ўзининг “Мухтор ал-Ихтиёр” асарида айтишича, Ҳиротда Қозилик лавозимига эришган вақтда йигит ёшида бўлган (дар унуфвони шабоб ва райъони жавони) ва узоқ муддат обрў билан бенуқсон фаолият кўрсатган.

Тарихчи олим Ҳ.Аминовнинг қайд этишича, “Қози Ихтиёр Алишер Навоийдек буюк мутафаккирнинг эътиборига тушган”.

“Мухтор ал-Ихтиёр”нинг Шарқ қўлёзмалари маркази жамғармасида йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланади. Улардан энг қадимий иккита нусхаси асар ёзилган йили, яъни 908/1502 йилда китобат қилинган. Асарнинг биринчи мабҳаси “Қози ва ҳокимларнинг расм-русумлари, одоблари ҳамда унга тааллуқли шарт ва ҳукмлари баёнида” деб аталган. У ўн та мажлисга бўлинган, мажлислар эса, ўз навбатида, 30 та қазийа (ҳукм) деган бўлимларга ажратилган.

Мазкур қисмда қозиликнинг луғавий ва истилоҳий маъноларидан тортиб, қози бўлиш учун зарурли шартлар, қозихонанинг ўзига хос тартиб-қоидалари, даъвогар ва жавобгарларнинг қозихонада ўзларини тутишлари, уларга қандай қилиб қасам ичтириш, гувоҳларни талаб қилиш, гувоҳларнинг ростгўйлигини текшириб кўриш, ҳибсда ушлаб туриладиган кимсалар, вакиллик ва васийлик шарт-шароитлари тўғрисида батафсил сўз юритилади.

Ҳақиқатдан ҳам Қози Ихтиёр нафақат қози, балки, ўз даврининг етук алломаларидан бири, бир қанча асарлар муаллифи бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам қайд этилган: “Яна Қози Ихтиёр эди, Қозиликни хўб қилди. Фикҳда бир форсий рисола битибтур, тавр рисоладур. Яна бир мазмун била иқтибос учун оёти каломийни жам қилибтур”.

“Бобурнома”да баён этилган бу фикрдан англашиладики, Қози Ихтиёр фикҳ (қонун) билимдони сифатида унинг таҳлилига бағишланган рисола ҳам ёзган. Унда Қози Ихтиёр ўзининг қозилик

тажрибасидан келиб чиқиб, фикҳ ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, қозилар томонидан уни қўллаш билан боғлиқ қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этган.

Амир Темур давлатида қози энг юксак мақомдаги мансабдорлардан бири ҳисобланган. Шунинг учун бу даврда фаолият юритган қозиларга жуда кўплаб масъулиятли вазифа ва ваколатлар ҳам юклатилган.

XIV асрда яшаб ўтган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута ўзининг Ўрта Осиёга қилган сафари эсдаликларида, қози Иззуддин ал-Малижий бир гуруҳ аёнлар билан рамазон бошида ой чиқишини кузатишгани ва улар бу ишни ҳар йили такрорлашини қайд этган.

Бундан хулоса чиқариш мумкинки, қозилар ойнинг чиқишини кузатиш орқали мусулмонлар рўзаларини қачондан бошлаб тутиб бошлашлари ва қачон очиш кераклигини ҳам аниқлаб беришган. Демак, қозилар фақат одамлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқиб ҳал қилиш билан чекланмасдан, мамлакат ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим масалалар бўйича ҳам қарорлар қабул қилишган. Бундай мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун қозилар қай даражада зукко, тафаккури кенг, қомусий билимлар соҳиби бўлиши лозимлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, **биринчидан** Амир Темур давлатида қози ва қозилик ишлари ўта масъулиятли вазифа ҳисобланганлиги учун уни Соҳибқироннинг шахсан ўзи назорат қилган;

иккинчидан, қозилик лавозимига тайинладиган номзодлар диний ва дунёвий билимлардан хабардор, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳалолу пок ва тоза виждонли бўлиши талаб қилинган;

учинчидан, қозилик ишлари Қози аҳдос, Шариат қозиси ва Қози аскар каби турларга бўлиниб, ташкилий томондан фуқаролик, шариат ва ҳарбий судларга ажратилган;

тўртинчидан, қозилар раият ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш билан чекланмасдан, мамлакат ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим, хусусан диний ва дунёвий масалалар юзасидан ҳам турли фатволар чиқариш ваколатига эга бўлишган.

Исматулла МАМАНОВ,
юримдик фанлар номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Керен, Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: Б.Эрматов; Махсус муҳаррир: Х.Султон; Сўзбоши Луи Базен/. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ 2018.
2. Ҳ.Бобоев, “Ўзбек давлатчилиги тарихи”, I Китоб, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти., 2004.
3. Иброҳим Мўминов. “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” ёзма манбалар асосида. (Иккинчи нашри) Тошкент Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти. 1993 йил.
4. Амир Темурнинг фармони. Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, 44-йилга жилд.
5. Темур тузуқлари / Таҳрир хайъати: Б.Абдиҳалимов ва бошқа; Форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
6. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси фанидан тайёрланган маърузалар матни. Термиз давлат университети – 2014. Тузувчилар: Ҳўжаназаров А., Алламуратов Ш. <https://api.ziyouet.uz/uploads/books/715672/5afd513e1de4a.pdf>.
7. Ўзбекистон Олий суди [Матн]: А.Холмаҳматов. – Тошкент: O‘zbekiston nashriyoti, 2024.
8. Ҳ.Бобоев. “Амир Темур ва унинг қарашлари”. Тошкент: “Ўзбекистон” 1992.
9. Тощеев Н. Ясо мўғуллар ва Темурийлар даври ёзма манбаларида. Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни мавзусидаги Халқаро конференция тезислари. 1990, 23-26 октябр. Тошкент, Ўзбекистон, 1996,
10. З.Муқимов., Х.Маматов. Амир Темур тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот) Тошкент-2001. “Янги аср авлоди”.
- 11.Амир Темур давлатида қозиликлр. <https://staff.ttiame.uz/storage/users/422/presentations/zabvgzXirJzpVOjnCsVJiwtPqKK4dnQ555o5uUS0.pdf>.
12. Ҳ.Аминов. Қози Ихтиёр – темурийлар даврининг олими сифатида. SHARQSHUNOSLIK / ВОСТОКОВЕДЕНИЕ / ORIENTAL STUDIES 2015, № 2-3.
13. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома: [Ўрта-ёшдаги мактаб болалари учун] / [Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев; Муҳаррир А.Ўктам]. – Т.: Юлдузча, 1990.
14. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2011 йил, 10-сон.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК: ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА СЎНГГИ МУДОФАА СТРАТЕГИЯЛАРИ

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши нафақат инновациялар ва имкониятларни оширди, балки киберхавфсизлик таҳдидларининг кўпайишига ҳам олиб келди. Замонавий кибер таҳдидлар доимий равишда мураккаблашиб, глобал миқёсда хавфсизлик учун янги қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Ушбу таҳдидларни тушуниш ва уларга қарши кураш стратегияларини ишлаб чиқиш киберхавфсизлик соҳасидаги тадқиқотлар ва амалиётларнинг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

Зарарли дастурлар, ransomware, фишинг ва мураккаб доимий таҳдидлар (АПТ) киберхавфсизлик соҳасидаги асосий хавфлар сифатида ажралиб туради. Ушбу таҳдидларнинг турли тактик ва мотивациялари уларни самарали бошқариш учун чуқур таҳлилни талаб қилади.

Технологик янгиликлар, жумладан, сунъий интеллект, машинавий ўрганиш ва хулқ-атвор таҳлили киберхавфсизликни кучайтириш учун муҳим воситалар сифатида майдонга чиқмоқда. Ушбу технологиялар таҳдидларни аниқлаш ва уларга тезкор жавоб беришда катта имкониятлар яратади. Бироқ, инсон омили киберхавфсизликнинг заиф жиҳатларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда киберхавфсизлик ҳудуди доимий равишда ўзгариб бораётган жанг майдонини эслатади. Бу ерда ҳужумчилар бир-бирига боғлиқ рақамли тизимларнинг заиф томонларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш учун илгор усуллар ва технологиялардан фойдаланмоқдалар. Ушбу мураккабликларни чуқурроқ ўрганар эканмиз, киберхавфсизлик таҳдидларининг хилма-хил турларини теран англаш самарали ҳимоя стратегияларини ишлаб чиқиш учун муҳим эканлиги аён бўлади:

Малваре, яъни "ёвуз дастурий таъминот" — рақамли даврнинг энг кенг тарқалган ва мослашувчан таҳдидларидан биридир. Энди бу таҳдид оддий вируслар билан чекланмай, троянлар, куртлар ва ransomware (маълумотни тўсиш орқали товламачилик қилиш дастурлари) каби мураккаб шаклларга айланган. Малваренинг динамик табиати ва унинг тарқалиш механизмларини тушуниш рақамли ҳимояни мустаҳкамлаш учун муҳимдир.

Ransomware киберхавфсизликнинг айниқса хавфли шакли сифатида ажралиб туради. Бу нафақат шахслар, балки бизнес ва давлат идораларига ҳам жиддий зарар етказмоқда. Бу ҳужумлар тажовузкорлар томонидан маълумотларга киришни блокировка қилиш учун шифрлаш алгоритмларини қўллашни ва уни қайта тиклаш учун тўлов талаб қилишни ўз ичига олади. Ransomware ҳужумларининг молиявий манфаатларга асосланганлиги уни кибержиноятчилар учун даромадли фаолиятга айлантирган.

Киберхавфсизлик соҳасида инсон омили ҳамон асосий заиф нуқталардан бири бўлиб қолмоқда. Фишинг ҳужумлари, яъни алдовли электрон хатлар, хабарлар ёки веб-сайтлар орқали инсон ишончини суистеъмол қилиб, махфий маълумотларни қўлга киритишни мақсад қилган. Фишинг техникалари, жумладан, нишонли фишинг (сpear phishing) ва йирик шахслар мўлжалланган фишинг (whaling) кибержиноятчиларнинг ишонарли ва мўлжалланган компанияларни ташкил қилишдаги мослашувчанлигини кўрсатади. Бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун киберхавфсизлик бўйича хабардорлик дастурлари ва илгор электрон почта филтрлаш технологияларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Advanced Persistent Threats (APT) — мураккаб ва узоқ давом этадиган киберҳужумлар шакли бўлиб, кўпинча у давлат билан боғлиқ бўлган гуруҳлар билан алоқадор бўлади. Бу ҳужумлар илгор техникалар, ижтимоий муҳандислик усуллари ва бузилган тармоқларда яширин фаолият олиб бориш орқали амалга оширилади. Одатда, АПТ ҳужумлари жосуслик, интеллектуал мулкни ўғирлаш ёки стратегик бузилишларни амалга ошириш мақсадида уюштирилади. АПТ таҳдидларига қарши самарали ҳимоя қилиш учун илгор таҳдидларни аниқлаш воситалари, узлуксиз кузатув ва фаол таҳдид разведкаси маълумотлари алмашинуви зарур бўлади.

Нарсалар интернетини (IoT) қурилмаларининг кўпайиши кибер таҳдидлар учун ҳужум доирасини сезиларли даражада кенгайтди. Smart уй жиҳозлари ёки sanoat сенсорларидан тортиб турли хил IoT қурилмаларнинг ҳимоясизлиги

кибержиноятчилар учун тармоқларга кириш йўллари очади. IoT экотизимлари ўсишда давом этар экан, қурилмаларни лойиҳалаш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишдаги заифликларни бартараф этиш йирик ҳужумларнинг олдини олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Кибержиноятчилар замонавий бизнес операцияларининг ўзаро боғлиқлигидан фойдаланган ҳолда **таъминот занжири заифликларини** тобора кўпроқ эксплуатация қилмоқдалар. Ишончли етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи провайдерни бузиш орқали ҳужумчилар махфий маълумотларга ёки тизимларга рухсатсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Таъминот занжири ҳужумлари замонавий бизнеснинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади, бу эса хавфларни бошқариш ва учинчи томон шерикларини синчковлик билан баҳолашга ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади.

Технологик тараққиёт киберхавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этса-да, инсон омили рақамли ҳимоя тизимларини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Инсон хатолари кўпинча киберхавфсизликка таҳдидлар учун асосий кириш нуқтаси ҳисобланади. Ходимларни тайёрлаш дастурлари улар учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, хавфларни аниқлаш ва олдини олишга ёрдам беради. Ушбу ўқув дастурлари кибер ҳужумларни таниб олиш, ижтимоий муҳандислик усуллари тушуниш ва хавфсизликка оид энг яхши амалиётларга риоя қилиш каби мавзуларни қамраб олади. Ўқув дастурлари ташкилот ичидаги турли ролларга мослаштирилган бўлиб, ходимларни фаол киберхавфсизликка ҳисса қўшувчиларига айлантиришга ёрдам беради. Бу эса ташкилотнинг умумий хавфсизлик ҳолатини яхшилайтиди ва хавфсизлик бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хатолар эҳтимолини камайтиради.

Рақамли дунёнинг жадал ривожланиши инсониятга янги имкониятлар яратган бўлса-да, бу жараён киберхавфсизликка таҳдид солувчи салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Рақамли тизимларнинг заифликларидан фойдаланувчи киберҳужумлар глобал хавфсизликни таҳдид остига қўймоқда.

Киберхавфсизликни таъминлашда технологик янгиликлар муҳим роль ўйнаса-да, инсон омилининг ўрни ҳамда хавфсизлик маданиятининг ривожланиши киберхавфсизликни мустаҳкамлашда асосий омил ҳисобланади. Ходимларнинг киберхавфсизликка бўлган хабардорлиги ва масъулияти, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш учун ишлаб чиқилган дастурлар, таҳдидларни самарали бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Киберхавфсизликнинг самарали ёндашуви, фақат техник воситалар билан эмас, балки ташкилот ичидаги хавфсизлик маданиятини ривожлантириш орқали ҳам амалга оширилиши керак.

Бундан ташқари, норматив ҳужжатлар ва халқаро ҳамкорликнинг ўрни киберхавфсизликни глобал миқёсда мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Янги таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга тезкор жавоб бериш учун самарали маълумот алмашинуви ва таҳдид разведкаси зарур. Киберхавфсизликнинг муваффақиятли стратегиялари нафақат технологик ёндашувларга, балки инсон ресурслари ва глобал ҳамкорликка ҳам таянади. Бу ўзгарувчан таҳдидлар муҳитида киберхавфсизликни кучайтириш учун комплекс ёндашувлар талаб этилади, бу эса келажақда рақамли дунё хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Бобуржон ШОКИРОВ,

Фарғона давлат университети талабаси.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Мамлакатимизда жамоатчилик назорати механизмлари ҳар бир календарь йили учун қабул қилинадиган “Давлат бюджети тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу қонунлар давлат молияси соҳасида шаффофликни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш ва фуқароларнинг ушбу жараёндаги иштирокини рағбатлантиришга қаратилган.

Хусусан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда фуқаролар ва нодавлат ташкилотларнинг давлат органлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқи аниқ белгиланган. Мазкур қонуннинг 3-моддасига кўра, жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органларининг қарор ва ҳаракатларини ўрганиш, баҳолаш ва тақлифлар киритиш орқали амалга оширилади.

Умуман олганда давлат бюджети устидан жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳақида гапирганда Ричард Аллен ва Даниел Томасининг мулоҳазаларини келтириб ўтиш муҳим ҳисобланади. Уларнинг фикрича, жамоатчилик назорати давлат молиясини бошқаришда самарадорлик ва ҳисобдорликни оширади.

Албатта, давлатнинг маблағлардан қандай фойдалангани ҳақида маълумот берилиши фуқаролар орасида ишончни оширади. Одамлар ўзлари тўлаган солиқларнинг аниқ қаерга кетаётганини билсалар, давлат бошқарувида нисбатан ижобий муносабат шаклланади. Пул маблағларининг самарали бошқарилиши ва уни кузатиш тизими давлат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига замин яратади. Шу орқали фуқаролар давлатнинг молиявий сиёсатига ишонади.

Мамлакатимизда 2019 йил 1 январдан манзилли бюджет харажатлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун “Очиқ бюджет” портали ишга туширилди. Унда давлат бюджети, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ва Ҳисоб палатаси хулосалари эълон қилинади.

Ушбу амалиёт орқали аҳоли ўзини қийнаётган маҳалладаги муаммолар ички йўллар, болалар майдончалари, мактаблар таъмири масалаларини бюджетга киритиш ва уларни тезлик билан ҳал қилиш имконига эга бўлди. Мазкур усул дунё тажрибасида синалган бўлиб ташаббусли бюджет лойиҳалари бутун дунё бўйича 7 000 дан ортиқ шаҳарларда қўлла-ниб келинмоқда.

Очиқ бюджет сиёсати давлат молиявий фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, амалиётда унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Мазкур жиҳатлар асосан институционал, техник ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар очиқ бюджет тамойилларини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Очиқ бюджет сиёсати доирасида тақдим этилаётган ахборот кўп ҳолларда кенг жамоатчилик учун мураккаб ва тушунарсиз бўлиши эҳтимоли бор.

Молиявий ҳисоботлар, бюджет харажатлари ёки статистика рақамлари бўйича турли талқинлар аҳоли орасида нотўғри тушунчалар ва салбий кайфият пайдо бўлишига олиб келади. Фуқароларнинг молиявий саводхонлиги паст бўлса, улар давлат бюджети маълумотларини нотўғри тушуниб, давлат органларига бўлган ишончнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон шароитида бу муаммо долзарб, чунки аҳолининг кўпчилик қисми молиявий ва иқтисодий билимларга эга эмас.

Очиқ бюджет сиёсати кўпинча замонавий технологиялар, хусусан, рақамли платформалар орқали амалга оширилади. Бироқ, технологик инфратузилманинг ривожланмаганлиги ва аҳолининг бир қисми учун интернетга кириш имкониятининг чекланганлиги очиқлик сиёсатининг самарадорлигини пасайтиради. Республикадаги қишлоқ ҳудудларида интернетдан фойдаланиш даражаси шаҳарларга нисбатан пастлиги туфайли очиқ бюджет сиёсати бўйича тақдим этилган маълумотлар барча фуқароларга тенг тақсимланмайд.

Очиқ бюджет сиёсатининг самарадорлиги жамоатчиликнинг фаол иштирокига боғлиқ. Аммо, амалиётда фуқароларнинг бефарқлиги, давлат бошқарувида бўлган қизиқишнинг пастлиги ёки иштирок этиш учун мотивациянинг йўқлиги туфайли очиқ бюджет сиёсати ўз мақсадида етмаслиги мумкин.

Очиқ бюджет сиёсати орқали фуқаролар давлат бюджети ижросига бевосита аралашуш имкониятига эга бўлишади, бу эса давлат органларининг фаолиятини янада шаффоф ва масъулиятли қилади. Ушбу сиёсатнинг асосий афзалликлари сифатида фуқароларнинг ишончи ва давлат органларига бўлган қизиқишининг ошиши, коррупцияга қарши курашнинг самарадорлиги ва давлат манбаларининг оқилона тақсимланиши кабилар эътироф этилади.

Жамоатчилик назоратининг самарадорлиги уни амалиётга тўғри жорий этиш, фуқароларнинг хабардорлигини ошириш ва давлат органларининг очиқлик сиёсатини қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Шу боис, давлат бюджети ижроси устидан жамоатчилик назоратини ривожлантиришга доир ҳуқуқий ва институционал механизмларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бобуржон МАМАДАЛИЕВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг мазмуни ва мақсади, илмий-назарий асослари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этишининг асосий шакллари таҳлил қилиниб, ушбу йўналишдаги миллий ва хорижий тажриба билан боғлиқ жиҳатлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: конституция, прокуратура органлари, қонун ижодкорлиги, прокурор назорати, ҳуқуқий бўшлиқ, қонун устуворлиги, қонунчилик ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонунчилик ташаббуси.

Жамиятда қонунийликни таъминлашда, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларни профилактика қилишда прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга бўлган жараён ҳисобланади.

Шу ўринда прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг мазмуни нимадан иборат деган ҳақли савол туғилади.

Айрим юридик манбаларда прокуратура органларининг қонун ижодкорлигидаги иштироки прокурор назоратининг асосий йўналиши эканлиги таъкидлаб ўтилади. Шу билан бирга, мазкур манбаларда прокуратура органларининг қонун ижодкорлигидаги иштирокига мазкур органларнинг мажбурияти сифатида қаралиб, бундай ёндашув прокурорлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нафақат Конституция ва қонунларга мувофиқлигини таъминлаши, балки фуқароларнинг манфаатларига ҳам мос келишига эришиши зарурлиги билан асосланади.

Назарий жиҳатдан қараганда қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи орган сифатида прокуратура ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида қонунни бузган шахсларни жазолаш билан эмас балки, қонун бузилишига имкон берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ҳам қўриши лозим.

Қонун ижодкорлигида прокуратура органларининг иштирокини таъминлашда, айниқса, ҳудудларда қонунчилик ҳужжатлари билан ишлашда кузатилаётган зиддият ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишда ушбу йўналишда фаолият юритувчи профессионал кадрларнинг мавжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, Бош прокурорнинг 2020 йил 14 октябрдаги 1151-сонли буйруғига асосан прокуратура органлари ташкилий-штат тузилмасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бўйича катта ёрдамчилари лавозими киритилган.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш белгиланган бўлса-да, унинг мазмунига аниқлик киритилмаган.

Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирокининг мазмуни ушбу органларнинг қонун ижодкорлигида иштирокидан кўзланган мақсад билан боғлиқ.

Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштироки, энг аввало, Конституция ва қонун устунлигини таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Зеро, Конституциянинг асосий тамойилларидан бири ҳам айнан Конституция ва қонуннинг устуворлиги ҳисобланади.

Қонун ижодкорлигида прокуратура органлари иштирокининг асосий мақсадларидан яна бири инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Зеро, амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Қонун ижодкорлиги жараёнида прокуратура органларининг иштирокидан кўзланган асосий мақсад бевосита қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ёки янги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ташаббус кўрсатишдан иборат.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мамлакатимизда юқорида қайд этилган мақсадни рўёбга чиқариш борасида прокуратура органлари томонидан кўплаб ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Жумладан, 2024 йилнинг 1 ярим йиллигида Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан жами 81 та қонун лойиҳаси киритилган бўлиб, шундан 7 таси бевосита Бош прокурор томонидан киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги жараёнида прокуратура органлари иштирокининг мазмунига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

Қонун ижодкорлиги жараёнида прокуратура органлари иштирокининг мазмуни жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ва

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфатларини ҳимоя қилиш, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ёки янги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қонун ижодкорлиги жараёнида прокуратура органлари турли шаклларда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ҳам прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш шакллари бир қатор хорижий давлатлар прокуратураларидан (АҚШ, Австралия, Италия, Франция) фарқли равишда нисбатан кенгрок ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини ва Бош прокурор буйруқларини таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистонда прокуратура органлари қонун ижодкорлиги жараёнида қуйидаги шаклларда иштирок этишларига гувоҳ бўламиз:

1. Ўз ваколатига киритилган масалалар бўйича қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Асосий Қомусимизнинг 98-моддасига асосан Бош прокурор ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Эътиборли жиҳати, Конституция Бош прокурорга ҳар қандай қонун лойиҳасини эмас, балки қонунчилик ҳужжатлари билан Бош прокурор ваколатига киритилган масалалар бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ваколатини белгилайди.

2. Ваколат доирасига кирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, улар бўйича таклиф ва тавсиялар бериш.

Прокуратура органлари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан бирга бошқа қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар бериши мумкин.

Бунда Бош прокуратура ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга давлат органи сифатида бошқа давлат органлари томонидан ишлаб чиқилиб, келишиш учун киритилган лойиҳаларни ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш орқали қонун ижодкорлиги жараёнида бевосита иштирок этади.

3. Қонун лойиҳалари ёки амалдаги қонунлар юзасидан прокуратура органларининг нуқтаи назарини тақдим этиш.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари қонун ижодкорлиги жараёнида турли давлат органлари томонидан ишлаб чиқилиб, парламентга киритилган қонун лойиҳалари юзасидан Олий Мажлис палаталарининг сўровига асосан ўзининг нуқтаи назарини тақдим этиши мумкин.

Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари томонидан муайян амалдаги қонуннинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганишда тегишли сўровга мувофиқ ўзининг нуқтаи назарини баён этиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини тўлақонли таъминлаш бугунги кунда прокуратура органлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 21-бандида ҳам Олий Мажлисининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифаси назарда тутилган.

Бу, ўз навбатида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти сифатида Бош прокуратуранинг Олий Мажлисидаги доимий вакили институтини таъсис этиш ва унинг вазифаларини амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда мустақамлашни тақозо қилади.

Алишер МАХМУДОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш
бошқармаси бошлиғи.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асфандияров А.Р. Понятие и правовое регулирование взаимодействия органов прокуратуры с органами местного самоуправления в сфере правотворчества. Роль местного самоуправления в развитии государства на современном этапе. Сборник научных статей по итогам IV Всероссийской научно-практической конференции, посвященной Дню местного самоуправления. Том Вып. IV. Стерлитамак, 2021. – С. 33.
2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/106197>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/3141186>.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 14 октябрдаги 1151-сонли буйруғи.
5. Конституционный закон Республики Казахстан “О прокуратуре” (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.09.2023 г.) // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31771762&pos=3;-108#pos=3.
6. Генеральная прокуратура Республики Казахстан. Департамент стратегического развития Генеральной прокуратуры Республики Казахстан // <https://www.gov.kz/memleket/entities/prokuror/about/structure/departments/leadership/2839/1?lang=ru>.
7. Федеральный закон “О прокуратуре Российской Федерации” от 17.01.1992 N 2202-1 (последняя редакция) // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/.
8. Генеральная прокуратура Российской Федерации. Структура органов прокуратуры // <https://epp.genproc.gov.ru/web/gprf/about-the-proc/structure/structure-divisions>.
9. Конституционный Закон Кыргызской Республики “О прокуратуре Кыргызской Республики” от 10 сентября 2021 года № 114 // <https://cbd.minjust.gov.kg/112293/edition/1380/ru>.
10. Генеральная Прокуратура Кыргызской Республики // <https://prokuror.kg/structure/ru>.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 257-II-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/106197>.
12. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун ҳамда мазкур соҳани тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўрганилади. Шунингдек, мавзуга оид маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрлари, уларнинг аҳамиятли томонлари очиб берилган.

Калит сўзлар: фермер, фермер хўжалиги, фермер хўжаликлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлик, хўжалик юритувчи субъектлар, соҳавий қонунчилик, шартнома, тарафлар.

Фермер хўжалиги тадбиркорлик субъекти сифатида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда шартномавий муносабатларга киришади ва ўз зиммасига қонунда назарда тутилган мажбуриятларни олади.

Фермер хўжаликлари ҳам ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгар бўлиши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 48-моддаси ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинишини айтиб ўтиш керак. Ушбу қонуннинг 35-моддаси биринчи қисмига биноан “фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, тузилган контракция шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради”.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324–339-моддаларида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида умумий тушунчалар, жавобгарликнинг турлари (шакллари) қайд этилган. Фермер хўжаликларининг шартномавий мажбуриятлар учун жавобгарлиги масалалари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомда белгиланган.

Ҳолбуки, суд амалиётида мажбуриятлар бутунлай ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича манфаатдор шахслар томонидан киритилган даъволар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойи давомида республика иқтисодий судлари томонидан фермер хўжаликлари иштирокида 40 304 та низо кўриб чиқилган. Эътиборлиси, ушбу низоларнинг 36 524 тасида фермер хўжаликлари жавобгар, 3780 тасида фермер хўжаликлари даъвогар сифатида иштирок

этган. Фермер хўжаликларига нисбатан берилган даъволарнинг 32 573 (89 %) таси қаноатлантирилган. Судга мурожаат қилган фермер хўжаликларининг 2 965 (78 %) та даъвоси қаноатлантирилган. Судлар томонидан 9 ойда 40 304 та низода фермер хўжаликларидан даъвогарлар фойдасига бир триллион сўм атрофида маблағ ундирилган.

Суд амалиёти материалларининг умумий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, суд даъвоси қаноатлантириб, асосий қарзни ундириш билан, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усулларида ҳисобланган неустойканинг пеня шаклини кўзлаб, даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 324–339-моддаларида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидаларнинг қайд этилиши, бу нафақат тарафлар ўртасидаги мажбуриятлар бажарилишига сабаб бўлади, балки муҳим тарбиявий вазифани бажариш баробарида тарафларни зиммасига олган мажбуриятларга қатъий амал қилишга ундайди.

Фикримизча, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ва шартнома интизомига қатъий риоя қилиши тарафлар ўртасида шартнома шартлари тўлиқ бажарилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида исбот талаб қилмайдиган қоида мавжуд бўлиб, жавобгарлик қонунда назарда тутилган ва ман этилган шарт-шароитларда содир этилган хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун вужудга келиши белгиланган. Ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳуқуқбузарлик содир этиш юридик жавобгарлик учун асос бўлади, деб ўқитилади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилган юридик шахс (корхона, муассаса, ташкилотлар) фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида, шартномадаги мажбуриятлари юзасидан фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулк доирасида, шартномадаги – тарафлар контрагентлар олдидан жавоб беради.

Аслида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиши учун муҳим элементлар талаб этилади. Мисол учун, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг юзага келишида, албатта, биринчидан, фуқаролик ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлиши лозим. Иккинчидан, бу ҳуқуқбузарлик қоидага риоя қилмаслик оқибатида ҳуқуқий нормани бузишга, шунингдек тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартларини кўпол равишда бузишга олиб келиши керак.

Фуқаролик кодексининг 48-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, “юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича

ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради”. “Бу норма юридик шахслар жавобгарлигини белгиловчи умумий ва кириш қоида ҳисобланади”, деб таъкидлайди Н.Имомов. Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, “юридик шахс фуқаролик ҳуқуқ қобилятига эга ва қоида тариқасида, ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради”.

Дастлабки ҳулоса шуки, юридик шахс ўз мажбуриятлари учун ўз мол-мулки билан жавоб беради. Яъни, юридик шахс жавоб бериши лозим бўлган пайтда унинг балансида қанча мол-мулк бўлса, жавобгарлик ҳам шу мол-мулк доирасида амалга оширилиши лозим. Лекин Фуқаролик кодексига ёки таъсис ҳужжатларида ва қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, юридик шахс мол-мулкнинг эгаси сифатида бошқа мажбуриятлар бўйича жавоб бермайди. Чунки, юридик шахснинг жавобгарлиги чегараси фақатгина мажбуриятлар бўйича ўзига қарашли мол-мулклар билан жавоб беришини билдиради.

Умуман олганда, юридик шахслар жавобгарлигига доир ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган.

Олиб борилган тадқиқот натижасида, шунингдек мавжуд материалларни таҳлил қилиш жараёнида фуқаролик ҳуқуқининг субъекти юридик шахсларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан, айрим хорижий давлатлар қонунчилигига кўра, жиноий-жавобгарлик субъекти сифатида назарда тутилганини кўриш мумкин. “Ҳатто айрим давлатларда юридик шахсларни жиноий жавобгарлик субъекти сифатида ҳам баҳолашади”. Хусусан, АҚШда ҳам корпорацияларни юридик шахс сифатида жиноий жавобгарликка тортиш кам бўлса-да, учрайди.

Миллий қонунчилигимизда ҳам қонун чиқарувчи томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар жавобгарлиги масалаларида жиддий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида”ги Қонуннинг “Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик” деб номланган V бобида юридик шахсларнинг жавобгарлигига доир қоидалар жой олган. Айниқса, “Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги”га бағишланган 35-модда олиб бораётган тадқиқотимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, “шартнома мажбуриятлари ҳўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан ҳўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга мувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, ҳўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, ҳўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ – фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ – маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181,

186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ – жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин”.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси “фақат жисмоний шахснинг, яъни инсоннинг жиноий жавобгарликка тортилишини белгилайди. Бу Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилигига кўра, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги инкор этилишини англатади”. Мазкур қонунда қисқача таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Шунинг унутмаслик керакки, жиноят иши фақат шахсга (бу ўринда шахс – индивид, жисмоний шахс) ва албатта фактга нисбатан қўзғатилади. Бироқ жиноят қонунчилиги бўйича шахсни жиноят субъекти сифатида эътироф этмасдан туриб, унга нисбатан мажбуриятлар чораларининг қўлланилиши чора эмас, балки ноқонуний жазо ҳисобланишини айтиб ўтиш керак. Албатта, шахс бу ҳолатни жазо сифатида қабул қилиши мумкин, унинг чора деб атилиши эса нотўғридир.

Ҳулоса қиладиган бўлсак, ушбу МДҲ ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш асослари турлича белгиланганини кўриш мумкин. Бироқ юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилганлиги бу ушбу давлатларда қонун нормаларини амалиётда тўғри қўлланилаётганини билдирмайди.

Ҳусниддин ДАМИНОВ,

Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда.
3. <https://lex.uz/>.
4. Муродов Н. Фермерда нима бор, фермерда нима йўқ – бизда тақлиф бор... <https://uz.uz/posts/421727>.
5. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 1996. 54-б.
6. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. 173-б.
7. Братус С.Н. Юридические лица в советском гражданском праве. – М., Гос. юрид. издат, 1947. 151-с.
8. Матвеев Г. Основания гражданско-правовой ответственности. – М., Юридическая литература, 1970. 225-с.
9. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова.
10. Имомов Н. Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тақлиқи (назарий масалалар) / Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2017. 93-б.
11. Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. (Умумий қоидалар). – Тошкент давлат юридик институти, 2005. 199-б.
12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. – Тошкент: Vektor-Press, 2010. 136-б.
13. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.12.2023 й., 06/23/205/0934-сон.
14. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/25421eebfe7fe6a29b0668369dddbd95c5e7176b/.
15. https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1006061&pos=358;48#pos=358;48.
16. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418568&pos=6;106#pos=6;106.
17. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 19-сон, 210-модда.
18. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 8-модда. 2004 йил, 1-2-сон, 8-модда.
19. Йўлдошев К, Раҳматов А. Юридик шахс ва жиноят субъекти // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент: 2005. – №2. 42-б.
20. С.м.: URL: <https://www.corporatecrimereporter.com/news/200/corporate-criminal-law-doesnt-exist/>.
21. Федоров А.В. Уголовная ответственность юридических лиц в государствах постсоветского пространства: механизм защиты публичных интересов. – М., Юрист, 2022. – №8. 70-с.
22. Голованова Н.А. Корпоративная ответственность: трансформация уголовно-правового регулирования // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2022. – №2. 84-с.
23. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. 147-б.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУДНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАМОЙИЛИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (МСИЮТК) 11 моддаси биринчи қисмига биноан маъмурий суд ишларини юритиш суднинг фаол иштироки асосида амалга оширилади.

Суд ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича қўшимча далиллар тўплайди, шунингдек маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатларини текширишда ва далилларни тўплашда судга қўмаклашиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 30 январь қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тиклашда суднинг фаол иштироки тамойилини қўллаш механизмларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Ушбу Қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш” концепциясининг II бўлими “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда суднинг фаол иштироки принципини қўллаш механизмларини кенгайтириш” деб номланган.

Низонинг моҳияти маъмурий бўлса, гарчи маъмурий орган аризачи ёки жавобгар бўлишдан қатъий назар, низо маъмурий суд судловида тааллуқли бўлиши лозим. Чунки, оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг фуқаровий ҳуқуқий муносабатлардан фарқловчи томонларидан бири ушбу муносабатлар иштирокчиларининг тенг ҳуқуқли эканлигидир. Бундай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларда тенг ҳуқуқлилик (ўз вазларини ўзи исботлаш) тамойили асосида иш юритиладиган судларда (иқтисодий ва фуқаролик) суднинг пассив позицияси сабабли “тенг ҳуқуқлилик” тамойили амалда ишламайди. Бу эса унинг ўлик нормага айланишига сабаб бўлади.

Маъмурий судлар эса ушбу судлардан фарқли равишда тарафларнинг вазлари ва тақдим этилган далиллар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини тўлиқ текшириш (суднинг фаол иштироки) тамойили асосида иш кўради. Яъни, суднинг фаол позицияси (низонинг ҳақиқий ва ҳуқуқий ҳолатини аниқлашга қаратилган) сабаб кучлар нисбати тенглашади. Натижада, процессуал қонуннинг асоси бўлган тенглик тамойили амалда ишлай бошлайди. Чунки, маъмурий судларнинг асосий вазифаси шахсларнинг маъмурий органлар билан низоларида уларнинг ҳуқуқий ҳимоя даражасини оширишдан иборатдир.

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак суднинг фаол иштироки тамойили ҳуқуқий табиатига кўра, суднинг маъмурий суд ишларини юритиши жараёнида фақат тарафларнинг судга тақдим этган далилларигагина таянмасдан, балки бевосита ўз ваколати доирасида ҳамда Кодексда белгиланган нормаларга мувофиқ ишни қонуний ва асосли кўриб ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солишга қаратилган функционал тамойилдир.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, суднинг фаол иштироки принципининг қуйидаги хусусиятларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, маъмурий суд ишларини юритишда суднинг фаол иштироки бевосита суд ишларини юритиш жараёнида амалга оширилиши;

иккинчидан, маъмурий ишнинг тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириш асосида амалга оширилиши;

учинчидан, маъмурий ишни қонуний ва асосли ҳал этиш учун барча имкониятларнинг сафарбар этилиши;

тўртинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатларини текширишда ва далилларни тўплашда судга қўмаклашиши лозимлиги.

Суднинг фаол иштироки жараёни ҳаракатга келиши учун суд МСИ-ЮТКнинг бошқа бир нормасига мурожаат қилади ва уни қўллаш-қўлламаслик масаласини ҳал этади.

Масалан, А. юридик шахс томонидан жавобгар Б. туман ҳокимига нисбатан ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топилиши сўраб маъмурий судга мурожаат қилган. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда ҳақиқий эмас деб топилиши сўралаётган ҳоким қарори илова қилинмаган ёки аризачи илтимосномасида ушбу ҳоким қарорини жавобгардан олиш имкони бўлмаганлигини кўрсатиб, суддан уни талаб қилиб олишни сўраган.

Шундай ҳолатда, суд МСИЮТКнинг 89-моддасига мувофиқ, зарур далилларни тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб ҳисоблашга асоси бўлган шахслар ишни ўз юритувида қабул қилган суддан ушбу далилларни таъминлаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада зарур далиллар, тасдиқланиши учун ушбу далиллар зарур бўлган ҳолатлар, далилларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимоснома билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар кўрсатилиши керак.

Суднинг фаол иштироки тамойилининг ижобий жиҳатлари ва ютуғи биринчидан, унинг ишни фақат судга тақдим этилган далиллар асосида эмас, балки суд томонидан бевосита далилларни тўплашга қаратилган процессуал ҳаракатлар асосида сифатли қўрилишини таъминлайди, иккинчидан, аризачи билан жавобгар ўртасидаги имкониятларни инобатга олиб, мувозанатли сақлайди, учинчидан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг маъмурий органлар ёки уларнинг мансабдор шахслари олдида ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг ўзида ва Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунида ҳам одил судлов фуқароларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, юридик шахсларнинг эса мулкчилик шаклидан, жойлашган еридан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Ботир САМАРХОДЖАЕВ,

Судьялар олий мактаби “Маъмурий ҳуқуқ” кафедраси мудири,

Учқун САМАНДАРОВ,

Қарши туманлараро маъмурий судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МП-К/0627-сон, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.01.2025 й., 07/25/33/0091-сон.
3. Эшимбетов М.У. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан келиб чиқувчи низоларни судда кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш. – ю.ф.ф.д. дис. – Т.: 2023. – Б. 58.
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон; 02.03.2024 й.

ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар шахсларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатлари тўла тикланишини таъминлашда қонунчилигимиздаги ҳал қилув қарорлари ижросини таъминлаш амалиёти борасидаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш ҳисобида такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Чунки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига ҳал қилув қарорларини дарҳол ижро этиш амалиётидан фарқли равишда ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш амалиёти мавжуд эмас. Иқтисодий судлар амалиётида эса даъвони таъминлашга ўхшаш ҳуқуқ нормалари асосида ажрим қабул қилиш тартибида кўриб чиқи-лиши белгиланган ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш масаласи ишда иштирок этувчи шахсларга кўшимча процессуал ҳужжатлар тузишни ва исботлаш механизмлари асосида ишда фаол қатнашини талаб қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 269-моддасида суд дарҳол ижро этишга қаратилмаган ҳал қилув қарорининг ижросини ушбу Кодекснинг V бўлимида белгиланган қоидалар бўйича таъминлаши мумкинлиги, суд ҳужжатлари улар қонуний кучга киргандан кейин ижрога қаратилиши, бундан унинг қонунчиликда белгиланган тартибда дарҳол ижро этилиши ҳоллари мустаснолиги, суд ҳужжатидаги мажбурий ижроси, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бундан шуни кўриш мумкинки, фуқаролик процессуал қонунчилик амалиётида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш масаласини кўриб чиқиш мuddати, тартиби ва механизми белгилаб берилмаган.

Россия Федерацияси Гражданлик процессуал кодексининг 213-моддасида суд ушбу Кодекснинг 13-бобида даъвони таъминлаш борасида белгиланган қоидаларга мувофиқ дарҳол ижро этилиши шарт бўлмаган суд қарорининг ижросини таъминлаши мумкинлиги, Беларус Республикаси Гражданлик процессуал кодексининг 316-моддасига кўра эса суд ушбу Кодекснинг 25-бобида даъвони таъминлаш борасида белгиланган қоидаларга мувофиқ дарҳол ижро этилиши шарт бўлмаган ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаши мумкинлиги, Украина Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 267-моддасида ҳал қилув қарорини қабул қилган суд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидек, уни ижро этиш тартибини белгилаши, ижрони кечиктириши ёки узайтириши, шунингдек, унинг ижросини таъминлаш чораларини кўриши мумкинлиги, қарорни ижро этиш даъвони таъминлаш тартибида амалга оширилиши, жавобгар суд қарорини тўлиқ бажарганидан кейин ҳал қилув қарорининг ижроси бекор қилиниши, 265-моддаси еттинчи қисмида эса зарур ҳолларда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қарорнинг ижросини таъминлаш тўғрисидаги масала ҳам кўрсатилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 193-моддасига кўра, ҳал қилув қарорини ижро этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб ҳисоблаш учун асоси бўлган шахслар ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилган судга унинг ижросини таъминлаш тўғрисида ариза бериши мумкинлиги, аризада ижроси таъминланиши зарур бўлган ҳал қилув қарори ва уни таъминлаш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишга аризачини ундаган сабаблар кўрсатилиши кераклиги, ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисидаги масала ушбу Кодекснинг 96-моддасидаги даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун назарда тутилган тартибда ҳал этилиши қайд этилган.

Бу борада, Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодекси 100-моддасида суд ҳужжатлари ижросини таъминлашда ушбу бобда назарда тутилган даъвони таъминлаш қоидалари қўлланилиши, Беларус Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 216-моддасига кўра, иқтисодий ишларни кўраётган суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига биноан дарҳол ижро этилиши шарт бўлмаган ҳал қилув қарорининг ижросини ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга мувофиқ таъминлашга ҳаққилиги белгиланган бўлса, Украина Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 239-моддасида ҳал қилув қарорини қабул қилган суд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидек, уни ижро этиш тартибини белгилаши, ижрони кечиктириш ёки узайтириш, шунингдек, унинг ижросини таъминлаш чораларини кўриши мумкинлиги, қарорни ижро этиш даъвони таъминлаш тартибида

амалга оширилиши, жавобгар суд қарорини тўлиқ бажарганидан кейин ҳал қилув қарорининг ижроси бекор қилиниши, 238-моддаси олтинчи қисмида эса зарур ҳолларда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қарорнинг ижросини таъминлаш тўғрисидаги масала ҳам кўрсатилиши назарда тутилган.

Мазкур учта давлатнинг иқтисодий процессуал қонунчилик амалиётларини ўзаро солиштирадиган бўлсак, Украина Республикасида ҳал қилув қарори ижроси даъвони таъминлашдан ажратилган ҳолда шу ҳал қилув қарорида белгиланиши, Россия Федерацияси ва Беларус Республикасида эса алоҳида ажрим қабул қилган ҳолда даъвони таъминлашни кўриб чиқиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳал қилув қарори ижросини таъминланишини кўришимиз мумкин.

Ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш субинститутини жорий қилиш ёки такомиллаштириш:

- суд ҳужжатлари ижросини таъминланишини осонлаштиради;
- бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклашнинг самарали ижобий таъсирчан механизми бўлиб ҳисобланади;
- нафақат ундирувчининг, балки қарздорнинг ҳам иш бўйича кам зарар кўришини таъминлашга хизмат қилади;
- суднинг бузилган ҳуқуқларни тиклашдаги иштирокини кучайтиришга олиб келади;
- жамиятдаги ҳуқуқий негизизм аломатларини бартараф этишга ҳамда низоларни тиртишувчанлик тамойили асосида ҳал этиш жараёнлари тезлашишига хизмат қилади.

Бироқ, мазкур қонунчилик амалиётларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таъсирини ҳисобга олсак, ҳал қилув қарори ижросини таъминлашда Ўзбекистоннинг амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш субинститутини жорий қилишга оид муайян нормалар киритиш, Иқтисодий процессуал кодексига эса муайян иш тоифалари бўйича айниқса виндикацияга оид даъво талабини суд қаноатлантирганида ҳал қилув қарорининг мажбурий тартибда ижросини таъминлаш чорасини кўриши, бундай чораларни кўришда даъвони таъминлаш хусусиятларидан келиб чиқиб эмас, балки ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва мuddатини белгилаш шартлари доирасида судга мазкур масалани мустақил белгилашни жорий этишга, хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 181-моддасида суд мол-мулкни ундириб берганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъвогарга топширилиши лозим бўлган мол-мулкнинг номи, қиймати ва турган жойини кўрсатишдан ташқари, ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисидаги процессуал ҳуқуқ нормаларини киритиш билан мазкур субинститутни такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

Ҳаёт РИЗАЕВ,

Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. URL: <https://minjust.gov.ru/ru/documents/7613/> интернет сайтидан олинган. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. 14 ноября 2002 года N 138-Федеральный Закон.
2. URL: <https://pravo.by/document?guid=3871&p0=hk9900238> интернет сайтидан олинган. Гражданский Процессуальный Кодекс Республики Беларусь. 11 января 1999 г. № 238-Закон.
3. URL: <https://urstd.com.ua/ru/act/gpku> интернет сайтидан олинган. Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года № 1618-IV
4. URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/ интернет сайтидан олинган. Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации от 24 июля 2002 г. N 95-Федеральный Закон
5. URL: <https://pravo.by/document?guid=3871&p0=HK9800219> интернет сайтидан олинган. Хозяйственный Процессуальный Кодекс Республики Беларусь. 15 декабря 1998 г. № 219-Закон
6. URL: <https://urstd.com.ua/ru/act/hpku> интернет сайтидан олинган. Хозяйственный процессуальный кодекс Украины от 6 ноября 1991 года № 1798-XII

УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА ҚУРИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

АННОТАЦИЯ: мақолада улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш бўйича шартномавий муносабатлар ҳақида, шу билан бирга халқаро ҳуқуқда намунали деб эътироф этилган улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси билан яқиндан таништирилган.

Калит сўзлар: шартномавий муносабатлар, улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш, улушдор, қурувчи, қурилиш объекти, шартноманинг муҳим шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари, қонун ҳужжатлари.

Улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этишнинг хорижий тизимлари ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан кўп жиҳатдан мамлакатимизда ривожланган тизимдан тубдан фарқ қилади.

Бу борадаги хорижий тажрибага назар ташлайдиган бўлсак ҳозирги вақтда Бирлашган Араб Амирликларида қўлланиладиган схема, биринчи навбатда, қурувчилар рухсатномалар олиши, лойиҳа экспертизасидан ўтиши ва уни тасдиқлаши билан тавсифланади. Лойиҳанинг қиймати экспертлар кенгаши томонидан баҳоланади ва қурилиш сметалари оммавий ҳисобланади.

Омонатчиларнинг маблағлари ваколатли банкларнинг мақсадли ҳисобварақларида сақланади. Қурилишни молиялаштириш босқичма-босқич ва ваколатли банк назорати остида амалга оширилади. Қурилиш нархининг сезиларли даражада ошиши хавфи суғурта компаниялари томонидан суғурта қилиниши мумкин. Омонатчилар объектнинг вақтида топширилмаслик хавфидан ҳимояланган; бу ҳолда, қурувчиларга нисбатан жарима қўлланилиши мумкин.

Амерка Қўшма Штатларида эса мижоз қуйидаги схема бўйича ишлайди: у ерда лойиҳа менежерлари, усталар, харажатларни тахмин қилувчилар, иқтисодчилар, муҳандисларни ўз ичига оладиган гуруҳ яратади. Улар барча керакли ҳужжатларни ишлаб чиқадилар, тахминлар қиладилар. Материалларни олгандан сўнг лойиҳа менежери пудратчилар билан ишлашни бошлайди. Шу тарзда ишловчи консалтинг фирмаларининг иштироки кенг тарқалган.

Қурилиш инвестицияларининг кооператив шакли Америкада ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, баъзи штатларнинг прокуратураларида ушбу соҳада ишлайдиган кооператив субъектлар томонидан омонатчилардан олинган маблағларни йиғиш ва сарфлашни назорат қилувчи махсус бўлинмалар мавжуд. Барча маблағлар махсус прокуратура ҳисобварағига ўтказилади, бу орқали уларнинг кейинги харажатлари амалга оширилади.

Қўшма Штатларда уй-жой таъминоти кенг тарқалган ипотека кредитлари билан қўллаб-қувватланади. Уй-жой қурилиши ва уйга эгалик қилиш учун ипотека кредити тизими Президент Ф. Рузвельт даврида шакллана бошлади.

Ҳозирги вақтда ҳар хил турдаги кредит дастурлардан фойдаланилмоқда, асосан кредит муддати - бу қарз олувчи ишлайдиган вақт билан унинг нафақага чиққунга қадар бўлган вақт оралиги.

Уй-жойни молиялаштириш фаолиятига ипотека банклари, жамғарма ва кредит уюшмалари, тижорат ва жамғарма банклари, суғурта компаниялари, пенсия фондлари, инвестиция институтлари, хусусий кредиторлар, кўчмас мулк, брокерлик фирмалари ва бошқа кўплаб турли хил муассасалар, бирламчи ва иккиламчи ипотека бозори, шу жумладан қимматли қоғозлар бозори жалб этилган. Шундай қилиб,

ушбу мамлакатда кредитлашнинг яна бир хусусияти шундаки, барча турар-жой бинолари 3 гуруҳга бўлинган: энг арзон, ўртача ва энг қиммат. Биринчи тоифадаги объект учун кредит давлат томонидан, қолган тоифалар учун - хусусий ипотека муассасалари ёрдамида берилади. Бундай ҳолда кредит муддати 12 йилни ташкил этади ва субсидия миқдори турар-жой бинолари нархининг 75 фоизигача ташкил қилади.

Францияда биргаликда капитал қурилиш шартномасини тузишда объектнинг қиймати босқичма-босқич бўланади: қурилиш ишлари бошланишидан ва пойдевор қўйишдан олдин харидор харажатларнинг 5 фоизини бўлайди, том ўрнатилгунга қадар шартнома миқдорининг 70 фоизини бўлаш керак, кейин яна 20% бўланади ва қолган 5% уй топширилганда бўланади.

Франция қонунчилигида алданган улушдорларга маблағларнинг компенсация бўловлари кўзда тутилмаган, аммо кафолатлар француз банклари томонидан таъминланиши мумкин.

Уй-жойни кредитлаш ҳам Францияда ривожланган. Бу ерда уй-жой жамғармаларининг икки тури мавжуд: биринчи ҳисобда фуқаро 100 минг франккача бўлаши ва кейин 150 минг франк миқдорида имтиёзли уй-жой кредитини олиши мумкин, йилига 3,75%, ҳар йили мақсадли депозитга 7,5 минг франк миқдорида давлат мукофоти бўлиши; иккинчи жамғармада 400 минг франк бўлаб, имтиёзли уй-жой кредит олиш, бу ҳолда 600 минг франк олиш мумкин. Кредит ставкалари бозор ставкаларидан 4-5% паст. Шунингдек, уй-жой ва саноат қурилиши учун ер эгалари ва қурилиш компанияларига 3 йилдан 20 йилгача кредитлар берилади.

Германияда харидор лицензияга эга қурилиш компанияси билан бевосита муносабатга киришади. Шартнома суммаси қурилиш учун рухсатнома берилгандан сўнг тўғридан-тўғри қурувчи компаниянинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Шундай қилиб, қурилиш компанияси қурилиш муддати ва сифатини таъминлаш учун шахсан жавобгарликни ўз зиммасига олиб, объектни қуриш ва уни кўчмас мулк шаклида инвесторга топшириши шарт.

Германияда ҳам классик омонат шаклида фуқаролар учун қўллаб-қувватлаш тизимига эга қурилиш омонат кассалари мавжуд. Мақсадли уй-жой кредитлари учун ресурслар уларнинг манбаи фуқароларнинг депозитлари, уй-жой кредитлари фойдаланиш учун қарз олувчиларнинг бўловлари, шунингдек давлат мукофотлари сифатида, қурилиш омонат шартномага мувофиқ бўланади (агар омонатчи йил давомида ўз ҳисобига маълум бир миқдорда инвестиция киритган бўлса).

Буюк Британияда улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этишда (шунингдек, айрим Скандинавия мамлакатларида) мижознинг вакили кўпинча архитектор эканлиги билан тавсифланади. У қурилиш учун зарур бўлган барча мутахассисларни танлайди, улар

лойиханинг дастлабки нархини тахмин қиладилар, субпудрат бўйича турли ишларни бажарадилар. Меъмор улар билан биргаликда шартнома тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди, бу ким ошди савдосида иштирок этишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади, ким ошди савдосидан олдин ва кейин иш дастурини ҳамда қурилиш муддатини қисқартириш усуллари ишлаб чиқади.

Хорижий давлатларнинг улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш бўйича қонунчилиги ва шартномавий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганишда Россия Федерациясининг қонунчилиги бизнинг қонунчиликка ўхшашлигини кўриш мумкин.

Биргаликда қурилишда иштирок этиш шартномасидан келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асослари Россия Федерацияси Конституциясида баён этилган. РФ Конституциясининг 40-моддасида ҳар ким уй-жой олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Кўп қаватли уйларда улушли уй-жой қурилишида иштирок этиш фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилашнинг синалган ва кенг тарқалган усуллари билан бири бўлишига қарамай, яқин вақтгача ушбу муносабатларни тартибга солувчи етарли ҳуқуқий асос Россия Федерациясида ҳам мавжуд эмас эди. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, квартираларни кейинчалик мулкка сотиб олиш мақсадида кўп квартиралар турар-жой биноларини қуришга сармоя киритган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари кўпинча бузилган.

Масалан, амалда фуқаролар томонидан битта уйни қуриш учун киритилган маблағ қурувчилар томонидан бошқа уйларни қуришга йўналтирилган ёки қурилиш тугагандан сўнг, квартираларни ўтказиш ўрнига фуқароларга пуллари қайтарилган. Квартиралар эса бошқаларга қимматига сотилган ҳолатлар бўлган. Бир хонадонга бўлган ҳуқуқларни бир вақтнинг ўзида бир неча фуқарога ўтказиш ҳоллари ҳам кузатилган.

Улушдорларни ҳимоя қилиш мақсадида Россия Федерациясида 2004 йил 30 декабрда "Кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа кўчмас мулк объектларининг биргаликда қурилишида иштирок этиш тўғрисида" Қонун қабул қилинган. Ушбу қонун улушли уй-жой қурилиши учун маблағ жалб қилиш ва улар ўртасида улушли қурилиш объектларига эгаллик ҳуқуқларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Қозоғистон Республикасида ҳам бу амалиёт узоқ вақтдан бери қўлланилиб келинган, аммо махсус Қонун йўқ эди. Қурилишда улуш асосида иштирок этиш муносабатлари Фуқаролик кодекси, "Уй-жой муносабатлари тўғрисида"ги, "Архитектура, уй-жой муносабатлари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинган.

Юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларида улушдорларга тақдим этилиши керак бўлган кафолатлар ва ҳимоя чоралари ҳисобга олинмасдан, улуш киритиш асосида қурилишни амалга оширишнинг фақат умумий тамойиллари белгиланган. Натижада, қурувчилар улушдорлар маблағларини фаол жалб қилиб, уларнинг ҳуқуқлари кафолатланмасди. Бу соҳадаги дастлабки қадам 2007 йилда қабул қилинган "Уй-жой қурилишида улуш асосида иштирок этиш тўғрисида"ги Қонун бўлди.

Қозоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиши, улуш асосида уй-жой қурилиши билан боғлиқ муносабатларнинг ривожланиши, янгидан -янги ўз ечимни топиши керак бўлган муаммо ва масалаларнинг кўпайиши ушбу соҳани тартибга соладиган янги қонунчилик ҳужжатида эҳтиёж пайдо қилди. Натижада, 2016 йил 7 апрел куни янги таҳрирда "Уй-жой қурилишида улуш асосида иштирок этиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва такомиллаштириб борилмоқда.

Қонуннинг 3-моддасига асосан, Қонун бир томон бино қурилишини таъминлаш ва қурилиш тугагандан кейин иккинчи

томонга бинода квартиралар ёки нотураржой хоналари ўтказиш мажбурияти бўлган муносабатларга ва тўловларни амалга ошириш ҳамда квартиралар ёки нотураржой хоналарини қабул қилиш мажбуриятини олиш муносабатларига тадбиқ қилинади.

Қонунда белгиланган талабларни бузган ҳолда кўп қаватли уйларни қуриш учун жисмоний ва юридик шахслардан пул жалб қилиш тақиқланади. Қонун талабларини бузган ҳолда амалга оширилган қурилиш учун жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларини жалб қилиш тўғрисидаги битим ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Юқорида номи тилга олинган Қонун қуриб битказилган бино иншоотларни топшириш масалаларини ҳам тартибга солади. Жумладан, Қонуннинг 17-моддасига асосан ваколатли компания улушдорга қурилган кўп квартиралар турар-жой биносидида улушини шартномада назарда тутилган муддатдан кечиктирмай топшириши шартлиги белгиланган.

Улушдорга унинг кўп қаватли уйдаги улушини ўтказиш ваколатли компания томонидан қурилган кўп қаватли уйни ишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан кейин амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки турли давлатларда бу шартномалар улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш, қурилишга инвестиция киритиш ва бошқа бир қатор номлар билан номланади. Айрим назарийётчи олимлар бу шартномаларнинг олди-сотди, пудрат, хизмат кўрсатиш ва бошқа бир қатор шартнома турларига кириши ҳақида ўз қарашларини билдиришган. Улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш шартномасининг ҳозирги кундаги аҳамиятини, шунингдек унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик қонунчилигининг шартномалар тизимига махсус "Улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш шартномаси" боби киритилиши ёки хорижий давлатлар, жумладан Россия, Қозоғистон тажрибасидан фойдаланган ҳолда алоҳида қонун ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ. Зеро, бу мутлақо янги шартнома тури бўлиб олди-сотди, пудрат ва бошқа турдаги шартномалардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

Шунингдек, улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш иштирокчилари-улушдорлар учун иқтисодий кафолатларни таъминловчи чора сифатида улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш шартномасини бажармаганлик учун қурилиш ташкилотининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш институтини жорий этиш таклиф этилади. Ушбу чора муносабат иштирокчиси бўлган улушдорларнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини инсофсиз қурувчилардан ҳимоя қилишда катта роль уйнайди. Улушдорларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида молиявий хатарларни ихтиёрий сугурта қилиш имконияти ва механизмини ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликка киритиш таклиф этилади.

Дилшод ХАСАНОВ,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Резцова Е. В. Правовая природа договора долевого участия в жилищном строительстве. 2006.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
3. <https://www.dissercat.com/content/pravovaya-zashchita-uchastnikov-otnoshenii-dolevogo-stroitelstva>.
4. <https://online.zakon.kz/>
5. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5103
6. Кайль А.Н. Постатейный комментарий к Федеральному закону "Об участии в долевом строительстве многоквартирных домов". - М.: ГроссМедиа, 2008. - 221 с.
7. Вознесенская Н.Н. Иностранные инвестиции: Россия и мировой опыт (сравнительно-правовой комментарий). М., 2001.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада имтиёзли ҳуқуқ тушунчаси, унинг вужудга келиш асослари, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти ёритиб берилган. Корпоратив ҳуқуқда иштирокчининг улушни сотиб олишдаги имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш шартлари, тартиби ва механизми ўрганиб чиқилиб, бу борадаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: иштирокчи, улушни сотиш, имтиёзли ҳуқуқ, ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, корпоратив низо

Қонунчилик ҳужжатлари улуш сотиш орқали бегоналаштирилганда масъулияти чекланган жамият иштирокчисига ҳамда жамиятнинг ўзига жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини беради.

“Имтиёзли ҳуқуқ” тушунчаси латинча *privilegium* (*privus* — махсус, *lex* — қонун) сўзидан олинган бўлиб, устуворлик, имтиёз, афзаллик (*ius protimisieos*, *ius praeemptionis*) маъноларини англатади ва муайян ҳолатларда ҳуқуқ эгасига эксклюзив ҳуқуқ беради. Немис доктринасида имтиёзли ҳуқуқ – ҳуқуқ эгасининг ҳимоя манфаатларини (*Abwehrinteressen*) таъминлашга қаратилганлигига урғу берилган. Жамиятда улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг мавжудлиги жамиятнинг табиатига боғлиқ бўлиб, ушбу ҳуқуқнинг белгиланишидан асосий мақсад иштирокчиларнинг субъект таркибини барқарорлигини таъминлашга ва жамиятга унга алоқаси бўлмаган учинчи шахслар кириб келишининг олдини олишга қаратилган.

Халқаро доктриналарда имтиёзли ҳуқуқлар вужудга келиш манбасига кўра, қонун асосида вужудга келадиган (*ex lege*) ва шартнома асосида ўрнатилган (*ex contractu*) ҳуқуқларга бўлинади. Миллий қонунчилигимизда улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг вужудга келиши қонун асосида (*implied terms*) белгиланган бўлса, уни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида диспозитив шартлар (*expressed terms*) мавжуд. Умумий қоидага кўра, агар жамиятнинг уставида ёки жамият иштирокчиларининг келишувида имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун улушни сотиб олишнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, жамият иштирокчилари томонидан улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олиш устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда амалга оширилишини инобатга олиш зарур.

Қонунчиликда жамиятнинг уставида ёки жамият иштирокчиларининг келишувида имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун улушни сотиб олишнинг бошқача тартибига ҳам йўл қўйилган. Хусусан, муайян иштирокчиларга жамиятдаги улуш миқдоридан қатъий назар улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи белгиланиб, ушбу иштирокчи имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланмаса (қисман фойдаланса), бундай ҳуқуқнинг қолган иштирокчилар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланиши мумкин. Бироқ, айрим соҳа мутахассислари томонидан уставдаги бу каби шартлар иштирокчиларга жамиятни бошқаришда қонунда белгиланган ҳуқуқни амалга оширишдаги тенглик принципи-га мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ваз билан танқид остига олинса, бошқалари бу каби шартлар қонунчилик ҳужжатларига зид эканлиги сабабли ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслигини таъкидлашади. Фикримизча, жамият уставида имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишнинг бу каби тартибларининг белгиланиши қонунчилик меъёрларига зид эмас. Чунки ҳуқуқни амалга ошириш шартлари қонунчиликда уставга ҳавола қилинган бўлиб, диспозитив характерга эга. Мисол учун, жамиятни ташкил этган шахс (устоз) йиллар ўтиши билан ўзига шо-

гирдларини шерик қилиб олган тақдирда, муайян ҳолатларда устозга имтиёзлар (устунликлар) берилиши, мантиқан ҳам нормал, ҳам адолатли ҳолат ҳисобланади.

Қонунчиликда жамиятдаги улушни имтиёзли сотиб олишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, ушбу жиҳатлар инobatга олинмасдан имтиёзли ҳуқуқнинг мазмун моҳиятини англаш ва амалга ошириш мумкин эмас.

Биринчидан, имтиёзли ҳуқуқнинг субъектлари бўлиб, фақат иштирокчи ва жамият ҳисобланади. Қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган, корпоратив бошқарувда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари ҳисобланади. Жамият деганда устав фондидаги улуш реализация қилиш объекти ҳисобланган юридик шахс тушунилиши лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жамиятнинг имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиши ижро органи томонидан ҳал этилади ва улуш жамиятнинг ўзи томонидан сотиб олинган тақдирда, жамиятнинг устав фонди камайтирилади. Корпоратив муносабат иштирокчиси бўлмаган шахс, имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиб билмайди.

Иккинчидан, иштирокчи ва учинчи шахс ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш объекти ҳисобланади. Учинчи шахс – бу олди-сотди шартномасини тараф сифатида имзолаган, жамиятга иштирокчи сифатида кириш ва уни бошқаришда иштирок этишни мақсад қилган шахс. Бундай битим ҳақ эвазига тузилган, икки тарафлама, консенсуал шартнома ҳисобланади ва шартномада қайси жамиятдаги улуш, улушнинг фоизларда ёки каср кўринишидаги миқдори ва баҳоси муҳим шарт сифатида кўрсатилиши лозим.

Учинчидан, улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи иштирокчининг шахси билан (иштирокчи мақоми билан) узвий боғлиқ бўлганлиги ва жамиятга бегона шахсларнинг кириб келишининг олдини олишга қаратилганлиги сабабли, имтиёзли ҳуқуқнинг бошқа шахс фойдасига воз кечилиши ёки берилишига йўл қўйилмайди.

Тўртинчидан, улуш сотишдан бошқача усулда бегоналаштирилганда имтиёзли ҳуқуқ мавжуд бўлмайди. Қонунчиликда улушни сотишдан бошқача тартибда бегоналаштириш ҳолатлари ҳам белгиланган бўлиб, улушни бегоналаштириш иштирокчининг ўзига тегишли бўлган ҳуқуқни тугатишга қаратилган хоҳиш-иродасига асосан амалга оширилади. Масалан, иштирокчи ўз улушидан воз кечган ёки улушни ҳада қилган ҳолларида, бундан ташқари, улуш мерос (ҳуқуқий ворислик)га асосан ўтганда ҳам бошқа иштирокчиларда улушни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бўлмайди.

Бешинчидан, имтиёзли ҳуқуқ жамият иштирокчисига учинчи шахсларга қараганда устунликни кафолатлайди. Яъни, бир нечта иштирокчидан иборат бўлган жамиятнинг аъзоси ўз улушини жамиятнинг хоҳлаган бошқа иштирокчисига сотган тақдирда, қолганларнинг розилигини олиш талаб этилмайди.

Олтинчидан, “имтиёзли ҳуқуқ” шартли ҳуқуқларнинг бир тури ҳисобланади. Корпоратив муносабатлардаги иштирокчининг бошқа ҳуқуқларидан фарқли равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш шарт бўлиб, улушнинг учинчи шахсга сотилган вақти ҳисобланади. Айнан шу вақтда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи вужудга келади.

Еттинчидан, ушбу ҳуқуқ муваққат характерга эга. Яъни, жамият иштирокчилари ва (ёки) жамият сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган тақдирда, агар жамият уставда ёки жамият иштирокчиларининг келишувида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, улуш (улушнинг бир қисми) жамиятга ва унинг иштирокчиларига маълум бўлган баҳода ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

Улушни сотиб юбориш орқали бегоналаштириш жараёнига белгиланган муддатлар жамиятнинг уставда келишиб олинishi мумкин. Агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, иштирокчи ўз улушини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи субъектларига таклиф қилган вақтдан бошлаб камида бир ойдан кейин учинчи шахсга сотишга ҳақли. Қонунчиликда таклиф учун берилган муддат қайси пайтдан бошлаб ҳисобланиши борасида имтиёзли ҳуқуқ субъектлари “хабар берилган кундан” эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган тақдирда, улушнинг учинчи шахсларга сотилиши мумкинлиги белгиланган. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда жамият уставда имтиёзли ҳуқуқ субъектларини хабардор қилиш тартиби келишилмаган. Айрим таъсис ҳужжатларида имтиёзли ҳуқуқ субъектларини жамият орқали хабардор қилиш тартиби белгиланган бўлиб, жамият ижро органи хабарни қабул қилиб олган бўлса-да, хабарни бошқа иштирокчиларга етказмаганлиги оқибатида ҳам муайян низолар келиб чиққан. Шу сабабли, агар жамият уставда хабардор қилиш тартиби белгиланмаган тақдирда, қонунчиликка имтиёзли ҳуқуқ субъектларининг хабардор қилиниши, таклифни топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юбориш, ушбу шахсларга тилхат олиб топшириш ёки хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши тўғрисидаги, шунингдек, имтиёзли ҳуқуқ субъектлари таклифни олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса, ушбу субъектларнинг жамиятнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган бўлса, электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса, хабардор қилинган деб ҳисобланиши тўғрисидаги нормалар киритилиши лозим.

Улушни сотиб олиш тўғрисидаги таклифларнинг умумий миқдори сотилаётган улушнинг миқдоридан ошмаса, иштирокчилардан ҳар бири улушнинг ўз хабарномасида кўрсатган қисмини сотиб олади. Агар келиб тушган таклифларнинг умумий миқдори сотилаётган улуш (улушнинг бир қисми) миқдоридан ошса, иштирокчилар, агар жамиятнинг уставда ёки жамият иштирокчиларининг келишувида бошқача тақсимлаш назарда тутилмаган бўлса, устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олади. Улушни сотиб олиш, агар уни нотариал шаклда амалга ошириш тўғрисидаги талаб жамиятнинг уставда назарда тутилмаган бўлса, оддий ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида” (GmbH) Германия Федерацияси Қонунининг 15-моддасида акциядорлар томонидан акцияларни бегоналаштириш учун нотариал шаклда тузилган шартнома талаб қилинади.

“Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Россия Федерацияси Қонунининг 21-моддасида ҳам жамиятнинг устав фондидаги улушини ёки улушнинг бир қисмини бегоналаштириш тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжатни расмийлаштириш орқали нотариал тасдиқлашни кераклиги, нотариал шаклга риоя қилмаслик ушбу битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши белгиланган. Фикримизча, мазкур мазмундаги нормалар миллий қонунчилик ҳужжатларимизда ҳам акс эттирилиши лозим. Улушни сотиш нотариал шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилиши тартибининг белгиланиши, шубҳасиз, имтиёзли ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади. Чунки, нотариус шартномани расмийлаштиришда қонунчиликка риоя қилинганлик, яъни имтиёзли ҳуқуқ субъектларининг розилиги олинганлиги ҳолатларини ўрганиб чиқади. Қолаверса, иқтисодий судларда улушни сотиш орқали бегоналаштириш юзасидан кўриб чиқилган низоларда даъвогарлар шартномадаги имзоларнинг қалбакилаштирилганлиги, улуш алдов йўли билан олинганлиги, айрим ҳолларда эса улуш кўрқитиш, зўравонлик, таҳдид қилиш (рейдерлик усулида) таъсирида қўлга киритилганлиги каби асослар келтиришмоқда. Қонунчиликка ушбу мазмундаги шартларнинг киритилиши улушларнинг бегоналаштирилиши жараёнларини барқарорлаштириш билан бир қаторда, корпоратив муносабатларнинг самарали ҳимоя қилиниши механизмини таъминланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, 2024 йил 22 октябрда “Давлат мулкни бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Қонунга ўзгартириш киритилиб, жамият иштирокчиларидан бирортаси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият иштирокчилари учинчи шахслар олдида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланади, бундан жамият уставда давлат улушини (улушнинг бир қисмини) оммавий савдолар орқали сотиш назарда тутилган ҳоллар мустасно эканлиги белгиланган бўлибди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, имтиёзли ҳуқуқнинг мақсади жамиятнинг корпоратив бошқарувидаги барқарорлигини таъминлашга қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, уни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида механизмларини қайта кўриб чиқиш лозим. Шунингдек, корпоратив ҳуқуқ тизими ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, қонунчиликдаги имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартибини соддалаштириш, ушбу жараёндаги ҳуқуқбузилиши ва ҳуқуқни суистеъмол қилиш ҳолатларини олдини олиш ҳамда имтиёзли ҳуқуқ бузилган тақдирда суд орқали ҳимоя усулларини кенгайтириш зарур.

Мақсудбек САИДОВ,

Тошкент вилоят маъмурий судининг судьяси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://cyberleninka.ru/article/n/preimuschestvennye-prava-v-korporativnyh-pravootnosheniyah-ponyatie-priznaki-i-obschaya-harakteristika>
2. См.: Schermaier M.J. in: J. von Staudingers Kommentar zum Bürgerlichen Gesetzbuch: Staudinger BGB - Buch 2: Recht der Schuldverhältnisse: §§ 433-480. Vorbemerkungen zu §§ 463 ff. Rn. 2; Schreiber K.Op. cit. S. 114.
3. Величко В.Е., Терди Е.С.Французская модель договорных преимущественных прав. С. 74-84; Schermaier M.J. in: J. von Staudingers Kommentar zum Bürgerlichen Gesetzbuch: Staudinger BGB - Buch 2: Recht der Schuldverhältnisse: §§ 433-480. Vorbemerkungen zu §§ 463 ff. Rn. 4.
4. https://www.s-quo.com/content/german_law/
5. <https://base.garant.ru/12109720/>

СУДЛАР ТОМОНИДАН ЭКСПЕРТ ХУЛОСАЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада иш материаллари бўйича ўтказилган эксперт хулосаларини ишдаги материаллар бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳолаш амалиётидаги муаммолар таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда ижтимоий муносабатлар, иқтисодий ҳужжатлар айланиши, мулкӣ муносабатлар ва идоравий иш юритиш ҳужжатлари бўйича судга оид хатшунослик экспертизалари тайинланмоқда. Бунда асосан тақдим этилган ҳужжатлардаги имзолар ва қўлёзмалар муаллифини аниқлаш бўйича хулосалар берилмоқда.

Калит сўзлар: далил, исботлаш, экспертиза, эксперт хулосаси, илмий асосланганлик, мантиқий яхлитлик, эксперт хулосаларини баҳолаш.

АННОТАЦИЯ: в данной статье анализируются проблемы, связанные с практикой оценки экспертных заключений по материалам дела с точки зрения их научной обоснованности и соблюдения всех процессуальных норм, установленных для проведения экспертизы. В последние годы в судебной практике все чаще назначаются почерковедческие экспертизы, касающиеся социальных отношений в быту, оборота экономических документов, имущественных отношений и документов делопроизводства. В таких экспертизах обычно даются заключения относительно определения автора подписей и рукописей, представленных в документах.

Ключевые слова: доказательства, доказывание, экспертиза, экспертное заключение, научная обоснованность, логическая целостность, оценка экспертных заключений.

Бугунги кунда мустақил суд ҳокимияти - инсон ҳуқуқ-эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш вазибаларини амалга оширишда илмий-техник асосланган ишончли далиллар билан исботлаш ҳамда криминалистик илмий услублардан фойдаланиши талаб этмоқда.

Хусусан, судлар томонидан кўриб чиқилаётган ишларни синчковлик билан ўрганиш, низоларни белгиланган муддатларда ва қонуний ҳал этиш, ишларни кўриш сифатини оширишда далилларни ўрганиш, уларни ҳар тарафлама текшириш ва баҳо беришда суд экспертизаси тайинлаш суд қарорларининг адолатлилигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида иш бўйича далилларни тўплашда замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, хусусан криминалистик илмий услуб ва воситаларни қўллаш амалиётини янги босқичга олиб чиқиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддасида эксперт хулосаларини баҳолаш талаблари келтириб ўтилган. Унга кўра эксперт хулосалари экспертиза тайинлаган шахс томонидан иш материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Маълумки, судлар амалиётда бир-бирига қарама-қарши бўлган ва ўзаро таъвофут мавжуд бўлган эксперт хулосаларини баҳолашда судларнинг тактик ва методик билимлари етишмаслиги сабабли адолатли қарор қабул қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва методик муаммолар мавжуд.

Ташкилий муаммо бу – экспертиза ўтказган экспертнинг хулоса бериш учун зарурий билимга эгаллигини аниқлашда, ҳуқуқий муаммо – экспертнинг экспертиза ўтказиш ҳуқуқига эгаллиги ва унинг ваколатлилигини аниқлашда, методик муаммо эса экспертиза тадқиқотларида қўлланилган илмий методларнинг ишончилигини баҳолашда намоён бўлмоқда.

Айниқса, хатшунослик экспертизаларида текширилаётган ёзув ва имзоларни бажариш шароити ва таққослаш учун намуналар олишда қўлланилган усуллар экспертнинг яқуний хулосасининг ишончилигида муҳим ўрин тутди.

Мисол учун, текширилиши лозим бўлган имзо бу – шахснинг йиллар давомида ёзув амалиёти ошиб бориши натижасида инсон онгида шаклланган ёзма ҳаракат кўникмаси

*Кимки бир кўнгли
бузугнинг хотирин
шод айлагай,
Онча борким, Каъба
вайрон бўлса,
обод айлагай.*

**Алишер
НАВОЙЙ**

ҳисобланади. Шахснинг ёзма ҳаракат кўникмасини ҳужжатга ёзув анжومي ёрдамида акс эттириши натижасида имзонинг график тасвири юзага келади.

Таъкидлаш лозимки, имзонинг қоғозда қандай шаклда, қандай тезликда, қандай мураккаб абстракт фигура ҳосил бўлиши авваламбор шахс онгида имзонинг шакли, тузилиши ва акс эттиришдаги рефлексига, қолаверса инсоннинг психофизиологик ҳолати, ички ва ташқи омилларининг таъсирига бевосита боғлиқ.

Маълумот учун, имзо ўзгаришига сабаб бўлувчи айрим омиллар: ноқулай шароитда (позада) ёки ҳаракатдаги транспортда бажарилиши, ёруғликнинг етишмаслиги, ёзув материалининг ноқулайлиги, нотекислиги ёки ёзув учун жойнинг кичиклиги, ёзув анжомининг тури, имзо бажарилган ва текширилаётган вақт ўртасидаги тавофут, совуқ ҳарорат таъсирида қўл-бармоқ мушакларининг эркин ҳаракатлана олмаслиги, оғир жисмоний ҳаракат натижасида қўл-бармоқ мушакларининг чарчаши, суякларнинг синиши, юрак-қон тизими касалликлари, юмшоқ тўқималарнинг шикастланиши, ёшга доир табиий ўзгаришлар, ғайриоддий функционал ҳолатлар, жаҳл чиқиши, ҳаяжонланиши, чарчаши, мастлиги ва ҳоказолар.

Бундан ташқари имзо қўйишда ўз имзосини атайин ўзгартириш, ўша вақтда ўйлаб топилган тахминий имзо яратиш, бошқа шахснинг имзосига ўхшатиб бажариш каби субъектив омиллар ҳам мавжуд.

Санаб ўтилган омилларнинг ишда мавжудлиги, экспертиза тайинлашдан аввал шахснинг имзони бажаришга таъсир этиши мумкин бўлган психо-физиологик, ташқи ва ички ҳамда субъектив омилларни ўрганиш экспертиза хулосасининг илмий асосланганлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, агар иш материаллари бўйича бир неча экспертиза ўтказилган ва экспертлар бир хил фикрга келмаган бўлса, экспертиза тайинлаган шахс баъзи экспертларнинг хулосаларига қўшилиш ва бошқа экспертларнинг хулосаларига қўшилмаслик тўғрисидаги ўз фикрини асослаб бериши лозим.

Бунда, эксперт хулосасини баҳолаётган судлар текширилаётган имзони таққослаш учун имзо намуналарини олишда қўлланилган тактик усулларга ҳам жиддий эътибор қаратиши зарур. Таққослаш учун тақдим қилинадиган имзо намуналарининг ишончлилигига экспертиза тайинлаган шахс масъул ҳисобланади.

Хатшунослик экспертизаларида имзолар муаллифини аниқлаш учун қуйидаги уч хил турдаги имзо намуналарини тақдим этиш лозимлиги кўрсатилган:

а) эркин намуналар: *Бажарилганлиги тахмин қилинаётган шахс томонидан жиноят (ҳуқуқбузарлик ёки баҳсли ҳолат) содир этилгунга қадар ва (ёки) ушбу ҳодисасига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилган имзолар;*

б) шартли эркин намуналар. *Экспертиза тадқиқотлари учун атайин олинмаган, бироқ иш қўзғатилганидан сўнг бажарилган имзолар;*

в) *экспериментал намуналар. Бажарилганлиги тахмин қилинаётган шахс томонидан хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари учун махсус тартибда бажарилган имзолар.*

Бугунги кунгача криминалистика ва суд экспертизаси соҳасидаги олимлар томонидан эксперт хулосаларини баҳолаш масалалари ўрганилган. Хусусан, россиялик олимлар Гаврилов Б.П. (суд экспертизаси назарияси ва амалиёти), Рубинштейн Л.А. (психологик экспертиза ва унинг ишончлилиги, хулоса-

ларни баҳолашда илмий ёндашувлар), Эйсман А.А. (экспертиза натижаларини баҳолашнинг юридик жиҳатлари) Петрухин И.Л. (суд экспертизаси ва унинг юридик аҳамияти)ларни мисол келтириш мумкин.

Мамлакатимизда ҳам қатор олимлар ва илмий-тадқиқотчилар томонидан экспертиза хулосаларини бажариш ва уни баҳолашнинг эътиборга молик жиҳатлари ўрганилган бўлиб, Салихов М.Х. (эксперт хулосасининг процессуал ва назарий жиҳатлари), Рўзиев Ҳ. (суд-тиббий экспертизасидаги илмий тадқиқотлар ва хулосаларни баҳолаш методологиялари), Фаниев М.М. (фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича экспертизани баҳолаш масалалари), Ҳамидов Ш.К. (эксперт хулосасини далил сифатида қабул қилиш шартлари)лар томонидан ўз фикрларини баён этганлар.

Бироқ, ўрганишлар эксперт хулосаларини баҳолашнинг назарий ва амалий асослари, илмий асосланганлиги, ишончлилиги ва процессуал жиҳатлари мукаммал ёритилган услубий қўлланма ёки тавсиялар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Судлар томонидан адолатли қарорлар қабул қилиш, хусусан ишларни кўриш сифатини ошириш ҳамда далилларни ҳар тарафлама текшириш ва баҳо беришда эксперт хулосаларини баҳолаш юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунда эксперт хулосаларини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини, юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, амалиётдаги концептуал ёндашувларни ҳамда бу борадаги илмий-назарий қарашларни чуқур таҳлил қилиш лозим.

Бундан ташқари эксперт хулосаларидаги мантиқий хатоликлар ва қарама-қаршиликларнинг келиб чиқиш сабаб-шароитларини, эксперт хулосаларини судлар томонидан баҳолашдаги тизимли муаммоларни, халқаро ҳамкорлик ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш лозим бўлади.

Эксперт хулосаларини баҳолаш амалиётининг илмий ёндашувлари истиқболларини белгилаш ҳамда судлар фаолиятида эксперт хулосаларини баҳолаш бўйича илмий асосланган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши судлар томонидан инсон ҳуқуқ-эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва адолатли қарор қабул қилишида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Машхура БАЙБЕКОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 249-сон 01.06.2010 //URL: <https://lex.uz/docs/1633102>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. —URL: <https://lex.uz/docs/111460>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори 73-сон 22.02.2023 //URL: <https://lex.uz/docs/6388692?otherlang>.
4. Белкин Р. С. Курс криминалистики. М., 1997. Т. 2. С. 175–202; Криминалистика / Отв. ред. Б. П. Смогодинский. Волгоград, 1944; Образцов В. А. Выявление и изобличение преступника. М., 1997. С. 323.
5. Маматкулов Т.Б., Астанов И., ва бошқ. “Криминалистика” дарслик Б.172 - Т.2021.
6. Собиров Ф.Б. “Хатшунослик экспертизасида имзолар тадқиқоти методикасини такомиллаштириш” дисс. Б.12. Ташкент 2023.
7. Ҳ.Х.Болтаев, С.О.Урозбаев, Қ.К.Байзаков, И.Р.Астановлар томонидан тайёрланган “Жиноят ишини юриштида экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари” услубий қўлланма Т.2016 Б32.

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА КОНСТИТУЦИЯНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ Қўллашнинг Афзалликлари

Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўғридан-тўғри амал қилиши, фуқароларнинг кундалик ҳаётда унинг белгиланган меъёрларига мурожаат қилган ҳолда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим ва асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам Конституциямизнинг 15-моддасида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олиниши, улар мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгаллиги, тўғридан-тўғри амал қилиниши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши каби муҳим тамойиллар белгилаб қўйилган.

Мазкур конституцион тамойил давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан судлар Конституция нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида бевосита тадбиқ этиб, унда белгиланган нормаларни аниқ қўрсатган ҳолда қарорлар қабул қилишини аңглатади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб номланади) 13-моддасида, суд ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилишлиги иқтисодий суд ишларини юритишнинг муҳим бир тамойили сифатида эътироф этилган.

Юқорида қайд этилган Конституция ва қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, иқтисодий судлар ҳам иқтисодиёт соҳасида юзага келган низоларни ҳал этишда Конституция нормаларини бевосита қўллаб келмоқда.

Иқтисодий судлар ҳам ўз қарорларида низонинг тури ва моҳиятидан келиб чиқиб тегишлилигига кўра Конституциянинг 15,16,49,65-68,138 каби бошқа моддаларини ҳам қўллаб келмоқда.

Пленум Қарорларида қайд этилишича, Конституция нормалари тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан ёки мавжудлигидан қатъий назар, ушбу Конституциявий Қонун кучга кирган пайтдан эътиборан тўғридан-тўғри амал қилади. Судлар иноватга олиши керакки, суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилади.

Конституциянинг 15-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши қайд этилган.

Конституциянинг мазкур талабидан келиб чиқиб, Пленум қарорида, судлар қонун ҳужжатларига асосан халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинганлиги ёхуд кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари ўтказилганлигига, шунингдек, қўшимча шартлар қўйилганлигига эътибор қаратиши лозимлиги, шу билан бирга, ишларнинг кўриб чиқилишида халқаро шартнома нормалари қўлланилган ҳолларда қарорнинг асослантирувчи қисмида ушбу халқаро шартнома нормаларига ҳавола қилиниши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

ИПКга асосан иқтисодий судлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни ҳамда чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни ҳам кўради.

Статистик маълумотларга кўра Навоий вилояти иқтисодий судлари томонидан 2024 йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами 3854 та иқтисодий ишлар қўрилган бўлиб, мазкур жараёнларда Конституциянинг 15-моддаси 94 ҳолатда, 49-моддаси 13 ҳолатда, 55-моддаси 319 ҳолатда, 65-моддаси 19 ҳолатда, 66-моддаси 94 ҳолатда, 68-моддаси 17 ҳолатда, 138-моддаси 23 ҳолатда ва бошқа моддалари билан биргаликда жами 646 ҳолатда тўғридан тўғри қўлланилган.

Бундан кўринадики, вилоят иқтисодий судлари томонидан суд амалиётида Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш қўрилган жами ишларга нисбати 16,7 фоизни ташкил этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий судлар ўз амалиётида Конституциянинг юқоридаги нормалари билан чекланиб қолмасдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган 16,19,20,21,24, 47,136,137,139-моддаларини ҳам қўллаши мумкин.

Чунки, иқтисодий судлар корпоратив ва инвестициявий низоларда ҳамда тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ ишларда нафақат юридик шахслар балки жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар) ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларни иштирокидаги низоларни ҳам кўради.

Қолаверса, иқтисодий судларнинг судловига тегишли бўлган давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги турли низоларда, шунингдек ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ ишларда Конституциянинг 20-моддасида белгиланган давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик тамойилига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги каби конституцион тамойилларни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Зеро, Конституциянинг бутун мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилиши, унинг нормаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар, айниқса судлар томонидан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар қўлланилиши Конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ва пировардида халқнинг Конституцияга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилади.

Тўғунбой ҚАҲҲОРОВ,

Навоий вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судъяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида"ги ПФ 67-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь куниндаги "Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 16-сонли Қарори.
4. Ф.Отахонов. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини судлар томонидан тўғридан тўғри қўллашнинг ҳуқуқий асослари" маъруза слайдлари.

ЭКОЛОГИК МУАММОГА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ

АННОТАЦИЯ: мақолада ҳозирги кундаги экологик муаммолар ва уларга юртимиз сиёсатида олиб борилаётган ҳуқуқий ечимлар таҳлил қилинди.

Таянч сўзлар: экологик муаммо, қонуний муҳофаза, иқлим ўзгариши, яшил технология.

2024 йилнинг сўнги кунда давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш соҳаларидаги стратегик таҳлил ва тадқиқот қилиш фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-467 сонли қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорнинг 7-илувасида экологик кун тартиби, шу жумладан иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги масалалари бўйича таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари фаолиятини ташкил қилиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб вазифалар белгилаб берилди.

Иқлим ўзгариши ҳақида сўз юрийтишдан аввал, дастаб иқлим ўзгаришига ижобий таъсир этувчи омилларга тўхталиб ўтсак. Иқлим ўзгаришига ижобий таъсир қилувчи омиллар кўплаб унсурлар билан боғлиқ, уларнинг баъзилари табиий, айримлари эса инсон фаолияти билан алоқадордир. Қуйида уларнинг айримларини изоҳлаб ўтамиз:

1. Яшил энергия манбаларининг ривожланишига замин яратиш:

— шамол, қуёш, биоэнергия ва геотермал энергия каби қайта тикланадиган энергия манбалари иқлим ўзгаришининг олдини олишда ижобий ўрин тутди. Улар углерод чиқиндиларини камайтиришга ёрдам беради, чунки улар фосил ёқилғиларни алмаштиради.

2. Барқарор қишлоқ хўжалиги ва ерни бошқариш:

— Экологик тоза қишлоқ хўжалиги, органик деҳқончилик ва қайта тикланадиган қишлоқ хўжалиги усуллари иқлим ўзгаришини ижобий томонга ўзгариши мумкин. Бу ернинг унумдорлигини оширади ва углерод захираларини яратади.

3. Энергия самарадорлигини ошириш:

— Энергия самарадорлиги технологияларини жорий қилиш (масалан, энергия тежовчи қурилмалар, ЛЕД чироқлар, юқори самарали иситкичлар) СО₂ чиқиндиларини камайтиради.

4. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва қайта ишлаш:

— қайта ишлаш тизимларини ривожлантириш, чиқиндиларни камайтириш ва экологик хом ашё ишлаб чиқариш, иқлимни сақлаб қолиш учун муҳим аҳамиятга эга.

5. Технологик инновациялар ва илмий тадқиқотлар:

— янги технологияларни ишлаб чиқиш, масалан, карбонни ушлаб қолиш технологияси, кўмир ва бошқа ёқилғиларни ёниб кетишидан олдин уларни ушлаб қолиш иқлимга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юртимизда ҳам бу жабҳада салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 588 гектар “яшил боғлар”, 662 гектар “яшил жамоат парклари”, Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида жами 40 км масофада “яшил белбоғ”лар барпо этилди. Шу билан бирга, умуммиллий лойиҳани самарали давом эттириш бугунги кунда кечиктириб бўлмас чораларни кўришни талаб этмоқда.

2025 йилда ҳам яшил иқтисодиётга ўтишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кўплаб давлатларда давом этмоқда. Қуйидаги мамлакатлар бу йўналишда аниқ режалар ва стратегиялар ишлаб чиқаётганлари билан ажралиб туради:

Европа Иттифоқи аъзолари, жумладан, Германия, Франция ва Скандинавия давлатлари, яшил иқтисодиётга ўтишни давом эттиришмоқда. Улар қайта тикланадиган энергия манбаларини кенгайтириш ва карбон изини камайтиришга қаратилган стратегияларни амалга оширмоқда;

Хитой ҳукумати, 2060 йилгача карбон нейтраллигига эришишни мақсад қилиб қўйган. Улар қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва ифлосланишни камайтириш бўйича кенг қўламли дастурларни амалга оширмоқда;

Канада, яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича кўплаб ташаббусларни амалга ошираётган давлатлардан биридир. Хусусан, ушбу мамлакат энергия самарадорлигини ошириш ва карбон чиқиндиларини камайтиришга қаратилган стратегияларни қўлламоқда;

Жанубий Корея “Яшил янги келишув” дастурини амалга ошириб, қайта тикланадиган энергия ва экотизимларни ривожлантиришга қаратилган стратегияларни қўллаётган давлатлардан биридир.

Юқоридаги сингари бир қанча давлатлар, яшил иқтисодиётга ўтиш орқали нафақат экологик барқарорликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишни ҳам рағбатлантиришга интилишмоқда. Бизнинг давлатимиз бош қомусида ҳам табиат атроф- муҳит муҳофазасига оид моддалар киритилган бўлиб у ҳам жамиятимиз ва фуқароларимизнинг янада масъулиятли бўлишига ундайди. Хусусан, Конституциямизнинг 68-моддасида шундай норма қайд этилган:

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Хулоса ўринида айтиладиган бўлсак, мамлакатимизда “Яшил технологиялар” бўйича улкан салоҳият мавжуд. 2030 йилга бориб “яшил” электр станцияларнинг қувватини ошириш орқали Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 40 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобида бўлади. Бу эса озон қатлами емирилишининг олдини олади.

Мафтуна ТОШЕВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш соҳаларидаги стратегик таҳлил ва тадқиқот қилиш фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори <https://www.lex.uz/ru/pdfs/7283791>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 01.05.2023 <https://lex.uz/docs/6445145>
3. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сонли фармони, <https://lex.uz/docs/6600413>
4. <https://www.webofscience.com/wos/>
5. <https://www.mapchart.net/>

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ: мақолада қурилиш ишларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, қурилиш жараёнида муҳим муаммоларни юзага келтириши, меҳнат хавфсизлиги талабларини бузиш, одамларнинг соғлиғига хатар тугдириши ва ҳатто фожиаларга олиб келиши, бу ҳолатлар жиноий жавобгарликни келтириб чиқариш асослари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: қурилиш, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик, жиноий жавобгарлик, криминалистика, санкциялар, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик қоидаларини.

Қурилиш соҳаси кенгайиб боргани сари қурилиш ишлари хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этишни таъминлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб боради. Бунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 257-моддасида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ҳамда ЖК 258-моддасида назарда тутилган тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг қурилиш соҳаси билан боғлиқ жиҳатларини алоҳида ўрганиш орқали, жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришни талаб этади.

Қурилишда хавфсизлик қоидаларини жиноий равишда бузиш ўз ичига жиноятга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ва яшириш бўйича ҳаракатларни қамраб олади. Тадқиқ қилинаётган жиноятлар усулининг ўзига хослиги шундаки, улар ҳам маълум ижтимоий хавфли ҳаракатларда (қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бевосита бузиш), ҳам ҳаракатсизликда (тегишли хавфсизлик қоидалари талабларини менсимаслик, қурилиш объектида меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажармаслик) ифодаланиши мумкин.

Кўп ҳолларда, қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши қурилиш объектларида содир этилади. Қурилишда жароҳатланиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса жойи – одатда бу қурилиш ва саноат корхоналари объектлари бўлиб, уларда қурилиш объектлари, ишлаб чиқариш ва санитария-маиший бинолар ҳамда иншоотлар жойлашган бўлади.

Қурилишда хавфсизлик қоидаларини бузиш жиноятларининг субъектлари асосан қурилиш ташкилотларининг мансабдор шахслари бўлади. Шунга таъкидлаш лозимки, қоидабузарлар орасида қурилиш ташкилотларининг юқори, ўрта ва қуйи бошқарув бўғинларининг деярли барча лавозимларидаги ходимлари мавжуд.

Қурилиш ишлари давомида жароҳатланиш ҳолатлари, одатда, қурилиш ташкилотлари эгалари ёки раҳбарларининг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича масъулият ҳиссининг пасайиши ёки баъзи ҳолларда йўқолиши натижасида юз беради. Раҳбарлар ишчиларни қурилиш ишларини хавфсиз бажариш қоидаларига ўргатишнинг замонавий усулларига етарли маблағ ажратмайдилар, соҳа қоидалари ва йўриқномаларини билишни текширишга юзак ёндашадилар, бундан ташқари ишлаб чиқариш муддатларини қисқартиришга, маблағларни тежаш учун малакасиз ишчиларни жалб қилишга, тегишли стандартлардан ўтмаган арзонроқ материалларни ишлатишга ҳаракат қиладилар. Бу қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини жиноий равишда бузишнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган тоифадаги ишлар бўйича дастлабки текширув ўтказиш қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни ўз ичига олиши керак: гувоҳлар, ишчилар ва қурилиш ташкилоти ман-

сабдор шахсларидан, шунингдек жабрланувчидан тушунтиришлар олиш; жабрланувчи олиб борилган тиббиёт муассасасидан унинг тана жароҳатларининг характери ва даражаси ҳақида маълумотлар олиш, қурилишни олиб бораётган ташкилотдан эса - жароҳатланиш ҳодисаси юз берган пайтдаги иш ҳақида ва ушбу ишларни бажариш жараёнида ишчиларнинг меҳнат шароитлари ҳақида маълумотлар олиш; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказиш.

Мамлакатимизда пул маблағларини сақлаш ва инвестиция қилишнинг энг фойдали ва ишончли усули сифатида қурилишга пул тикишнинг кенг тарқалганлиги қурилиш соҳасида турли суиистеъ-молликларга олиб келаётганлиги сир эмас. Қурилиш ташкилотлари томонидан ўта юқори фойда олиш мақсадида нафақат қурилиш объектларининг максимал миқдорда зич жойлаштирилиши, балки уларнинг топширилиш муддатларини ҳам тезлаштириш, малакасиз ишчилар меҳнатидан фойдаланиш, қурилиш материаллари сифатига жиддий эътибор қаратмаслик каби ҳолатлар учрамоқда. Натижада, қурилиш ишларидан олдин кўпинча шошилиш, баъзан муваффақиятсиз техник қарорлар қабул қилинади, қурилишнинг тайёргарлик босқичида тупроқнинг хусусиятлари ва ер пўстлоғидаги ёриқлар мавжудлиги ҳисобга олинмайди, ишларнинг ўзи эса кўпинча кеча-кундуз, ҳар қандай об-ҳавода, техник ҳолати хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган машина, механизм, ускуна ва асбоблардан фойдаланган ҳолда, зарур шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларисиз амалга оширилади. Бу эса инсонлар жабрланишига, жисмоний ва юридик шахсларга, шунингдек давлатга сезиларли моддий зарар етказилишига олиб келади.

“Зичлаштирилган қурилиш”нинг ўзига хос хусусиятларига келсак, у турар-жой уйлари ва одамлар жойлашган бошқа биноларга бевосита яқин жойда қурилиш амалга оширилишида содир бўлади. Ўз навбатида, қурилиш объектидаги бахтсиз ҳодиса (авария) натижасида нафақат бевосита қурилиш майдончасида бўлган ишчилар, балки ушбу қурилиш объектига яқин жойлашган биноларда бўлган одамлар ҳам жабрланишлари мумкин.

Мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги камчиликлардан бири ҳар қандай юридик шахсларнинг фойда учун уй-жой қурилишларини олиб боришлари, ўз навбатида қурилиш раҳбарлари ва мутахассисларининг профессионал даражаси жуда паст эканлигини таъкидлаш лозим. Бу замонавий талабларга жавоб бермайдиган ўқув дастурларини амалда қўллаш, касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулотларга ажратилган вақтнинг асосий қисқартирилиши билан боғлиқ.

Қурилиш соҳасидаги кўплаб қурбонлар, турар-жойлар, бошқа бино ва иншоотлар, қурилиш объектларининг вайрон бўлиши билан боғлиқ бўлиб, жамоатчиликнинг қурилиш ишлари олиб боришдаги хавфсизлик ҳолати юзасидан асосли хавотирини уйғотмоқда.

Мазкур мавзуни атрофлича ёритиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (ЖК 257-моддаси) жинояти юзасидан 20 та, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 258-моддаси) жинояти юзасидан 19 та жиноят иши бўйича ҳукмлар ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари қурилишда хавфсизлик қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар ҳам ўрганилди. Бунда 2024 йил 8 сентябрь ҳолатига кўра шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (МЖТКнинг 99-моддаси) бўйича 6902 та, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (МЖТКнинг 49-моддаси бўйича 5319 та қарор маъмурий қарор чиқди. Шу билан биргаликда таъкидлаш жоизки, МЖТКнинг 49-моддаси, яъни меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш бўйича суд томонидан чиқарилган қарорларнинг 95%дан ортиги рўйхатга олмасдан ходимларни ишлатиш (меҳнат қонунчилигини бузиш) билан боғлиқ бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузишга оид суд қарорлари кам учрайди.

Суд-тергов амалиёти таҳлили натижалари бундай турдаги жиноятларни тергов қилишда терговчилар томонидан бахтсиз ҳодисани тергов қилиш (авария сабабларини техник тергов қилиш) материалларига асоссиз юзаки баҳо бериш, қоидабузарлик билан юзага келган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғлиқликни аниқламаслик каби жиддий хатоларга йўл қўйилаётганлигини ҳам кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ўтказилган тадқиқот давомида дастлабки терговни олиб боришни сезиларли даражада қийинлаштирадиган асосий сабабларга қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузишга қарши курашиш бўйича тегишли тажриба йўқлиги ва ушбу жиноятни тергов қилиш бўйича илмий асосланган тавсияларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳам киради.

Шуни эътироф этиш керакки, қурилиш ишларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини бузиш жиноятлари учун белгиланган жазолар ушбу қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мос эмас. Чунки, ушбу жиноятлар нафақат муайян шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши, балки маълум бир жойда ишларнинг тўхтаб қолишига, аҳолининг турар-жойларидан кўчирилиши, давлатнинг қурилиш, саноатлаштириш соҳасидаги ислохотларига нисбатан ишончсизлик кайфияти шаклланишига олиб келиши каби қўшимча салбий оқибатлар келтириб чиқариши ҳам мумкин.

ЖКнинг 257-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларининг маъсул шахслар томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, бундай қилмиш одам ўлишига ва бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

ЖКнинг 258-моддасида тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима

ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, ўша қилмиш: одам ўлишига; б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

Ушбу қилмишларни транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти учун белгиланган жазо билан солиштирганда, автотранспорт ҳодисаси туфайли 1 та шахс вафот этганида 7 йилгача, 2 ва ундан ортиқ одам вафот этганида ва бошқа оғир оқибатлар юз берганида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Қурилиш соҳасидаги шундай жиноятлар бунданда оғирроқ оқибатларни келтириб чиқарсада, энг оғир жазо 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, ЖКнинг 257- ва 258-моддалари санкцияларини жазони оғирлаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ушбу жиноятларнинг олдини олишга ёрдам беради ва меҳнат муҳитида хавфсизликни таъминлашни таъкидлаш ўринлидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш қурилиш жараёнида муваффақиятли фаолият олиб боришда жуда муҳим бўлиб, қурилиш жараёнининг самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Бахтиёр ШИРИНҚУЛОВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

- Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы современного дня. М., 2001. С. 315; Бертовский Л.В. Проблемы теории и практики выявления и расследования преступного нарушения правил экономической деятельности: автореф. дис.... докт. юрид. наук. М., 2005. С. 17; Возгрин И.А. Введение в криминалистику: история, основы теории, библиография. СПб.: Изд-во "Юридический центр Пресс", 2003. С. 296; Густов Г.А. К определению криминалистического понятия преступления // Труды СПбЮИГПРФ. № 2. СПб., 2000. С. 83; Абдумажидов Ф. А. Криминалистика. – Т.:Адолат, 2003. –213 б.; Шакуров Р., Джуманов Ш. Т., Тоштемиров Н., Тураева Д. Р., Алланазаров О. Д. Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма/ - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.
- Григорьева М.А. Методика расследования нарушения правил безопасности при ведении строительных работ. Автореферат на соискании кандидата юридических наук. Псков-2011.
- Густов Г.А. Криминалистическая характеристика преступления / Курс криминалистики: в 3 т. Т. 1. Общетеоретические вопросы. Криминалистическая техника. Криминалистическая тактика / Под ред. О.И. Коршуновой, А.А. Степанова. СПб: изд-во "Юридический центр Пресс", 2004. С. 57-58.
- Сергеев Л.А. Расследование и предупреждение хищений при производстве строительных работ: автореф. дисс канд. юрид. наук. М.: 1966
- Винокуров С.И. Криминалистическая характеристика преступления, ее содержание и роль в построении методики расследования. Методика расследования преступления (общие положения). М.: 1976. С. 101.
- Шестакова С. Д., Козлова Е. Л. Понятие и содержание криминалистической характеристики преступлений о ненадлежащем исполнении обязанностей по воспитанию несовершеннолетних // Российский следователь. 2012. № 10. С. 11—13; URL: <http://www.consultant.ru>
- Селиванов Н. А. Криминалистическая характеристика преступления // Руководство для следователей / под ред. Н. А. Селиванова, В. А. Снеткова. М., 1997. С. 23.
- Криминалистика: учебник / под ред. Н. П. Яблокова. М., 2004. С. 37
- Образцов В. А. Криминалистика: цикл лекций по новой программе курса. М., 1994.
- Криминалистика: учебник для вузов / под ред. Р. С. Белкина. М., 1999. С. 687-688.
- <https://public.sud.uz/report> (мурожаат санаси 08.09.2024 й.)

ЕРГА ОИД НИЗОЛИ ИШЛАРНИ СУД МУҲОКАМАСИГА ТАЙЁРЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтда кўриш ҳамда ҳал қилиш учун ер низоларини суд муҳокамасига тайёрлаш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада муаллиф ерга оид низоларни суд муҳокамасига тайёрлашнинг айрим процессуал хусусиятлари юзасидан ўзининг нуқтаи назарларини илгари суради.

Калит сўзлари: ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, ерга оид низолар, фуқаролик процесси, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, судда иш кўриш, процессуал хусусиятлар, такомиллаштириш.

Ерга оид фуқаролик ишлари бўйича ариза суд томонидан қабул қилингандан кейин, судья умумий асосларга кўра фуқаролик ишини суд муҳокамасига тайёрлаш босқичини амалга оширади. Мазкур босқич суд муҳокамасининг кейинги фаолиятида суднинг самарали иш юритиши ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорлари чиқариши учун тамал тоши вазифасини бажаради.

Ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш биринчи инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ва барча суд муҳокамаларнинг асоси ҳисобланади.

Суд муҳокамасининг якуний натижаси кўп жиҳатдан ушбу босқичнинг сифатига боғлиқ. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида энг аввало тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилига қатъий амал қилиш лозим бўлади. Зеро, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида тарафлар ўзларининг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни судга тақдим этадилар. Судга тақдим этилаётган ҳужжатлар ҳажми ва доирасини тарафларнинг ўзлари мустақил белгилайди. Қонун уларнинг иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларини судга тақдим этиш мажбуриятини белгиламайди. Фуқаролик ишининг қайси тараф фойдасига ҳал этилиши кўп жиҳатдан тарафларнинг қайси бири ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида ўзига берилган имко-

ниятлардан, хусусан, далилларни тақдим этиш каби процессуал ҳаракатлардан самарали фойдаланишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам Е.Н. Губина ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳозирги шароитда нафақат судьянинг, балки тарафларнинг фаолияти ҳисобланишини эътироф этади. Дарҳақиқат, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичи тарафлар учун берилган имкониятдир. Мазкур босқичда қайсидир тараф фаоллик кўрсатмаса, иш учун муҳим бўлган далилларни йиға олмайди бу эса унинг судда муваффақият қозониши имкониятларини камайтиради.

Иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли суд қарорларининг чиқарилиши ҳам кўп жиҳатдан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифаларининг қай даражада амалга оширилишига боғлиқ бўлади. ФПКнинг 201-моддасида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифалари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;

ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисида тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур бўлган далилларнинг тақдим этилиши;

тарафларни яраштириш.

Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш, шерик-иштирокчилик масалаларига алоҳида эътибор бериши талаб этилади. Масалан, суд ерга оид низоли ишларни суд муҳокамасига тайёрлашда ушбу ишга дахлдор бўлган барча шахсларни шерик-жавобгар сифатида жараёнга жалб қилиш чораларини кўриши лозим.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида жавобгар ишга

*Давлатқа етиб, меҳнат
элин унутма!*

*Бу беш кун учун ўзунгни
асру тутма!*

*Боргонни, кел эмди, ёд
қилмай, эй дўст,*

*Бориш-келишингни
лутф этиб, ўксутма!*

**Заҳириддин
Муҳаммад БОБУР**

дахлдор бўлмаган тараф бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Бизнинг фикримизча, судьянинг тегишли жавобгарни ишда иштирок этиш учун тайёрлов босқичидаёқ жалб қилиши мақсадга мувофиқ. Чунки иш кўрилиши вақтида ишга дахлдор бўлмаган тарафнинг алмаштирилиши суд мажлисининг чўзилиб кетишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам ерга оид низоларни судда ҳал қилишда ушбу тоифадаги ишларда иштирок этувчи шахслар таркибини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, нотўғри жавобгарга нисбатан даъво қўзғатилиши даъво талабларини қондиришни рад этиш учун асос бўлади.

Фуқаролик процессининг умумий қондасига кўра, ерга оид низоли ишлар бўйича исботлаш юки асосан даъвогар зиммасига тушади. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича исботлаш предмети ҳам бошқаларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга ва қоида тариқасида ер участкасининг чегараларини бузиш фактини аниқлаш билан боғлиқ. Масалан, ер участкасининг чегараларини бузиш (ҳақиқий чегаранинг қонуний чегарага нисбатан ҳаракатланиши, тўсиқ, бошқа иншоотнинг қурилиши ёки ер тузиш ва рўйхатга олиш туфайли) каби фактларни исботлаш юки шулар жумласидандир. Юқорида кўрсатилганидек, кадастр рўйхатидан ўтган кўшни ер участкалари ҳам даъвогарга тегишли бўлади. Юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ҳуқуқларнинг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъвони қондириш шартли мулкдорнинг ҳуқуқлари бузилганлигини кўрсатадиган исботланган юридик фактлар тўпламидир.

Далилларга ер участкасига ва уларда жойлашган биноларга ҳам эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (бинолар бўйича низолар мавжуд бўлганда), ер тузиш ишлари, кадастр паспортлари, эксперт хулосалари киритилиши мумкин. Судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида эксперт хулосасини олиш заруратидан келиб чиқиб барча ҳолларда ер тузиш экспертизасини тайинлашга ҳақли.

Шунингдек, биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкаларини бўлиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда судлар Ер кодекси 22-моддасининг тўртинчи қисмига асосан улушларга мутаносиб равишда ер участкасини бўлиш ёки фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги кадастр органи мутахассисининг фикри ёки судга оид экспертиза хулосасидан келиб чиқиши лозим.

Шу билан бирга, эксперт хулосаси, шунингдек ишдаги бошқа далиллар исботлашнинг ягона воситаси эмаслигига эътибор бериш лозим. Шунинг учун ишда мавжуд бўлган барча далиллар билан биргаликда баҳоланиши керак. Суд иш бўйича тақдим этилган далилларни тўлиқ баҳолаши ва ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаши керак. Масалан, низоли участканинг майдони ва чегаралари олинган пайтдаги материалларга мос келишини текшириши, участканинг қачон қурилганлиги ва унинг ҳудудиди қандай бинолар қурилганлиги, кўшни чегара бўйлаб тўсиқ ўрнатилганлиги каби ҳолатларни аниқлаши лозим.

Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида судья тарафларни яраштириш чораларини кўриши ҳам муҳим ҳисобланади. Юридик адабиётларда ҳам даъво тартибида иш юритишда тарафларни келиштириш ва келишув битимига эришиш муайян бир фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тугатилишининг аъло даражадаги натижаси ҳисобланиши қайд этилади. Айрим хорижий мамлакатларнинг суд тажрибаси шундан далолат берадики, уларда фуқаролик ишларини келишув битими ёки медиатив келишув тузиш йўли билан якунлаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Масалан, Вьетнамда ер участкаларига доир низолар амалиётда кўп учрайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Бироқ, ер участкаларига доир низоларни ҳал қилиш жараёни томонларнинг судга ариза топшириши билан чегараланиб қолмайди, балки Ер тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган босқичлардан ўтиши талаб этилади. Масалан, 2024 йил 18 январь куни Вьетнам Миллий Мажлисида тасдиқланган ва 2025 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган Ер тўғрисидаги янги қонунда ер бўйича низоларни ҳал қилишга оид аниқ қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тоифадаги низоларни яраштириш бўйича баҳсларни ҳал этиш энг самарали усули сифатида тавсифланган. Унга кўра, низолашаётган тарафлар қонун, одатлар ва маҳаллий хусусиятларга мувофиқ юзага келган низоларни мустақил ёки воситачилар орқали ҳал этишлари мумкин.

Шундай қилиб, ер низолари бўйича яраштириш тартиб-таомили баҳслашаётган тарафларга ўзаро келишмовчиликлар юзасидан мос ечим топишда ёрдам берадиган самарали усулдир. Шунинг учун хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳам судлар низоли ишда иштирок этувчи тарафларнинг ким бўлишидан қатъи назар тарафлар ўртасида юзага келган низони аввал яраштириш орқали ҳал қилиш тартиб-таомилини қўллашлари шартлигини қонунчиликда қатъий белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ойбекжон МАРУФОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик // Муаллифлар жамоаси. Ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Адолат. 2022. – 220 б.
2. Губина Е.Н. О некоторых вопросах возникающих при подготовке гражданского дела к судебному разбирательству // Юридический аналитический журнал. 2005. № 3-4 (15-16). -109 с.
3. Бариев А.Г. Разрешение земельных споров // Пробелы в российском законодательстве. 2018. №1. –52 с.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // <https://lex.uz/uz/docs/152653#153235>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 28-сон қарори // <https://lex.uz/uz/docs/6687150>
6. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш (илмий-амалий қўлланма). Масъул муҳаррир ю.ф.н., доц. А.Б.Бафуров. –Тошкент, ЮМОМ. 2013. - 9 бет.
7. https://insightplus.bakermckenzie.com/bm/real-estate_1/vietnam-land-law-2024-and-its-draft-guiding-decrees

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада медиация тамойилларининг турлари, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот берилади. Шунингдек, бу борада олимларнинг фикрлари ҳамда иқтисодий низоларни ҳал этишда медиация тамойилларининг роли ва аҳамияти ёритилади.

Калит сўзлар: медиация, медиатор, принцип, медиатив келишув.

Иқтисодий низоларни ҳал этишда медиация тамойилларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Медиациянинг ўзига хос хусусиятлари ҳам унинг тамойилларида яққол намоён бўлади. Бу тамойиллар ушбу соҳани тартибга солишда умумий қоидаларни белгилаб беради.

Иқтисодий низоларни ҳал қилишда медиация – бу қонунда белгилаб қўйилган иқтисодий низоли холис ва адолатли ҳал қилишга хизмат қиладиган, тарафларнинг келишувига эришиш учун амалга оширилаётган воситачилик жараёнининг концептуал қоидаларидир.

Медиация тамойилининг турларига тўхталадиган бўлсак, бу ҳақда олимларнинг турли хил қарашлари мавжуд.

Масалан, С.Калашникова медиациянинг ихтиёрийлик, медиаторнинг бетарафлиги, махфийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, тарафларнинг мустақиллиги каби тамойилларни илгари суради.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунида низоларни ҳал қилишда қуйидаги медиация принциплари қўлланилиши белгиланган:

- махфийлик;
- ихтиёрийлик;
- тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги.

Мазкур тамойиллар низоларни медиация тартибда ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни қўллаш орқали тарафлар ўртасидаги низо тез ва адолатли ҳал этилади.

Мазкур медиация принциплари иқтисодий низоларни ҳал этишда ҳам қўлланилади. Иқтисодий низоларни ҳал этишда ихтиёрийлик, махфийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, тарафларнинг мустақиллиги ҳамда медиаторнинг бетарафлиги тамойиллари қўлланилади.

Ихтиёрийлик принципи. Медиация тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар, шунингдек, миллий қонунчилигимиздан маълумки, медиация ихтиёрий тартиб-таомил ҳисобланади.

Низони ҳал этишда медиацияни қўллаш учун аввало тарафларнинг розилиги олиниши лозим. Ушбу қоида бирламчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига асосан, медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади.

Медиациянинг ихтиёрийлик тамойили медиацияни тарафларнинг розилиги асосида қўллашни, медиация иштирокчиларининг исталган вақтда медиациядан воз кечиши мумкинлиги, медиация якуни бўйича тузилиши мумкин бўлган медиация келишувини тузишнинг ҳамда

ушбу келишувни ижро этишнинг ихтиёрийлигида ифодаланишини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, қонунчиликка кўра тарафлар низо келиб чиққанда низони ҳал этиш учун дастлаб медиацияга мурожаат қилишнинг мажбурий тартибини шартномада белгилаб қўйишлари мумкин. Мазкур қоида медиациянинг мажбуриятини келтириб чиқармайди. Яъни, тарафлар бунда мажбурий муроасага келишлари шарт дегани эмас, балки улар низони ҳал этиш учун медиация тартибда келишувга эришишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Агар бунда келишувга эришилмаса низо қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Махфийлик принципи. Медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас. Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Медиациянинг махфийлик тамойилига адабиётларда қуйидагича таъриф берилади. Махфийлик тамойили – низони ҳал этишда иштирок этаётган медиатор томонларга бир-бирларига маълум бўлган бошқа тараф тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслигини тушунтириши лозимлиги тўғрисидаги қоидаларнинг мавжудлиги ҳамда низоларни медиация тартибда ҳал этишда иштирок этаётган медиатор ҳам медиацияни олиб бориш жараёнида ўзига маълум бўлган маълумотларни, шунингдек медиация натижасини ошкор қилишга ҳақли эмаслиги қоидаларида ифодаланади.

Махфийлик принцигига кўра томонлар медиация жараёни бошланишидан олдин маълумотларнинг махфий сақланиши ва ошкор қилинмаслиги тўғрисида ўзаро келишувга эришишлари лозимлиги ҳам олимлар томонидан илгари сурилади.

Тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги тамойили. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига кўра, медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Медиация тарафлари медиаторни, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш механизмини бу

жараёндаги ўз нуқтаи назарини ва уни ҳимоя қилиш усуллари ҳамда воситаларини танлашда, ахборот олишда, медиатив келишув шартларининг ўзаро мақбулликни баҳолашда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида тенг мажбуриятлар бўлади.

Тарафларнинг мустақиллиги тамойили. Иқтисодий низоларни ҳал қилишда жорий қилинадиган медиация принципларидан яна бири бу тарафларнинг мустақиллигидир.

Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, медиация жараёнида тарафлар музокаралар ўтказишда, ўз фикрларини билдиришда, таклифларни қабул қилишда мустақил бўлади. Хусусан, низони ҳал этиш учун медиацияга мурожаат қилгандан тортиб, медиатив келишувга эришиш жараёнларида тарафлар мустақил бўлиб, ўз ҳаракатларини бошқаларнинг аралашувисиз ўз хоҳиш-иродасига қараб белгилайди. Ушбу жараёнда медиаторнинг ҳам мустақиллиги муҳим саналади. Медиаторнинг медиация жараёнларини амалга оширишда ҳеч кимга бўйсунмаган ҳолда мустақил равишда фаолият олиб бориши низони адолатли ва ҳар бир тарафнинг манфаатини инobatга олган ҳолда ҳал этишига имкон беради.

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан олдин ёки унинг давомида медиатор ўз мустақиллиги ва ҳолислигига таъсир этувчи ҳолатлар юзасидан тарафларни хабардор қилиши ва медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан тарафларнинг розилиги бўлмаса, воз кечиши лозим.

Медиаторнинг бетарафлиги тамойили. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунида бироз бошқача келтирилган бўлса-да, мазмунан ўхшаш ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 9-моддасида медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислигига қуйидагича таъриф берилган:

“Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашигга йўл қўйилмайди.

Медиатор ҳолис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак”.

Медиаторнинг бетарафлиги тўғрисида мутахассислар қуйидаги фикрларни билдиришади.

Медиатор воситачиликни амалга оширишда ҳоли ва адолатли бўлиши шарт ҳамда медиацияни бетараф амалга ошириши лозимдир. Медиатор фақат ҳолис ва адолатли бўлиб қолиш мумкин бўлган ҳоллардагина воситачилик қилиши мумкин. Ҳар қандай вақтда, агар воситачининг жараёни ҳолисона тарзда ўтказа олмаслиги аён бўлиб қолса, у воситачиликни амалга оширишни тўхтатиши, воситачиликдан воз кечиши лозим.

Шу боис, медиацияда тарафлар медиаторнинг ҳолислигига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина медиация жараёни тўғри ташкил қилиниб келишувга эришилиши мумкин. Медиацияда медиатор тарафларнинг шахсий хусусиятларига, уларнинг ижтимоий келиб чиқишига ёки медиация жараёнидаги хатти-ҳаракатларига асосланиб қолмаслиги шарт. Шу билан бирга медиаторга тарафларнинг барча мавжуд ва потенциал имкониятлари маълум бўлиши лозим. Шундагина у низони ҳал қилишда тарафларни ўзаро келишувга эриштириши мумкин.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда медиаторнинг бетарафлиги деганда медиацияни олиб бораётган медиатор ҳолис, тарафлар билан бирор-бир манфаатли алоқаси бўлмаган шахс бўлиши, юзага келган низони ҳал этишда тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тенг таъминлаган ҳолда амалга ошириши, агар медиатор низони ҳал этишда бетарафликни таъминлай олишига кўзи етмаган тақдирда, бундай воситачиликдан воз кечиши шартлигини тушуниш лозим.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, ҳар қандай иқтисодий низоларни оқилона ва адолатли, энг муҳими тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини инobatга олган ҳолда ҳал этишда медиация принципларининг роли ва аҳамияти бекиёсдир. Иқтисодий низоларнинг юзага келиши тарафларлар учун ортиқча вақт ва маблағ йўқотилишини инobatга оладиган бўлсак, низолашиш тарафлар учун салбий характерга эга бўлиб, бундан фақатгина тарафлар зарар кўради ҳолос. Шу сабабли ҳам низолашаётган тарафлар учун муаммони тезроқ ҳал этиш манфаатли ва самарали ечим ҳисобланади. Шундай экан иқтисодий низоларни ҳал этишда ҳар бир медиация принципларига оғишмай амал қилиш тарафлар ўртасида юзага келган низони ўз вақтида ва одилона ҳал этилишига хизмат қилади.

Миржалол АХМЕДОВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил тадқиқотчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексси.
3. Ш.М. Масадиков. “Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунига шарҳ”. Тошкент – 2023.
4. Ш.М. Масадиков “Проблемы правового регулирования медиации” Монография. Ташкент: ТГЮУ, 2014.
5. Калашникова Светлана Игоревна. Медиация в сфере гражданской юрисдикции. 2010, Екатеринбург.
6. Carlos Esplugues, Louis Marquis. New Developments in Civil and Commercial Mediation. Switzerland – 2015.
7. К. Шумова. Принципы медиация. 12.00.15 – гражданский процесс; арбитражный процесс. Саратов – 2015.
8. В. Коломытцева. Медиация в социально-юридическом механизме разрешения правовых конфликтов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2016.
9. Д. Чхартишвили. Медиация в России: институционализация и развитие медиативных практик. Диссертация на соискание ученой степени кандидата социологических наук. Ростов-на-Дону – 2018.
10. Сильнов П. Медиация: о чем говорит зарубежный опыт // https://www.norma.uz/nashi_obzori/mediaciya.
11. www.lex.uz.
12. www.consultant.ru.
13. www.moluch.ru.
14. www.uncitral.org.

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА: КЕЧА ВА БУГУН

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда ҳарбий прокуратуранинг XX асрда шаклланиши ва ривожланиши ретроспектив таҳлил қилинган. Шунингдек, унинг фаолияти, вазифалари ва прокуратура органлари тизимида тугатган ўрни ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ҳарбий прокуратура, Туркистон, Ўрта Осиё ҳарбий округи, Бош ҳарбий прокуратура, Қуролли Кучлар Ҳарбий прокуратураси, ҳарбий суд, прокурор назорати, тергов, ҳарбий гарнизон, ҳарбий қисм.

Ўзбекистонда ҳарбий прокуратура тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Октябрь инқилобидан кейин 1917 йил 12 декабрда “Суд низомларини қайта ташкил этиш ҳақида” декрет қабул қилиниб, унга асосан суд терговчилари, прокурорлик назорати, ҳимоячи ва хусусий адвокат институтлари тугатилиши белгиланади. Бироқ, 1918 йил баҳорда Туркистонда судлар бажараётган вазифани бошқа давлат органи бажара олмагани туфайли марказдан уларнинг муддатини узайтиришга оид кўрсатма келади. Аммо бу буйруқ чиққунига қадар мутахассисларнинг бир қисми хорижга, бошқалари тизимдан чиқиб кетган ва қолган кам сонли гуруҳгина фаолиятини давом эттираётган эди.

Шунга қарамай, Туркистонда суд ислохотлари амалга оширилгунга қадар собиқ Россия империяси суди ва прокуратураси депутатлар кенгаши ва адлия халқ комиссариатининг бевосита назорати остида сақланиб қолади.

Тарихий манбаларга кўра, Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси декрети билан 1919 йилнинг 1 январидан амалдаги прокуратура идоралари тугатилган.

1917-1922 йилларда прокуратура тизими фаолият юритмаган. 1922 йилнинг ноябрь ойида совет Россиясининг Давлат Ҳарбий прокуратураси жорий этилиб, Туркистон fronti Ҳарбий прокуратураси фаолият юрита бошлаган. Ўша даврда Ўрта Осиё ҳарбий округи Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикалари ҳудудларини қамраб олган.

1920 йилларда ҳарбийлар томонидан содир қилинган жиноятлар ҳам халқ судларида умумий тартибда кўрилган, таъкидлаш лозим бу вақтда алоҳида ҳарбий судлар бўлмаган.

Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари таркибига кирган Ўрта Осиё ҳарбий округида (штаб Тошкент шаҳрида жойлашган) 1926 йил 4 июнь куни Ўрта Осиё ҳарбий округи Ҳарбий прокуратураси ташкил этилган.

1926 йил 20 августда собиқ Иттифоқ Марказий Ижроия Кўмитаси, халқ комиссарлари кенгаши томонидан тасдиқланган “Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратуралар тўғрисида”ги Низом бутун Иттифоқ миқёсида ҳарбий прокуратура вазифа ва функцияларини, ҳарбий прокурорларнинг ваколатларини белгилаб берувчи дастлабки асосий ҳужжат ҳисобланиб, мазкур Низом қарийб 40 йил давомида Ҳарбий прокуратура органларига дастуруламал бўлиб хизмат қилган.

1929 йил январь ойидан Ҳарбий прокуратурага Қизил Армия мансабдор шахслари ҳаракати қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишдан ташқари, давлат аҳамиятига молик корхона ва йўлларнинг ҳарбийлаштирилган қўриқланишида умумий назоратни олиб бориш вазифаси ҳам юклатилди.

Судлов иши ва прокурор назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллашуви натижасида 1933 йилда прокуратура СССР Олий суди таркибидан чиқарилиб, унинг ўрнига Бош Ҳарбий прокуратура ташкил этилди.

СССР Олий Совети Президумининг 1940 йил 13 декабрдаги фармони билан ҳарбийлар томонидан содир қилинган барча турдаги жиноятлар фақат ҳарбий трибуналлар томонидан кўрилиши қатъий белгиланган. Кейинчалик, жиноят ишлари агарда бир нечта айбланувчи ичида биттаси ҳарбий бўлган тақдирда, ҳарбий прокуратура томонидан тергов қилинган ва Ҳарбий судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилган.

1941-1945 йилларда собиқ СССР прокуратура органлари қатори Ўзбекистоннинг барча прокуратура органлари фаолияти ҳам ҳарбийлаштирилади. Иккинчи жаҳон урушининг илк кунлариданоқ ҳарбий прокуратура олдида янги вазифалар қўйилади, яъни қўшинларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш мақсадида фронт, армия, корпус ва дивизиялар ҳарбий прокуратуралари ташкил этилади.

Темир йўл ва сув ҳавзалари прокуратуралари ҳам ҳарбийлаштирилиб, жиноятларни тергов қилиш методикаси уруш вақти шароитига монанд равишда тубдан ўзгаради. Армияда шахсий таркибнинг мафкуравий тарбияси ҳам ҳарбий прокуратуранинг асосий фаолият йўналишлари қаторига кирилади.

1941 йил 26 июнда 30 та темир йўл прокуратураси ҳарбий прокуратураларга айлантирилиб, бу прокуратураларнинг барчаси Қизил Армия Бош Ҳарбий прокуратураси тизимига ўтказилади.

Тарихий манбаларга назар ташласак, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳарбий прокуратурага ҳарбий сафарбарликни уюшқоқлик билан ўтказиш ва урушга боришдан бош

*Илмни ким воситайи
жох этар,
Ўзинию халқни
гумроҳ этар.*

**Алишер
НАВОЙ**

тортиш ёки ўз баданига шикаст етказиб, майиб қилиш йўли билан хизматдан бош ториш, бўйсунмаслик, дезертирлик, яъни ҳарбий қисм ва хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳамда бошқа турдаги ҳарбий жиноятларга қарши курашиш каби катта ва масъулиятли вазифалар юклатилган. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида қонунлар ижроси устидан назорат, аҳолини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, бандитизм, талон-тарожликлар, мамлакат мудофаасига зарба берувчи ва хавф солувчи ҳар қандай жиноятга қарши курашиш каби ўта муҳим ва масъулиятли вазифалар ҳам улар зиммасига юклатилган.

1945 йил 9 июлда Туркистон Ҳарбий округи Ҳарбий прокуратураси ташкил этилган.

1966 йил 16 декабрда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан “Ҳарбий прокуратура тўғрисида”ги Низом қабул қилинади ва Ҳарбий прокуратура органларининг ҳарбий қўмондонликлардан мустақиллиги сезиларли даражада ортади ҳамда қўшинларда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Айнан шу Низом билан ҳарбий прокурорлар қўшинларда қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаганда, уни бартараф қилиш мақсадида тақдимнома киритиши, тегишли қўмондонлик эса тақдимномани ўрганиши ва бир ойлик муддатда қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш чораларини кўриши ва натижаси ҳақида ҳарбий прокуратурага хабар қилиши белгиланди.

1970 йилларда Туркистон Ҳарбий округи Ҳарбий прокуратураси аппаратида ишлар қуйидаги тўртта – умумий назорат, тергов, суд назорати, Давлат хавфсизлик қўмитаси (ДХҚ) органларида жиноят ишлари ҳал қилиниши устидан назорат секторларига бўлинган ҳолда олиб борилган.

1981 йил 4 августда “Ҳарбий прокуратура тўғрисида”ги Низом қабул қилиниб, Низом асосида Ҳарбий прокуратура органларининг ўз фаолияти, йўналишлари ва вазифалари белгилаб олинган.

СССР прокуратураси собиқ Иттифоқ тарқалиб кетганидан кейин мустақил давлат органи сифатида ўз фаолиятини тугатди.

Прокуратуранинг ривожланиш тарихи ўтмишда у давлат органи сифатида давлат белгиланган функциялар доирасида барчани, жумладан, фуқароларни ялпи назорат қилишдан тортиб, хусусий ва оммавий манфаатларни ҳимоя қилишгача бўлган вазифаларни бажарганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, Мустақил Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси органларининг пойдевори давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кунлардан бошлаб қабул қилинган қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1992 йил 28 февраль кунги “Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”ги Фармон имзоланган. Ушбу Фармонга кўра, собиқ “Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси” негизида “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Ҳарбий прокуратураси” ташкил этилиб, Ҳарбий прокуратура Ўзбекистон Республикаси прокурорига бўйсундирилди.

Президент Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий прокуратурасининг асосий вазифалари сифатида Қуролли кучларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, Республика ҳудудида жойлашган

барча ҳарбий қисмлар, қўшилма ва бирлашмалар, ҳарбий-ўқув билим юртлари, муассасалар ҳамда бошқа ҳарбий тузилмаларда прокурор назоратини амалга ошириш каби лар белгиланди.

1993 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга мувофиқ, Республика миқёсида ташкил этилган янги ҳарбий тузилмалар билан ҳамкорликни янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1999 йил 30 март кунги имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармон Ҳарбий прокуратура фаолиятини такомиллаштириш йўлида муҳим роль ўйнади дейиш мумкин.

Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий прокуратураси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкил қилинди. Шу пайтга қадар фаолият юритиб келган гарнизон ҳарбий прокуратуралари ўрнида ҳудудий ҳарбий прокуратуралар ва 4 та мутлақо янги тузилма – ҳарбий округ ҳарбий прокуратуралари ташкил этилди.

Шунингдек, Фармон билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси раҳбарияти таркибида Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозими жорий этилди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳамда унинг таркибий тузилмаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш вазифаси юклатилиб, ҳарбий прокуратура шахсий таркибининг ҳарбий хизматчи сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва барча таъминот турлари сақланиб қолинган.

Ўзбекистонда Ҳарбий прокуратура ўтган XX асрда шаклланиб, ривожланди. Мазкур ҳарбий тузилма томонидан Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса Ҳарбий прокуратура органлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўз ўрнига эга бўлганини ва бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида муносиб эътирофга лойиқ фаолият юритиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ватан ва қонун ҳимоясида. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси. Тамаддун. Тошкент-2024. Б.54.
2. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент- 2009. Б.16.
3. Вичин С. Прокуратура в правовом государстве. – М., 1997.
- 3.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.23.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февраль кунги “Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”ги ПФ-355-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 март кунги “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-2277-сонли Фармони.
6. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.319-320.

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИГА НИСБАТАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

АННОТАЦИЯ: *товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми шахсийлаштириш воситаси сифатида товар ишлаб чиқаришида намоён бўлади. Товар белгисига нисбатан эғалик қилувчининг ҳуқуқий ҳолати ҳам товар белгиси мақомини аниқлаштиришида алоҳида аҳамиятга эга. Айнан товар белгисига эғалик қилувчи товар белгисининг тақдирини белгилаб беради. Мақолада товар белгисига хос бўлган шу каби ҳолатлар борасида фикр юритилади ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва бирхиллаштириш бўйича таклиф ва ҳулосалар келтирилган.*

Калит сўзлар: *товар белгиси, мутлақ ҳуқуқ, домен номи, гаров, Сингапур шартномаси.*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 97-моддаси 1-қисмида товар белгисининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра товар белгиси интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситаларидир. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1031-моддаси 2-бандида товар белгилари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи восита эканлиги белгиланган.

Товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми Фуқаролик кодексининг 1102-моддасига асосан рўйхатдан ўтказилади ва тегишли гувоҳнома билан тасдиқланади. Товар белгиларига нисбатан гувоҳнома 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддасига кўра ўн йил муддатга амал қилади ва унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин (қонуннинг 22-моддаси 1-қисми). Эътиборли жиҳати ҳаммага маълум товар белгиларида эғалик қилиш муддатини чеклаш қондаси (22-моддаси 1-қисми) қўлланилмайди. Чунки, ҳаммага маълум товар белгилари муддатсиз асосда ҳуқуқий муҳофаза қилинади (қонуннинг 322-моддаси 5-қисми).

Товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми иккига бўлинади:

биринчиси, товар белгисига нисбатан қўлланиладиган мутлақ ҳуқуқнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми;

иккинчиси эса товар белгисининг ҳуқуқий мақомидир.

Биринчи хусусиятдаги товар белгиларининг мақоми мутлақ ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши билан боғлиқ муносабатларда намоён бўлса, иккинчи хусусиятдаги товар белгиси мақоми товар белгисининг бошқа белгиларга нисбатан устуворлигини белгилашда кўринади.

Товар белгисидан фойдаланишга кўра фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилаш товар белгиси учинчи шахсларга нисбатан бир турдаги маҳсулотларда биринчи фойдаланишга кўра аниқлаштирилади. Албатта, бу ерда мақом масаласи нисбий маънода қўлланилади.

Товар белгисининг домен номи, фирма номлари билан ўзаро бир хиллиги ёки ўхшашлиги нисбати бўйича мақомини белгилаш рақобат қонунчилигига кўра аниқлаштирилади. Таъкидлаш лозимки, ушбу ҳолатда устуворлик масаласи қайси бир шахсийлаштириш воситасининг биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказилганлиги билан белгиланади. Ҳар бир шахсийлаштириш воситаси ўзига хос вазифани бажаради. Домен номи интернет тармоғидаги манзилни ва унда маълумотни шахсийлаштиради, фирма номи юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини, хизмат кўрсатиш белгиси хизмат кўрсатиш фаолияти турини (сартарошлик, тиббий хизмат), товар белгиси эса айни бир турдаги маҳсулотни шахсийлаштиради.

Шахсийлаштириш воситалари муомаласида уларнинг ўзаро зиддияти олдин ёки кейин пайдо бўлганлиги билан ва иккинчиси олдин пайдо бўлган белгининг кейин пайдо бўлган белгини тақдорлаши ҳолатида юзга келади. Масалан, “А” шахс “DOMESTO” товар белгисини кир ювиш қуқунини ишлаб чиқариш учун дастлаб рўйхатдан ўтказган, айни вақтда “Б” шахс ҳам устувор товар белгиси билан бир хил “DOMESTO.UZ” деб домен номини кейин рўйхатдан ўтказган бўлса, лекин домен номи сантехника хизматини кўрсатиш учун фойдаланилаётган бўлса, ушбу

ҳолатда товар белгиси ва домен номи ўртасида зиддият мавжуд бўлмайди ва “Б” шахснинг ҳатти-ҳаракатлари инсофсиз рақобат деб эътироф этилмайди.

Лекин, “DOMESTO” товар белгисининг эгаси “DOMESTOS.UZ” деб рўйхатдан ўтказган ва у ҳам сантехника хизматини кўрсатаётган бўлса, ушбу товар белгиси эгасининг ҳатти-ҳаракатларида инсофсиз рақобат аломатлари юзга келганлиги сабаб домен номи эгасининг талабига кўра “DOMESTOS.UZ” рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, ушбу ҳолатнинг акси тақдорланса ҳам инсофсиз рақобат аломатларини намоён қилади. Мазкур ҳолат 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддаси 1-қисми 2-бандида ўз аксини топган. Лекин, домен номини рўйхатдан ўтказишда товар белгиси билан бир хиллиги ҳолатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари кўрсатиб берилмаган. Ваҳоланки, 2008 йил 26 майдаги “UZ” домендаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 75-бандида домен номлари илгарироқ устуворликка эга бўлган домен номлари, товар келиб чиққан жой номи бўлган домен номлари, фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган домен номини рўйхатдан ўтказиш йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Бу ўринда домен номида товар белгисини рўйхатдан ўтказишда чекланмаганлиги боис товар белгилари ҳуқуқий мақомини хавф остига қўяди. Демакки, ушбу масалани тартибга солишдаги қонунчилик қондалари бирхиллаштирилиши лозим.

Мулкий муносабатларда ашёга нисбатан эғалик қилиш бирон бир муддат билан чегараланмайди ва айрим ҳолатларда мулкка эғалик қилишга ортиқча расмийлаштирилмаслиги йўл қўйилади. Товар белгиси шахснинг мулкий ҳуқуқлари тоифасига кирувчи номоддий восита саналсада унга эғалик қилиш маълум муддат билан чегараланади. Шу билан бирга, мулкий ҳуқуқларда бир шахснинг эғалигидаги мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг эғалик қилишга талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлмайди. Товар белгилари қонунчилигида эса мазкур қоида ўз аксини топган ва бунга йўл қўйилади. Ушбу қоида нафақат Ўзбекистон қонунчилигида балки, бошқа хорижий давлатлар товар қонунчилигида ҳам мавжуд. Моддий ашёдан фойдаланиш доираси ва субъектларига кўра чекланса, товар белгиларидан фойдаланишга кўра шахслар ва макон доираси чегараланмайди. Товар белгисидан бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ шахслар чегараланмаган доирада фойдаланиши мумкин. Лекин, товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини белгилаш масаласи товар белгиларидан фойдаланиш мақоми мазмунини нисбатан чегаралайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси 2-қисмида мутлақ ҳуқуқ эгаси лицензията товар белгисидан фойдаланиш чегарасини аниқ белгилаб бериши лозим. Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг (4-қисм) 1489-моддасида лицензия шартномасида товар белгисидан фойдаланиш ҳудуди белгиланиши ёки белгиланмаслиги ҳам мумкин. Товар белгисидан тегишли ҳудудда фойдаланиш талаби миллий қонунчиликка нисбатан Россия қонунчилиги диспозитив ёндашади. Яъники, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексига биноан, агар лицензия шартномасида товар белгисидан фойдаланиш ҳудуди кўрсатилмаган бўлса, демакки ушбу товар белгисидан Россиянинг бутун ҳудудида фойдаланиш мумкинлиги аниқлашади. Назаримизда, миллий қонунчиликда ушбу

қонданинг императив белгиланиши товар белгиси эгаси билан лицензиатнинг рақобатлашмаслигини белгилашга қаратилган. Лицензия шартномасига кўра, товар белгисидан фойдаланган ҳолда лицензиатнинг махсулот ишлаб чиқариши ва уни сотиш доираси маълум ҳудуд билан чегараланиб қолмайди. Лицензиатнинг ишлаб чиқарган товарини лицензиар фаолият олиб бораётган ҳудудда сотмаслиги масаланинг узил-кесил ҳал этилишига ечим бўла олмайди. Чунки, лицензиат товарни лицензиар ҳудудда сотмаса ҳам учинчи шахслар орқали лицензиар фаолият олиб бораётган ҳудудга кириб боради ва ўз-ўзидан лицензиар билан рақобатлашиш ҳолати юзага келади. Бу эса лицензиарнинг лицензиатга нисбатан эътирозларини пайдо қилади. Бу ўринда лицензиарнинг талаблари албатта ўринсиз. Чунки, лицензиат ўз ишлаб чиқарган махсулотларини тегишли ҳудудларда тарқалишини назорат қилиш имконига эга эмас.

Товар белгисига эгалик қилувчининг ҳуқуқий мақомини қўллашда Россия Федерацияси товар белгилари қонунчилиги қатъий талабни белгилайди. Унга кўра, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг (4-қисми) 1478-моддасига биноан товар белгиларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ асосида эгалик қилишга фақат юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор эга. Шунингдек, 2006 йил қабул қилинган, 2009 йил амалга киритилган "Товар белгилари қонуни тўғрисидаги Сингапур Шартномаси"да товар белгисининг эгаси бўлиб юридик ҳамда жисмоний шахс бўлиши мумкинлиги белгиланган (1-модда). Лекин ушбу Шартномада жисмоний шахснинг хусусияти аниқ очиб берилмаган. Демакки, мазкур қондага таяниб, жисмоний шахсни тадбиркорлик фаолиятини олиб бормаيدиган субъект деб ҳам тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси товар белгилари қонунчилигида Россия Федерацияси қонунчилигидан фарқли ўлароқ товар белгисига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам жисмоний шахсга, ҳам юридик шахсга тегишлидир. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги "Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4965-сонли қарори билан белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ 2001 йил 30 августдаги "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси 2-қисмида товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги қайд этилган. Лекин, 2009 йил 24 июндаги 1988-сонли "Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари"нинг 35-баъдида "товар белгисига талабнома топшириш ҳуқуқига юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс эгадир" деб белгиланган. Мазкур ҳолатда ҳам товар белгилари қонунчилиги бирхиллаштирилишига эҳтиёж мавжуд. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги ПҚ-4965-сонли қарорида ва "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси 2-қисмида товар белгисига нисбатан эгалик қилишда жисмоний шахсни эътироф этаётган бўлса, товар белгилари рўйхатдан ўтказилишини тартибга солиш 1988-сонли қондада товар белгисига бўлган ҳуқуқ жисмоний шахсга берилмаслиги қайд қилинган.

Тадбиркорлик фаолияти мақомига эга бўлмаган жисмоний шахснинг товар белгисига нисбатан эгалик қилиш мақсади аввало тегишли муддатда ишлаб чиқаришда фойдаланишдан иборатдир. Назаримизда, жисмоний шахснинг товар белгисига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини чекланган нисбий маънода тушуниш лозим. Яъни, маълум муддатда товар белгисини шахсийлаштирган шахс ишлаб чиқаришда фойдаланишни йўлга қўйиши лозим бўлади. Акс ҳолда, ушбу товар белгиси манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда жисмоний шахснинг товар белгисига нисбатан эгалик қилиш билан боғлиқ қонунчиликда алоҳида қоидалар белгилаш талаб этилади. Акс ҳолда бир жисмоний шахснинг икки ва ундан ортиқ товар белгиларига бўлган ҳуқуқлари пайдо бўлади. Бу эса учинчи шахслар учун устувор товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш имкониятини йўққа чиқаради. Албатта, товар белгиси бу мутлақ ҳуқуқ эгасининг мулки ҳисобланади. Демакки, ушбу

ҳуқуқ учинчи шахсларнинг асоссиз талабларидан муҳофаза қилиниши лозим. Лекин, рўйхатга олинган товар белгисининг бошқа бир хил ёки ўхшаш белгиларни рўйхатдан ўтказишда тўсиқларни юзага келтирганлиги сабаб муайян асосга кўра тартибга солинишга, тегишли асос бўлса ўзга манфаатдор шахсларнинг талаблари иноватга олиниши лозим. Бунда асосий ғоя товар белгисига бўлган ҳуқуқни олган жисмоний шахс ундан товар ишлаб чиқаришда фойдаланиши лозимлигини белгилашдан иборатдир.

Товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми қамрови жуда кенг. Бунга нафақат якка тартибдаги товар белгиси, балки жамоавий товар белгилари, ҳаммага маълум товар белгилари кабилар ҳам киради. Ушбу тоифадаги товар белгиларининг ҳам ҳуқуқий мақоми турлича қоидаларга кўра тартибга солинади. Масалан, ҳаммага маълум товар белгилари мутлақ устуворлик мақомига эга. Ушбу хусусиятдаги товар белгисига нисбатан шахснинг мутлақ ҳуқуқлари муддатсиз амал қилади. Оддий хусусиятдаги товар белгиларининг устуворлиги бир турдаги товарлардаги бир хил ёки ўхшаш белгиларга нисбатан қўлланилса, ҳаммага маълум товар белгиларининг ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларга нисбатан қўлланилади.

Гаров муносабатларида товар белгилари ҳуқуқий мақомини белгилаш амалдаги фуқаролик қонунчилигида айрим таҳлил этилиши лозим бўлган масалаларни ўртага қўяди. Бу аввало, товар белгиларини баҳолаш тартиби (афсуски, амалдаги қонунчиликда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш методикаси мавжуд эмас), товар белгисидан гаровга олувчининг фойдаланиш тартиби ва шартлари, гаровга олувчининг товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга тақдим этиш, товар белгисига бўлган ҳуқуқни гаровга қўйиш томонидан шартнома шартлари бажарилмаган ҳолатларда гаровга олувчининг мавжуд қарздорлиқни ундириш учун гаров нарсаси бўлган товар белгисига қаратиш тартиби ва шартлари мавжуд эмаслигида намоён бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмайдиган жисмоний шахснинг товар белгисига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги товар белгиси ҳуқуқий мақомини тўлиқ кўрсатиб бермайди. Ушбу мақом фақат эгалик қилиш билангина чекланади ҳолос. 2001 йил 30 августдаги "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 27-моддасида товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ қоидалар жисмоний шахснинг товар белгисига нисбатан ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга имкон бермайди. Тўғри, ушбу қонуннинг 27-моддасини 2-қисми учинчи бандидаги домен номида товар белгисининг ишлатилишини товар белгисига нисбатан ҳуқуқни амалга ошириш деб қонунчилик наздида қараш мумкинлиги. Лекин фактик жиҳатдан товар белгиси мақомини аниқлаштирмайди. Чунки, товар белгиси махсулотни шахсийлаштиради домен номини эмас.

Товар белгиси ҳуқуқий мақомининг зарурий белгиси ундан товар ишлаб чиқаришда фойдаланишдир. Ҳуқуқий мақом асосида тартибга солинадиган муносабатлар нафақат товар белгисидан фойдаланиш, балки унга эгалик қилувчининг ҳам алоҳида мақомини белгилайди. Товар белгисига нисбатан эгалик қилувчининг мақоми товар белгиси устуворлиги ҳисобига бошқа белгиларнинг ўз эгалигидаги товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш ҳолда фойдаланмаслик талабини қўйишда намоён бўлади.

Хожибой АДАШОВ,
мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анушкина А.Д., Белокопытова Н.Ю., Петров В.Д. Товарный знак как объект правовой охраны. Инновация и наука. 2016. №4 (53). – С.130.
2. Бутенко С.В. Введение потребителя в заблуждение как абсолютное основание для отказа в предоставлении правовой охраны товарному знаку: дис.... канд. юрид. наук: 12.00.03 / Бутенко Светлана Викторовна. – М., 2014 г.
3. Гаврилов Э.П., Еременко В.И.. Комментарий к части четвертой Гражданского Кодекса Российской Федерации. 2009. – С.554
4. Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари. – Т.: ТДЮИ наشري. 2011. – 5.141.
5. Комментарий к части четвертой Гражданского кодекса Российской Федерации (постатейный) / Э.П. Гаврилов, В.И. Еременко. – М.: Издательство "Экзамен", 2009. – С.819.

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛАМАЙ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, ЭГАЛЛАШ, САҚЛАШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ ЖИХАТЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий тушунчалари таҳлил қилинган. Хусусан, психотроп моддалар тушунчасининг қонуний таърифидаги бўшлиқлар, уларнинг тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий белгиларининг етарли даражада акс эттирилмаганлиги ёритилган. Шунингдек, тадқиқот натижасида аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, психотроп моддалар, уларни тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш тушунчаларига муаллифлик таърифлари таклиф этилган. Хорижий давлатлар тажрибаси асосида ушбу жиноятларни фарқлаш мезонлари белгиланган.

Калит сўзлар: психотроп моддалар, гиёхвандлик воситалари, аналоглар, қонунга хилоф тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, жиноят таркиби, квалификация қилиш, ҳуқуқий тартибга солиш, суд амалиёти.

Психотроп моддалар тушунчаси ҳам юқорида келтирилган гиёхвандлик воситалари каби муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 813-сон Қонуннинг 3-моддасида психотроп моддалар деганда, психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар тушунилиши белгиланган.

Фикримизча, мазкур қонунда кўрсатилган психотроп моддаларга берилган таърифда кўплаб жиҳатлар эътиборга олинмаган. Таърифда фақатгина психотроп моддаларнинг рўйхатга киритилганлиги ва келиб чиқиши кўрсатилган бўлиб, уларнинг муҳим хусусиятлари акс эттирилмаган.

Жумладан, психотроп моддаларнинг тиббий белгиси – инсон психикасига таъсир кўрсатиш хусусияти, марказий асаб тизимига таъсири, руҳий фаолиятни ўзгартириш қобилияти каби жиҳатлари қонуний таърифда ўз аксини топмаган. Олимлардан Н.А.Мирзаев бу борада қонундаги таърифда психотроп моддаларнинг тиббий мақсадларда қўлланилиши ва суиистеъмол қилиниши оқибатида юзага келадиган ҳолатлар кўрсатилмаганлигини тўғри таъкидлаган.

Шунингдек, психотроп моддаларнинг ижтимоий хавфлилик белгиси, яъни, нотиббий мақсадларда қўлланилганда қарамлик ҳолатини келтириб чиқариши ва жамият учун хавф туғдириши каби муҳим жиҳатлари ҳам таърифда акс эттирилмаган. Бу борада Д.М.Миразов тўғри таъкидлаганидек, бу моддаларнинг жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи хусусиятлари таърифда ўз ифодасини топмаган.

Қонунда кўрсатилган таърифда психотроп моддаларнинг ҳуқуқий белгилари ҳам тўлиқ акс эттирилмаган. Бу борада Б.Ж.Ахров томонидан билдирилган “.....таърифда психотроп моддаларни назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг муомаласини чеклаш ва тақиқлаш механизмлари, препаратлардан фарқлаш мезонлари акс этмаган” деган фикрларига тўлиқ қўшиламиз.

Қонундаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида, психотроп моддалар тушунчасини такомиллаштириш лозим, деб ўйлашимиз. Бунда психотроп моддаларнинг тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий белгилари акс эттирилиши керак

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Гиёхвандлик ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган “психотроп моддалар” тушунчасига қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини таклиф этамиз:

Психотроп моддалар – инсоннинг марказий асаб тизимига психоактив таъсир кўрсатувчи, руҳий фаолиятни ўзгартирувчи,

суиистеъмол қилиниши натижасида қарамлик ҳолатини келтириб чиқарувчи, махсус рўйхатларга киритилган моддалар ва препаратлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар аналоглари тушунчасига оид ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш натижасида муайян номувофиқликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Хусусан, “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида ҳамда Жиноят кодексининг VIII бобида берилган таърифлар бир-бирига тўлиқ мос келмайди.

Биринчи ҳолатда “гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари” тушунчаси умумий тарзда берилган бўлса, Жиноят кодексига фақат “гиёхвандлик воситаларининг аналоглари” тушунчаси келтирилган. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 43 та нормасида “гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар” жумласи қўлланилган.

Бу ҳолат ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли жиҳатлардан таҳлил қилинган. Хусусан, З.С.Зариповга кўра, “.....қонундаги мавжуд бўшлиқ жиноят содир этган шахсларга ўз қилмишлари учун жавобгарликдан қочиш имкониятини бермоқда”.

Л.М.Алимова эса муаммони кенгрок доирада, яъни халқаро ҳамкорлик нуктаи назаридан таҳлил қилиб, бу ҳолат нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқий муносабатларда ҳам қийинчиликлар туғдиришини таъкидлайди. А.Р.Тошпўлатов мазкур масаланинг процессуал жиҳатига эътибор қаратиб, психотроп моддалар аналогларини аниқлаш ва тадқиқ этишда муаммолар юзага келишини кўрсатиб ўтади.

Фикримизча, қонунчиликдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун психотроп моддалар аналоглари тушунчасини ҳуқуқий тартибга солишни назарий, қонунчилик ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш талаб этилади.

Қонун нормаларини таҳлил қилиш жараёнида яна бир муҳим масала— гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш тушунчасининг етарли даражада аниқ эмаслиги кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарорининг 13-банди биринчи хатбошида мазкур тушунчага қуйидагича таъриф

берилган, “гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш деганда, қонунчиликни бузган ҳолда таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлардан, доривор, кимёвий ва бошқа моддалардан фойдаланиш ёки истеъмол қилишга тайёр бир ёки бир неча гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар олиниши тушунилиши лозим”.

Фикримизча, бу таърифда мазкур тушунча билан боғлиқ бир қатор муҳим жиҳатлар тўлиқ қамраб олинмаган. Биринчидан, таърифда “қонунчиликни бузган ҳолда” деган ибора ишлатилган бўлса-да, қандай қонун нормалари бузилиши аниқ кўрсатилмаган. Иккинчидан, тайёрлаш усуллари сифатида фақат ўсимликлар, доривор ва кимёвий моддалар билан чекланиб қолган. Учинчидан, “бошқа моддалар” тушунчаси ҳам ноаниқ. Тўртинчидан, “истеъмол қилишга тайёр” ҳолат қандай аниқланиши масаласи ҳам очиқ қолиб кетган. Бешинчидан, мазкур таърифда “олиниши” сўзининг қўлланилиши ҳам баҳсли ҳисобланади, деб ўйлаймиз, чунки Жиноят кодексининг 276-моддасида олиш ҳақида эмас, балки тайёрлаш ҳақида ёритилган.

Бу каби ноаниқликлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиддий муаммоларни келтириб чиқариш билан биргаликда жиноятларни тўғри квалификация қилиш, жиноят таркибини аниқлаш ва тегишли жазо чораларини қўллашда қийинчиликларни юзага келтиради.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш тушунчаси бўйича олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш асосида бир неча йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи гуруҳ олимлар жиноятнинг субъектив томонига эътибор қаратган. Ahmad Rahman яқка тартибдаги ва уюшган гуруҳлар томонидан тайёрлашни фарқлаш лозимлигини таъкидлаган бўлса, Hans-Heinrich Jescheck жиноят таркибини аниқ мезонлар асосида белгилаш зарурлигини кўрсатган.

М.К.Сыдыков эса миқдор кўрсаткичларини инобатга олиш лозимлигини билдирган.

Иккинчи гуруҳ олимлар сифат кўрсаткичларига урғу берган. Takeshi Sato моддаларнинг тозалик даражаси ва концентрациясини инобатга олиш зарурлигини кўрсатган бўлса, Б.Х.Пўлатов сифат кўрсаткичлари ва таъсир кучини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлаган. Ф.М.Мухитдинов эса моддаларнинг концентрацияси ва таъсир кучини инобатга олиш зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Учинчи гуруҳ олимлар эса комплекс ёндашувни таклиф этган.

Robert L. DuPont прекурсорларни олиш жараёнини, А.Р.Тошпўлатов замонавий кимёвий технологияларнинг қўлланилишини, М.А.Ражабова эса моддаларнинг тури ва хусусиятларини инобатга олиш зарурлигини таъкидлаган.

Комплекс ёндашувни таклиф этган олимларнинг фикрини қўллаб-қувватлаймиз. Сабаби, улар тайёрлаш тушунчасини шакллантиришда прекурсорларни олиш жараёни, замонавий кимёвий технологияларнинг қўлланилиши, моддаларнинг тури ва хусусиятлари каби барча жиҳатларни биргаликда инобатга олиш лозимлигини таъкидлаганлар. Айнан бундай ёндашув тайёрлаш тушунчасини тўлиқ ва ҳар томонлама очиб бериш имконини беради.

Олимларнинг илмий қарашлари ва ўтказилган социологик сўровномалар таҳлили натижасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини таклиф этамиз:

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда

тайёрлаш - бу махсус рухсатнома ёки лицензиясиз, белгиланган талабларни бузган ҳолда, табиий ёки синтетик усулда, шу жумладан ўсимликлардан, доривор, кимёвий ва бошқа моддалардан фойдаланиб, шахсий истеъмол учун инсон организмига психоактив таъсир кўрсатувчи, қарамлик келтириб чиқарувчи, соғлиққа зарар етказувчи бир ёки бир неча гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини тайёрлаш жараёнидир.

Юқоридаги таҳлиллар билан бир қаторда, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда эгаллаш тушунчасида ҳам бир қатор муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарорида мазкур масала юзасидан бир қанча тушунтиришлар берилган. Жумладан, қарорнинг 20-бандида эгаллаш учун жавобгарлик масаласи, эгаллашнинг турли усуллари бўйича квалификация қилиш тартиби ҳамда мақсадни аниқлаш зарурлиги ҳақидаги қоидалар белгиланган.

Бироқ, на Жиноят кодексига, на Пленум қарорига, на юридик адабиётларда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда эгаллаш қачон юзага келиши мумкинлиги ҳақида аниқ белгиланмаган. Шунингдек, суриштирув ва тергов органлари томонидан бу норма бўйича шахсни жавобгарликка тортиш асослари ҳам етарлича ёритилмаган.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда эгаллаш тушунчасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида социологик сўровнома ўтказилди.

Респондентларнинг 50 фоизи эгаллаш тушунчасининг қонунчиликда аниқ шакллантирилмаганлигини, 40 фоизи эса мазкур жиноятлардаги эгаллаш ва сақлаш тушунчаларини фарқлашдаги қийинчиликларни, қолган 10 фоизи эса бошқа сабабларни келтириб ўтган.

Олимлар томонидан билдирилган фикрлар, сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, эгаллаш тушунчасининг қонунчиликда аниқ шакллантирилмаганлиги ҳамда бу жиноятларни тергов қилишда эгаллаш ва сақлаш тушунчаларини бир-биридан фарқлашдаги қийинчиликлар энг долзарб муаммолар ҳисобланади. Бу эса мазкур тушунчани такомиллаштиришда айнан шу жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Фикримизча, амалиётда юзага келаётган бу каби муаммоларни ҳал этиш учун биринчи навбатда қонунчиликда тушунчанинг аниқ таърифини бериш, эгаллаш ва сақлаш тушунчаларини фарқловчи мезонларни белгилаш ҳамда квалификация қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда эгаллаш тушунчасини таҳлил қилиш жараёнида сақлаш тушунчасида ҳам бир қатор ҳуқуқий муаммолар мавжудлигини кузатиш мумкин ва ушбу моддаларни эгаллаш ва сақлаш жиноятларини фарқлаш масаласида ҳам олимлар турли ёндашувларни илгари сурмоқдалар.

М.Х.Рустамбаев ва Қ.Р.Абдурасулова вақт омилини асосий мезон сифатида кўрсатиб, узоқ муддатли эгалик қилишни сақлаш, қисқа муддатли эгалик қилишни эса эгаллаш сифатида квалификация қилиш лозимлигини таъкидлайди. Бироқ, бу фикрларга қўшилиб бўл-

майди, чунки вақт омили жиноятларни фарқлашда етарли эмас. Айрим ҳолатларда қисқа муддатли эгалик қилиш ҳам сақлаш жиноятини ташкил этиши мумкин бўлса, айрим ҳолатларда узоқ муддатли эгалик қилиш эгаллаш жиноятини ташкил этиши мумкин. Бундан ташқари, амалиётда ҳар доим ҳам вақтни аниқлаш имконияти бўлмайди.

А.С.Ёқубов, А.В.Федоров, Е.И.Каиржановлар томонидан таклиф этилган назорат ўрнатиш даражаси, сақлаш жойи ва усули каби мезонларга эътибор қаратиш фикрига қисман қўшилиш мумкин. Бирок, бу мезонлар ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда икки жиноят таркибини бир-биридан фарқлаш имконини тўлиқ бермайди.

Л.М.Алимова ва А.И.Коробеевларнинг комплекс ёндашуви эса тўлиқ қўллаб-қувватлашга лойиқ. Уларнинг фикрича, биринчи навбатда объектив мезонлар - сақлаш жойи, усули, моддалар миқдори, сақлаш шароитлари, қадоқланиш тури ва яширилганлик даражаси инобатга олинади лозим. Шу билан бирга, субъектив мезонлар - айбдорнинг мақсади, қасднинг йўналиши ва ҳаракатларнинг мотиви ҳам таҳлил қилиниши керак. Бу ёндашув вақт билан боғлиқ мезонларни ҳам қамраб олиб, ҳар бир ҳолатни комплекс баҳолаш имконини беради.

Айнан шундай тизимли ёндашув орқали сақлаш ва эгаллаш жиноятлари ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш ҳамда жиноятларни тўғри квалификация қилиш мумкин бўлади.

Бу борада хорижий давлатлардан Япония, Германия, Сингапур давлатлари тажрибасида “эгаллаш” ва “сақлаш”ни бир-биридан фарқлашда эгаллашда дастлабки қўлга киритганлик ҳолатини, сақлашда эса тасарруф этиш, сақлаш учун шароитлар яратиш ҳолатлари назарда тутилган.

Олимлар томонидан билдирилган фикрлар, хорижий давлатлар тажрибаси ва ўтказилган социологик сўровномалар натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори (2017 й)нинг 20-бандини қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбошиси билан тўлиришни таклиф этамиз:

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда эгаллаш - бу шахснинг махсус рухсатномасиз гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини шахсий истеъмол мақсадида дастлабки марта қўлга киритиш жараёнидир. Бу жараён моддаларни илк бор ўз назоратида олиш пайтидан то уларни сақлаш учун шароит яратишгача бўлган даврни қамраб олади.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори (2017 й)нинг 6-бандини қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбошиси билан тўлдиришни таклиф қиламиз:

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда сақлаш - бу шахснинг махсус рухсатномасиз гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини шахсий истеъмол мақсадида сақлаш учун шароит яратиш ва уларни ўз тасарруфида сақлаб туриш жараёнидир. Бу жараён моддаларни сақлаш учун шароит яратилган пайтдан бошланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш жиноятларининг тушунчаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

биринчидан, қонунчиликда бу жиноятлар тушунчаси етарли даражада шакллантирилмаганлиги амалиётда муаммолар туғдирмоқда. Хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили комплекс ёндашув асосида жиноят таркибларининг тушунчасини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

иккинчидан, ривожланган давлатлар қонунчилигида тайёрлашнинг жараён сифатида белгиланиши, эгаллашнинг дастлабки қўлга киритиш босқичи ва сақлашнинг назорат ўрнатиш имконияти билан боғлиқ ҳолатлар сифатида фарқланиши амалиётда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шу сабабли, миллий қонунчилигимизда ҳам ушбу жиноятлар тушунчасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, уларни фарқловчи мезонларни аниқ белгилаш лозим. Бу эса амалиётда ушбу тоифадаги жиноятларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд органлари томонидан тўғри квалификация қилиш, далилларни тўплаш ҳамда терговни сифатли ва самарали олиб бориш имконини беради.

Шахзод СУЙОНОВ,

Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзоев Н.А. Психотроп моддаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши. // Ҳуқуқ ва бурч. 2021. №5. – Б.33.
2. Миразов Д.М. Психотроп моддалар муомаласининг ҳуқуқий тартибга солиниши. // Ҳуқуқ ва бурч. 2020. №4. Б.25.
3. Ахбаров Б.Ж. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б.42.
4. Зарипов З.С. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш. // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2020. №3. – Б.56.
5. Алимова Л.М. Психотроп моддалар муомаласини назорат қилишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари. // Давлат ва ҳуқуқ. 2021. №8. – Б.38.
6. Тошпўлатов А.Р. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг суд-тиббий экспертизаси. // Ҳуқуқшунослик масалалари. 2020. №4. – Б.45.
7. Гофуров Ф.Ш. Психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. // Ўзбекистон ҳуқуқ бюллетени. 2021. №5. – Б.52.
8. Тожиходжаев У.А. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик жиҳатлари. // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2020. №6. – Б.63.
9. Rahman A. Drug Manufacturing in Southeast Asia: Legal Challenges. // Asian Law Review. 2021. №6. p.178.
10. Jescheck H.-H. Lehrbuch des Strafrechts: Allgemeiner Teil. Berlin, 2020. p.248.
11. Сыдыков М.К. Борьба с незаконным оборотом наркотических средств. // Вестник права. 2020. №8. С.45.
12. Sato T. Analysis of Illegal Drug Manufacturing in Japan. // Journal of Criminal Law. 2020. №8. p.245.
13. Пўлатов Б.Х. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик масалалари. // Давлат ва ҳуқуқ. 2020. №6. – Б.52.
14. Мухитдинов Ф.М. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг тергов хусусиятлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – Б.82.
15. DuPont R.L. The New Synthetic Drug Challenge. Center City, Minnesota: Hazelden. 2019. p.134.
16. Тошпўлатов А.Р. Гиёҳвандлик воситалари экспертизасининг процессуал масалалари. // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2020. №7. – Б.42.
17. Ражабова М.А. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2021. №5. – Б.38.
18. Курченко В.Н. Противодействие незаконному обороту наркотических средств. // Законность. 2020. №5. С.42.
19. Тўлаганов И.М. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг квалификация масалалари. // Ҳуқуқ ва бурч. 2021. №8. – Б.54.
20. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б.197.
21. Каиржанов Е.И. Уголовное право Республики Казахстан (Особенная часть). Алматы, 2017. с.244.
22. Зарипов З.С. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш. // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2020. №3. – Б.60.
23. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б.204.

ЖАРИМА ЖАЗОСИ ВА УНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Жарима жазоси – бу давлат томонидан мажбурият чораси сифатида жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга иқтисодий жиҳатдан таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган. Айнан шу сабабга кўра жазонинг мазкур тури ЖКда назарда тутилган жазолар ичида энг енгили деб тан олинади.

Жарима - суд томонидан ЖКда белгиланган чегаралар доирасида ва жиноятни содир этиш пайтига қадар қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг муайян қисмига тенг бўлган, давлат фойдасига мажбурий ундирилаётган пул тўловидир.

Қонун чиқарувчи ва суд амалиёти жариманинг қўлланилиши жазо мақсадларига эришишнинг самарали чораларидан бири деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан Олий суд инстанцияси судларга “жарима жазосини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам (агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса) кенгроқ қўллаш”ни тавсия этади.

ЖК 44-моддаси 1-қисми ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, фақат пулни ундириш жарима деб ҳисобланади. Шундай қилиб, давлат томонидан мажбур қилишнинг шу чорасини қўллашда суд ўз ҳукмида айбдор шахсга нисбатан тайинланган нафақат базавий ҳисоблаш миқдорининг умумий сонини, балки ундирилаётган пул тўловининг меъёрини ҳам аниқ кўрсатиши шарт. Бунда жариманинг пул билан ифодаланишини ҳисоблаб чиқиш, шахс томонидан жиноятни содир этиш пайтида мавжуд бўлган базавий ҳисоблаш миқдори асосида амалга оширилишини назарда тутиш лозим.

Ушбу модданинг 2-қисмида жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача оралиқда қўлланилиши белгиланган. Мазкур чегаралар ЖК махсус қисми тегишли моддасининг санкцияси доирасида суд томонидан айбдор учун тайинланиши мумкин бўлган жазо чегараларини ташкил этади (масалан, меҳнат қилиш ҳуқуқини бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда бўлган жарима билан жазоланади 148-моддаси). Хусусан, модда санкцияларида жариманинг энг кам миқдори кўрсатилмаган ҳолларда (масалан, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача бўлган миқдордаги жарима билан жазоланади - ЖК 149-моддаси), унинг куйи чегарасига амал қилишга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Бундай ҳолларда жариманинг энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак, чунки ЖК 44-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жариманинг чегаралари умуммажбурий хусусиятларга эга ва гарчи суд ЖК 57- моддасига мувофиқ енгилроқ жазони тайинлайдиган бўлса ҳам қонунда белгиланган чегаралардан ортиқ жазони маҳкумга тайинлашга ҳаққи йўқ.

ЖК Махсус қисми муайян моддасининг санкциясига мувофиқ жиноятни содир этган айбдор шахс учун суд томонидан жарима тайинланишида содир этилган жиноят оғирлигининг даражасидан ва маҳкумнинг моддий аҳволидан келиб чиққан ҳолда жарима миқдори белгиланиши керак. Олий суд инстанциясининг кўрсатмасига биноан, “жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва шу кабилар инobatта олиниши лозим”.

Маҳкумнинг моддий аҳволини баҳолашда маҳкумнинг қонун томонидан тақиқланмаган ҳар қандай манбалардан олинadиган даромадлари, мулкчилик ёки хўжалик юритиш учун ва шуларга тенг

тарзда ижара асосида айбдорга қарашли мулкнинг мавжудлиги, муайян шахслар, яъни вояга етмаган болаларнинг маҳкум қарамоғида бўлиши ва маҳкумнинг ўз мулкни учинчи шахслар ихтиёрига топшириш мажбуриятлари мавжудлиги масалан, маҳкум зиммасидаги алиментларни тўлаш, ҳаётга ва саломатликка келтирилган зарарни қоплаш, солидар, бюджет ҳамда бошқа хил мажбурий тўловларни амалга ошириш мажбуриятларининг мавжудлиги каби омиллар инobatта олиниши лозим.

ЖК Махсус қисми тегишли моддаси таркибидаги санкция доирасида тайинланадиган жариманинг аниқ миқдорини белгилаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жарима меъёри жазони шахсийлаштириш учун имконият берувчи мезон эканлиги жиҳатида суд алоҳида эътибор қаратиши керак. Шу муносабат билан жариманинг аниқ миқдорини танлаш, бир вақтнинг ўзида, маҳкумни қашшоқ қилмай, мазкур жазонинг ижро этилишини ва шу билан бир вақтда жаримани пул тўлаш орқали жамоатчиликнинг норозилигидан қутулиш воситасига айлантирмасликни таъминлаши керак.

Жарима ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой мобайнида тўланиши керак. Акс ҳолда, айбдорнинг мазкур жазо турини ижро этишдан бош тортиши тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши лозим.

Узрли сабаблар (жаримани тўлаш учун пул воситаларининг мавжуд эмаслиги, хасталик, узоқ муддатли хизмат сафари) га кўра ва шунингдек, агар ЖПК 533-моддаси тартибида суд томонидан жарима тўловини амалга ошириш муайян муддатгача қузилган ёки уни қисмларга бўлиб тўлаш қарори чиқарилган ҳолларда мазкур тўловнинг амалга оширилмаганлиги жазони ижро этишдан бош тортиш деб тан олинмайди.

Маҳкум томонидан жаримани тўлашдан бош тортиш ҳолатининг аниқланиши ёки мажбурий ижро учун белгиланган муддат давомида қарздор мулкига нисбатан ундириш чораси қаратилиши мумкин бўлганда ушбу мулкни ундириш имкониятининг мавжуд эмаслиги ҳолатида ва шунга тенг тарзда тўлов муддатининг тугашигача жариманинг тўланмаганлигида ёки жарима тўловини қисмларга бўлиб тўлаш шартларини бузиш ҳолатида мазкур маҳкумга нисбатан ҳукмни чиқарган суд тўланмаган жарима миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум этиш чоралари билан алмаштириши мумкин. ЖК 44-моддаси 3-қисмига кўра “Бу ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридagi жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, ёхуд озодликдан маҳрум этиш чораларининг ҳар бир оyi базавий ҳисоблаш миқдорнинг ўн олти бараваридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланади”. Бунда тўланмаган жарима миқдорини юқорида кўрсатилган жазоларнинг фақат битта турига алмаштиришга йўл қўйилади, яъни уни юқорида санаб ўтилган жазоларнинг бир нечаси билан алмаштириш мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, тўланмаган жариманинг бошқа қисмига нисбатан маҳкумнинг янгидан ижро этиши шарт бўлган ҳолда, мазкур жариманинг фақат бир қисмини бошқа жазо тури билан алмаштириб бўлмайди.

Жаҳонгир АЛИМБЕКОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатимиз тараққиёти, жамиятимиз ривожини белгилаб беришда ўзига хос дастуриламалдир.

Бундан ташқари, Конституцияда фуқаролар ва юридик шахслар томонидан, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли экани сингари қонданинг акс эттирилгани фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати бўлди.

Конституциямизнинг 136-моддасида судьяларнинг мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунларга бўйсунуши, муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги ҳамда дахлсиз эканлиги борасидаги меъёр мустаҳкамланди.

Қайд этиш жоиз, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши тамойилини амалга оширишга қаратилган қонунлар юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ҳаётга татбиқ этила бошлади. Хусусан, 1994 йилда қабул қилинган Жиноят, Жиноят процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодекслари, “Судлар тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид айрим фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари шулар жумласидандир. Хусусан, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий норманинг ҳаётда тўла ўз инъикосини топишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда имзоланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Машҳур француз ёзувчиси Виктор Гюго (1802-1885) адолатдан юқори нима бор?, дея риторик савол бериб, унга ўзи қисқа жавоб қайтаради: “Одиллик”. Албатта, виждон иши бўлган одил судловни адолат билан амалга оширишда судьяларнинг қўни масаласи ўта муҳим жиҳат саналади. Ҳаракатлар стратегиясида зикр этилгани сингари судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини ва сўнг муддатсиз даврининг белгиланиши судлар мустақиллигига катта таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, судьяларнинг лавозимига навбатдаги муддатга, кейинчалик эса ҳатто муддатсиз даврга қайта сайланиши ёки тайинланишига бўлган интилиш ва рағбат уларни ўз вазифасига нисбатан профессионаллик билан ёндашишга, виждонан, ҳалол ва намунали ишлашга ундайди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтсак. Янгиланган Конституцияда давлат судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаши, судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилиши ва суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши судьяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмаслиги каби нормалар киритилди.

Янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитлар асосида мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва ислохотларни янада янги босқичга олиб чиқиш мақсадида яқинда яна бир муҳим ҳужжат эълон қилинди. 2024 йил 21 февралда қабул қилинган Президентимизнинг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга

оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари иноватга олинган ҳолда амалга ошириладиган муҳим ислохотлар ва асосий тадбирлар назарда тутилди. Айниқса, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш сингари вазифалар шулар жумласидандир.

2024 йил 10 июнь куни давлатимиз раҳбарининг “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан 2025 йил 1 январдан мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида тергов судьялари жорий этилиши белгиланди. Фармонга мувофиқ, тергов судьялари қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш, паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, мол-мулкни хатлаш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, у ерда бўлиши муддатини узайтириш, ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатга қадар узайтириш ҳамда гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш сингари ваколатларга эга бўлади.

Янги институт одил судловни амалга оширувчи судьяларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бир қатор органлар — терговга қадар текширув, суриштирув, тергов идоралари ва прокурорга боғлиқлигига чек қўйиб, амалда кузатилаётган айрим қонунбузишларнинг олдини олади. Шунингдек, жиноят ишларини кўриш жараёнида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиш, судланувчиларнинг барча важдларини ўрганиш ва тарафлар томонидан келтирилган илтимосномаларни батафсил назардан ўтказиш имконини беради. Бу омиллар эса тергов судьяларининг мустақиллиги билан бир қаторда судга қадар тергов жараёнларида ҳолисликни таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда айниқса, янги тахрирдаги Конституция ва унинг негизда қабул қилинаётган қонунлар, қонуности меъёрий ҳужжатлар мустаҳкам замин яратмоқда. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги таъминланиб, судьялар дахлсизлиги ҳамда одил судлов тизимининг конституциявий асослари мустаҳкамланиши эса ислохотларнинг провард мақсади саналган “Инсон қадри учун” гоясига тўла ҳамоҳангдир. Зеро, одил судлов қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришда муҳим аҳамият касб этади.

Муродалли ДЖУРАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК МАСАЛАСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада васият бўйича вориблик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати кўриб чиқилган. Вориблик жараёнидаги ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш ва ҳуқуқий муносабатларни самарали ташкил этиш учун қонунлар янги талабларга мослаштирилиши зарур. Ушбу тадқиқотда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар, муаммолар ва уларни ҳал этиш усуллари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: васият, вориблик ҳуқуқи, қонун ҳужжатлари, меросхўр, вориблик, қонунчилик, механизмлар, ҳуқуқий нормалар.

Вориблик ҳуқуқи ҳар бир давлат фуқаролик ҳуқуқининг муҳим ва ажралмас қисмини ташкил этади. Ушбу соҳадаги қонунлар инсонлар ўртасидаги мулк муносабатларини, хоҳиш-иродасини ва меросни тақсимлаш жараёнини ўрнатишга қаратилган. Ҳар бир инсоннинг ҳаётининг сўнгги босқичида ўзига тегишли мол-мулкни кимга қолдиришини белгилаш ҳуқуқи бор ва бу давлат қонунлари билан тартибга солинади.

Васият бўйича вориблик ҳуқуқи инсоннинг шахсий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Васиятнома орқали инсон ўз мулкни кўрсатилган шахсларга ёки ташкилотларга тақсимлаш имкониятига эга. Аммо, баъзи ҳолларда васиятнома ижроси шахсий иродадан кўра қонунларнинг талабига мувофиқ бўлиши керак. Кўпгина давлатлар қонунларида мажбурий улушлар мавжуд, яъни фарзандлар ва турмуш ўртоқларига нисбатан максимал улуш сақланади.

Ҳозирги кунда, ҳар бир давлатдаги мерос ва васиятнома билан боғлиқ ҳуқуқий тизимлар муайян даражада эскирган. Жамиятдаги ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги янгиланган, технологияларнинг ривожланиши натижасида вориблик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга эҳтиёж бор. Хусусан, электрон васиятномалар ва уларни расмийлаштириш механизминини ишлаб чиқиш ва ушбу жараёни тартибга солиш учун қонунларда янгиланишлар киритиш зарур.

Ҳозирги замон технологиялари асосида фуқаролар электрон васиятномаларни тузиш имкониятига эга бўлиши керак. Электрон имзо ва онлайн ҳужжатлар орқали васиятнома тузиш фуқароларга ўз иродасини ифодалашда қўшимча эркинлик ва қулайлик яратади.

Электрон васиятнома тузиш натижасида барча ҳужжатлар рақамли архивда сақланади. Бу уларнинг йўқолиши ёки зарарланиш хавфини камайтириб келажакда тез ва осон топиш имкониятини яратади.

Вориблик ҳуқуқини ўрганар эканмиз, аксарият давлатларда васият ва қонун бўйича вориблик институтидан ташқари мерос шартномаси ҳам мавжуд. Мерос шартномаси — инсоннинг вафотидан кейин унинг мол-мулкни тақсимлашга оид шартномавий қарор бўлиб, бу институти қонунчиликка киритиш бир қатор ижобий натижаларни келтириши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бу шартнома орқали фуқаро ўз мол-мулкларини қандай тақсимлашини, кимга қанча қисmini беришини аниқ белгилайди. Натижада меросга оид низоларнинг олди олинади ва вориблик орасидаги турли хил келишмовчиликлар камайтирилади. Бу эса ўз навбатида судлар ва адвокатлар зиммасидаги ишларни ҳам камайтиради.

Мерос шартномаси орқали фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ва аниқ белгиланган тартибда ифодалаш имконига эга бўлади. Бу айниқса оилавий муносабатлар ёки махсус шартлар билан боғлиқ ҳолатларда муҳим саналади.

Мерос шартномаси, айниқса, катта миқдордаги мол-мулк ва мураккаб мулк тузилмаларига эга бўлган шахслар учун самарали инструмент бўлиши мумкин. Мисол учун, ёш болаларга катта мол-мулк қолдирилган оилавий мулкларни тақсимлашда, мерос шартномаси орқали узоқ муддатли бошқарув механизмларини жорий қилиш мумкин. Бу мол-мулк ўз муддатида қонунан белгиланган тартибда тақсимлашини таъминлайди.

Мерос шартномаси институти қонунчиликка киритиш, фуқароларга ўз иродасини эркин ва аниқ тартибда ифодалаш имконини беради. Бу ижобий ўзгаришлар оилавий ҳуқуқларда, иқтисодий қарорлар олишда ва юридик барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон қонунчилигида мерос шартномаси (мерос бўйича шартнома) алоҳида юридик институт сифатида ўрнатилмаган. Лекин, васиятнома билан боғлиқ қонун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар фуқароларга ўз иродасини мол-мулк тақсимоли бўйича ифодалаш имконини беради.

Мерос шартномаси институти жорий қилиш учун қонунчиликда аниқ тартиб ишлаб чиқиш зарур. Бу бир томондан, инсонларга ўз иродасини аниқ ва эркин изоҳлаш имкониятини бериши ва иккинчи томондан, қонун доирасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиши керак.

Қонунчиликда мерос шартномасини тузишга имкон берадиган аниқ ва маълум асослар бўлиши зарур. Бунинг учун, мерос шартномаси аниқ ҳуқуқий ҳужжат сифатида тан олинади, яъни шартноманинг ўзи мустақил ва мустақил ҳуқуқий ҳужжатларга олиб келиши керак.

Шунингдек, мерос шартномаси тузишнинг шакллари қонун ҳужжатлари орқали аниқ белгиланиши лозим. Шартнома ёзма шаклда, нотариал тасдиқланган тартибда тузилиши ва унинг амал қилиш жараёнида бекор қилиниши ёки ўзгартрилиши тартиби аниқ белгиланиши керак.

Фуқаролик кодекси 1128-моддасида хавфсизликни таъминлаш жиҳатидан ҳам васиятноманинг сир сақланиши умумий қонунда белгиланган. Унга кўра нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунини, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартрилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Васиятнома матни махфий бўлиши шарт экан, демак васиятнома тузилишида иштирок этганлар шахсининг сир сақланишини таъминлаш ҳам лозим. Шу боис, қонунчиликка васиятномага имзо қўйган учинчи шахс ошкор қилинмаслиги ва ушбу шахс томонидан васиятнома мазмунини ҳақида маълумотлар сир сақланишига доир ҳуқуқий асослар яратилиши керак.

Васият бўйича вориблик ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш замон талабларига мувофиқ муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мерос қолдириш ва вориблик ҳуқуқлари инсоннинг шахсий иродасини ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш мақсад қилиб қўяди. Шу билан бирга, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва янги ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш вориблик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Барно КАСИМХОДЖАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 2-қисм. 29.08.1996 йил.
2. “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Тошкент ш., 1996 йил 26 декабрь, 343-сон.
3. Вориблик ҳуқуқи. Амалий қўлланма / Х.Ёдгоров, А.Салаев, С.Назруллаева. Baktra press нашриёти, Тошкент - 2017 й. 236-б. 37-бет.

ЖИНОЯТ ИШИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят ишларини апелляция тартибида юритиш, ушбу инстанциянинг ваколатлари, унда иш юритишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, апелляция инстанция судида шахс ҳуқуқларини таъминлаш тушунчаси, суд муҳокамасининг доирасига оид ҳуқуқий асослар, амалий муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: апелляция инстанцияси, биринчи инстанция суди, суд тергови, илтимоснома, қўшимча материаллар.

Апелляция инстанцияси суди қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишга қаратилган. Умумий юрисдикция судлари тизимида бундай судлар сифатида қуйи бўғин судларига кирмайдиган юқори турувчи судлар иш кўради.

Апелляция инстанция судида иш юритиш қоидалари кўп жиҳатдан биринчи инстанция судида иш юритишга ўхшаш. Хусусан, ЖПКнинг 484-моддасига мувофиқ, апелляция тартибида иш кўрувчи суд иш шикоят ёки протест билан келиб тушган кундан эътиборан ўн беш суткадан кечиктирмай ишни кўриб чиқишга киришиши керак. Агарда иш ўта мураккаб бўлган тақдирда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин. Бундан ташқари бошқа тартиб-қоидалар ҳам биринчи инстанция судида иш юритиш билан деярли бир хил. Шу билан бирга, апелляция инстанция судида иш юритишдан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуд: 1) апелляция судлов ҳайъатининг маърузаси; 2) процесс иштирокчиларининг тушунтиришлари; 3) қўшимча материалларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш; 4) суд мажлисида бевосита ўрганилиши керак бўлган далиллар ҳажмини аниқлаш.

Процессуалист олимлар апелляция институтининг мазмун-моҳияти юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Д.Ж.Суёнованинг ёзишича, “Апелляция тартибида иш юритишнинг вазифаси кўп режали бўлиб, моддий ва процессуал қонунчиликка риоя қилиш, уни ижро этиш ва қўллашга доир қуйи турувчи судлар амалиётининг шаклланишига таъсир кўрсатиш учун биринчи инстанция судида йўл қўйилган хатоларни тузатишдан иборат бўлиб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир”. З.Х.Охуновага кўра, “...апелляция берилишининг тартиби амалдаги қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган бўлиб, қарордан норози томон белгиланган муддат ўтгунга қадар апелляция бериш ҳақида арз қилади”. У.А.Тухташева эса “...апелляция тартибида иш юритиш – биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган қарорларига доир шикоятлар ва протестларга нисбатан, бунда ҳуқуқ масалалари ҳам, факт масалалари ҳам шикоят қилиш пермети бўлади”, деган фикрни билдиради.

Апелляция инстанцияси суди муҳокамасидаги муҳим хатти-ҳаракатлардан бири – бу қўшимча материаллар тақдим этиш ва уларни кўриш жараёни ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷-моддаси мазмунидан далилларни тақдим этишга барча иштирокчилар ҳақли эканлиги англашилади. Унда тарафлар апелляция инстанцияси судига апелляция шикоятда, протестида келтирилган вазиятни тасдиқлаб ёки инкор этиб, қўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Бу ҳолат ҳам судда ишларни юритишда тортишув тамойили ишлашини таъминлашга эътибор қаратилганлигини кўрсатади. Чунки тортишув тамойили далилларни тақдим этиш ва уларнинг ўрганилишида ҳам

тенгликни таъминлашда намоён бўлади. Бунда тарафларнинг судга қўшимча далилларни тақдим этишидан мақсади шикоят ёки протестдаги вазиятни тасдиқлаш ҳисобланади.

Қонуннинг ушбу моддасида “қўшимча материаллар” деган тушунча ишлатилган бўлиб, “ҳужжатлар” дейилмаган. Демак, қўшимча материаллар деганда нафақат ҳужжатлар, балки турли нарсалар ҳам тушунилади. Демак, тарафларга бу масалада кенгрок имконият берилган. Судга тарафлар томонидан биринчи инстанция судида сўроқ қилинмаган шахсларни сўроқ қилиш тўғрисида илтимоснома берилганда шуни инобатга олиш керакки, улар қонунда ўрнатилган тартибда олинмаган далиллар ҳисобланади. Шу боис улар гувоҳлик кўрсатуви сифатида тан олиниши мумкин эмас.

Мазкур масалани тадқиқ этган олимлар В.В.Коряковцев и К.В.Питульколарнинг фикрича, апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилишда биринчи инстанция судида сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириш ҳуқуқига эга. Бунинг учун мазкур гувоҳлар апелляция инстанцияси суди мажлисига чақирилишлари шарт эмас. Мазкур гапга қарама қарши фикрларни И.Л.Петрухин билдириб ўтган. Унга кўра, мазкур тартиб апелляция инстанцияси асосларига шикаст етказди, чунки мазкур инстанция биринчи инстанцияда ўрганилган далилларни такрор текширишни назарда тутди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра (ЖПКнинг 497¹⁷-моддаси), биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд буни зарур деб топса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинади. Демак, бу масала суднинг ихтиёрига ҳавола қилинган.

Бизнингча, мазкур масалани ижобий ҳал этиш учун биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар апелляция инстанциясида ҳам чақирилиб сўроқ қилинишлари зарур.

Мазкур тартиб апелляция инстанциясида иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ўрганишга ва унинг якуни бўйича асосли, адолатли қарор қабул қилинишига хизмат қилади.

Камолиддин МАВЛАНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Suyunova D.J. Apellatsiya instansiyasi xorijiy tajribasida. Sudlar faoliyatini raqamlashtirish: joriy va istiqboldagi vazifalar mavzusidagi o'tkazilgan xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami // T.: TDYuU, 2022 y. – B. 181.
2. Oxunova Z.X. “To'liq apellatsiya”, “to'liq bo'lmagan apellatsiya” – farqi nimada? Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. July 2022. Volume 2, Issue 7. – B. 448.
3. Тухташева У.А. Уголовно-процессуальные пути устранения судебных ошибок. Док-торской (ДС) диссертации по юридическим наукам. – Тошкент, ТДЮУ. 2020. – Б. 77.
4. Алексеева Л.Б., Жуйков В.М., Лукашук И.И. Международные нормы о правах человека и применение их судами Российской Федерации: Практ. пособие. – М., – С. 199.
5. Коряковцев В.В., Питулько К. В. Справочник адвоката по уголовным делам. – СПб.: “Питер”, 2005. – С. 129].
6. Петрухин И.Л. Концептуальные основы реформы уголовного судопроизводства в России // Ж. Государство и право. – 2002. – № 5. – С. С. 23].

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ҚИЛМИШНИ МАЛАКАЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибий элементлари ичида жиноят субъекти марказий ўринда тугиб, жиноят содир этиш пайтида қонунда назарда тутилган муайян ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс жиноят субъекти сифатида эътироф этилади.

Жиноят субъекти масаласининг тарихий ривожланиш босқичдаги назариялари турли баҳс-мунозараларга бой эканлигини қайд этган ҳолда, миллий жиноят ҳуқуқи назарияси ва жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноят субъекти ва унинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Баъзи бир олимлар жиноят субъекти тушунчасига бирмунча кенгрок тушунтириш бериб, жиноят субъекти тор ва махсус маъносига кўра жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс эканлигини таъкидлайди.

М.Усмоналиев ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонунга мувофиқ равишда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс жиноят субъекти бўлиши тўғрисида фикр билдиради.

ЖКнинг IV бобида кўра, жиноят субъектининг жисмоний шахслиги, жиноят содир этгунга қадар муайян ёшга тўлганлиги ҳамда ақли расолиги жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларнинг зарурий белгисидир. Ушбу белгилардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги шахснинг жиноят субъекти сифатида эътироф этилмаслигига олиб келади. Бундай ҳолларда жиноят таркибининг мавжудлиги ҳам инкор этилади.

Маълумки, жиноят субъекти белгилари содир этилган қилмишнинг квалификация қилишга таъсир этади. Жиноят субъекти учун муайян ёш чегаралари шахснинг ижтимоий-психологик шаклланиши эътиборга олинган ҳолда Жиноят кодексининг 17-моддасида мустақамланган.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва жиноят қонунининг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этган шахснинг ёши унга тегишли паспорт, ҳарбий ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадаги маълумотлар билан аниқланади. Шахс туғилган кунининг эртаси соат 00:00 дан бошлаб тегишли жиноий жавобгарлик ёшига етганлиги белгиланади.

Жиноят содир этиш пайтида жиноятнинг фактик характери ва ўз қилмишларининг жамият учун ижтимоий хавфлилигини англаганлик, жиноят содир этишга хизмат қилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бошқарилиши жиноят ҳуқуқида ақли расолик билан боғланади.

ЖКнинг 18-моддасига мувофиқ жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади. Сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган деб топилади ва унинг жиноий жавобгарлиги масаласи истисно қилинади.

Жиноят кодекси жиноят субъектини уч асосий мезонга мувофиқ аниқлайди. Булар ақли расолик, жиноят содир этиш ёшига тўлганлик ва жисмоний шахс эканлиги. Аффе́кт ҳолатидаги шахснинг ҳиссий-эмоционал томони онгли англаш қобилиятига қараганда устун бўлади. Бу каби ақли расоликни истисно қилмайдиган эмоционал вазиятда содир этилган жиноят учун жавобгарлик нафақат миллий жиноят қонунчилигида, балки хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ҳам учрайди.

Қоида тариқасида, ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ақли норасо, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги,

ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нинг аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 28-моддасига кўра жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ЖКга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади. Бундан кўриниб турибдики, амалиётда, юқорида келтирилган ҳолатда жиноят содир этган шахс ЖК Махсус қисми нормасининг иштирокчилиқда жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган қисми билан жавобгарликка тортилади. Бизнингча, қилмишнинг бундай малакалани ижтимоий адолат ва ЖКнинг одиллик тамойилларига зид ҳисобланади. Қолаверса, аксарият МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида иштирокчилик тушунчасига икки ёки ундан ортиқ ақли расо, жиноят субъекти ёшига етган жисмоний шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши, деб таъриф берилган.

Шунга кўра ЖК 27-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда ўзгартрилиши мақсадга мувофиқ:

“Икки ёки ундан ортиқ ақли расо, жиноят субъекти ёшига етган жисмоний шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади”.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддасида назарда тутилган оддий иштирокчилик жиноятларини квалификация қилиш бирмунча мураккаблик келтириб чиқаради. Амалиётда эса иштирокчиликда содир этилган жиноятларни малакалани қилмишнинг оддий ёки мураккаб иштирокчиликда содир этилганлиги аҳамият касб этмайди. Шунга кўра ЖК 29-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда ўзгартириш жиноят содир этган шахсларнинг индивидуал жавобгарлигини белгилашда, хусусан оддий иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг либераллашишига хизмат қилади:

“Жиноят объектив томонини икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан биргаликда олдиндан тил бириктирмай амалга оширилиши оддий иштирокчилик деб деб топилади”.

Жиноят ҳуқуқи назариясида бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш содир этган шахс эксцесс иштирокчи деб топилиши, шунингдек, эксцесс иштирокчи томонидан содир этилган бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун унинг ўзи жавобгар бўлиши тушунтирилсада, бироқ мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўз аксини топмаган.

Собир ОЧИЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Jinoyat huquqi.Umumiy qism: Darslik/A.S.Yakubov, R.Kabulov va boshq. – T.:O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2009. 131-b.
2. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т., “Янги аср авлоди”, 2010, 234-б.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда
4. Уголовное право США, Сборник нормативных актов / Под ред. И.Д. Козочкина. - М.: Изд-во Ун-та дружбы народов, 1986. – С. 81; Уголовный кодекс Италии / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой. - М.: Зерцало, 1998. – С. 22.



ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ САБАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада фирибгарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик ва унинг олдини олиш усуллари ҳақида сўз юритилган. Ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали услуби бу жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади. Маълумки фирибгарлик жиноятларини содир этиш сабабларини аниқлаб, унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиб, жиноятнинг олдини олишда ички ишлар органлари билан бирга барча жамоатчилик ташкилотлари ҳам бирдек масъулдир.

Калит сўзлар: фирибгарлик, ишончини суиистеъмол қилиш йўли, жиноятчилик, жамоатчилик, ҳамкорлик.

Бугунги кунда мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилиш жинояти нисбатан кўп тарқалган. Тирикчилик учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавфли бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, фуқароларга моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумот учун: 2004 йилда жами жиноятларнинг 1,6 фоизи фирибгарлик улушига тўғри келган бўлса, сўнгги 5 йиллик статистик таҳлилларда жами жиноятларнинг 10-15 фоизи фирибгарликка тўғри келмоқда. 2019 йил республика бўйича 6321 та, 2020 йилда 10496 та фирибгарлик жинояти рўйхатга олинган бўлса, 2021 йилда бу рақам 24554 тани ташкил этган.

Бундай ўсиш динамикаси фирибгарликка қарши курашнинг жамонавий усуллари жорий этишни тақозо қилади.

Амалиётни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, фирибгарлар томонидан нафақат жисмоний шахсларга нисбатан, балки юридик шахсларга нисбатан ҳам фирибгарлик жиноятлари содир этилмоқда. Булар орасида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Банк соҳасидаги фирибгарлик.
2. Суғурта соҳасидаги фирибгарлик.
3. Юқори технологиялар соҳасидаги фирибгарлик.

Фирибгарлик соҳасида содир этиладиган жиноятларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, фирибгарлик жинояти ўз мазмуни ва моҳиятига кўра жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий вазият, шахснинг психологик ва ижтимоий мавқеига, оилада олинган тарбияга ёки меҳнат қилинаётган муҳитга алоҳида боғлиқ.

Иккинчидан, фирибгарлик жиноятларининг сабаблари ва шарт-шароитларни аниқлашда мамлакатдаги коррупция ҳолати ва ишсизлик даражаси ҳам алоҳида ўринга эга.

Учинчидан, фирибгарлик жиноятининг олдини олишда жабрланувчининг тутган ўрни, унинг ҳуқуқи ва ҳуқуқий онг даражаси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, фирибгарлик жиноятларида ушбу соҳада энг тажрибали ва ишни тез битириб берувчи шахсларнинг тузоғига тушишга энг аввало жабрланувчиларнинг фирибгарлик жиноятлари ва уни детерминантлари ҳақида етарли билимга эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда 2017-2020 йиллар давомида энг кўп содир этилган фирибгарлик жиноятларининг мазмуни ва йўналишини таҳлил қилган ҳолда айтиш зарурки, фирибгарлик соҳасидаги уюшган гуруҳлар асосан жамиятдаги аҳолининг эҳтиёжлари ва қизиқишлари, қийинчиликларидан келиб чиққан ҳолда ўзларини жиноий режаларини тузаётганлигини кузатиш мумкин.

Фирибгарлик жиноятларини камайтириш масаласи ХМҚОлар олдида турган энг муҳим ва устувор вазифаларидан бўлиб, мазкур вазифаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш кўпроқ огоҳ этувчи профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ҳамда уларни амалга оширишда қўлланилаётган фирибгарлик жиноятининг барвақт профилактикаси механизмини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Таҳлиллардан кузатиш мумкинки, фирибгарлик жинояти содир этилишининг асосий сабаблардан бири шахсларда пулга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигидир. Ҳар қандай инсонда жисмоний эҳтиёжни қондиришга хоҳиш кучлироқ бўлади. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, айрим тоифадаги фирибгарлар ҳаётда зарурий эҳтиёжни қондириш истагида фирибгарликка қўл уришади. Улар орасида спиртли ичимликка ружу қўйган ва гиёҳвандликка чалинганларда асосан бундай ҳолат кузатилади. Чунки, уларда ҳаётга, яхши яшашга бўлган қизиқиш сўнгган бўлади. Улар фақатгина кундалик жисмоний эҳтиёжини қондириш мақсадида бўлишади. Умуман олганда, жиноятни содир этиши мумкин бўлган шахслардаги эҳтиёжларни қуйидаги тоифаларга ажратиш ўрганиш мумкин:

- жисмоний эҳтиёж: очлик, чанқоқ, жинсий хайрихоҳлик;
- ижтимоий эҳтиёж: ижтимоий алоқалар, мулоқот, боғланганлик, бошқалар ҳақида қайғуриш ва ўзига нисбатан ғамхурлик, ҳамкорликдаги фаолият;
- руҳий эҳтиёж: икромлик, хоҳиш-истак;
- маънавий эҳтиёж: ўзини ўзи ҳурмат қилиш, бошқалар томонидан ҳурмат қилиниши, натижадорлик ва юқори баҳога эришиш, тан олиниш;

- моддий эҳтиёж: доимий яшаш шароитини яхшилашга интилиш.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳаммада ҳам юқори даражада эмас. Мана шу омил ҳам фирибгарлик жинояти ривожланиши ва айрим инсонларда унга мойиллик кўчайишига, айрим кишилар эса ҳуқуқий онгининг пастлиги сабаб фирибгарлар тузоғига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Амалиёт ҳужжатлари шуни кўрсатадики, фирибгарлик жиноятларидан жабрланганларнинг 90% ҳуқуқий билимларга етарли даражада эга бўлмаган ёки тез ва осон бойлик орттиришга ружу қўйган шахслар ҳисобланади.

Шунга кўра, бизнингча фирибгарлик жиноятларини содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри юритилиши фуқароларни фирибгарлик жиноятини ўзига касб қилиб олган шахслардан огоҳ бўлишга ҳамда улар таъсирига тушиб қолишининг олдини олади ва бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Феруза ТҶХТАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА СУД ХАРАЖАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада фуқаролик судларида суд харажатлари тушунчаси, давлат божи, ишни кўриш билан боғлиқ бошқа чиқимлар, уларни ундириш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: фуқаролик судлари, суд харажатлари, давлат божи, давлат божи ставкалари, почта харажатлари, бошқа чиқимлар.

Бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича судларда суд харажатларисиз ишларни кўришни тассаввур этиб бўлмайди. Хўш суд харажатлари ўзи нима? Фуқаролик процессуал кодексининг 127-моддасида “Суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат бўлади”, деб кўрсатилган. Давлат божи бу - давлат томонидан амалга оширилган хизматлар учун махсус тўлов. Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” ги қонунига асосан фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар, нотариуслар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан фуқароларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (ID карталар) берилганлиги ва бошқа бир қанча хизматлар учун давлат божи ундирилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш тўғрисида” ги 37-сонли қарори 2-бандига асосан Давлат божи бошқа турдаги мажбурий тўловлар қатори Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши боис, судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божини ундириш тўғрисидаги қонун талабларига қатъий риоя этишлари шарт.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божлари мулкий хусусиятга эга бўлган ҳамда мулкий хусусиятга эга бўлмаган даъволар бўйича асосан икки хил тартибда ундирилади.

Давлат божи асосан мулкий бўлмаган даъволар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) нинг 2 баравари миқдорида, яъни бугунги кунда 750 000 сўм этиб белгиланган. Бу тоифадаги ишларга никоҳдан ажратиш, алимент миқдорини камайтириш, уйга киритиш, уйдан чиқариш, уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш, фарзандларни ота ёки онадан олиб бериш, болани кўриш кунини белгилаш каби ишлар киради. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки тақрорий никоҳдан ажратиш ишлари бўйича БХМ нинг тўрт баравари миқдорида ундириш белгиланган.

Мулкий хусусиятга эга бўлган даъволар бўйича даъво баҳосининг 4 % миқдорида, лекин бунда даъво суммаси кам бўлган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган сумма БХМ нинг 1 бараваридан кам бўлмаслиги керак.

Фуқаролик судларида алоҳида тартибда кўриладиган ишлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тоифадаги ишлар бўйича давлат божи миқдори БХМ нинг 1 баравари миқдорида бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш тўғрисида” ги қарорининг 17-бандига асосан фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимларга:

- гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

- жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

- ФПК 165-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

- суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари;

- суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

- суд томонидан тан олинган бошқа зарур харажатлар киради.

Бошқа суд харажатларига (ФПК 132-моддаси биринчи қисмининг 5-банди) суд томонидан оқилона миқдорларда белгиланадиган, амалда йўқотилган вақт учун ундириладиган компенсация, вакилнинг ёрдами учун тўланадиган харажатлар ва ҳоказолар киради.

Бугунги кунда судларда фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимлардан асосан экспертиза ўтказганлик учун – экспертиза харажатлари, суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари ҳамда суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар кенг қўлланиб келинмоқда.

Жумладан, даъво ариза киритишда даъвогар давлат божи билан бирга почта харажатларини ҳам тўлаб даъво аризани тақдим этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 25-октябрь кунги РС-5918-сонли қарорига асосан суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризалар билан мурожаат қилинганда – БХМ нинг 5 % миқдорида, бошқа барча ариза ва даъво ариза билан мурожаат қилинганда – БХМ нинг 10 % миқдорида, шунингдек кўрилган ишлар юзасидан апелляция, кассация ва тафтиш тартибда шикоят келтирилганда БХМ нинг 5 % миқдорида почта харажатлари тўланиши белгилаб берилган.

Шунингдек, Олий суд Раёсатининг юқоридаги қарорига асосан ишларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар БХМ нинг 25 % этиб белгиланган.

Давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар шундай молиявий йиғим турики, уни тўловчи ўз ихтиёри билан мустақил равишда тўлайди, бироқ, ишни ютказган жавобгар тегишли тўловни мажбуран амалга ошириши лозим: ФПК нинг 138-моддаси 1-қисми қоидаларига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Фаридун САЛОМОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЧЕКЛАНГАН АҚЛИ РАСОЛИК ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ СИФАТИДА

Ҳуқуқий адабиётларда ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий бузилиш жазони енгиллаштирадиган ҳолатдир, шунинг учун узоқ муддат ўрнига озодликдан маҳрум қилишнинг қисқа муддатлари белгиланиши керак, деган қараш мавжуд. Айрим муаллифларнинг фикрича, жазони енгиллаштириш тўғридан-тўғри қонун кўрсатмасидан келиб чиқади, чунки Жиноят кодекси 18¹-моддасининг 2-қисми жазони тайинлашда руҳий бузилишни ҳисобга олишни талаб қилади. Бир қатор муаллифлар ушбу категорияни Жиноят кодекси 55-моддасининг 1-қисмида белгиланган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига киритишни, тегишли модда (18¹-моддада) эса, ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда шахснинг руҳий ҳолати бузилиши суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши кераклигини аниқ кўрсатишни таклиф қилишади.

Жазонинг сўзсиз қисқартирилиши натижасида руҳий касалликка чалинган шахсларнинг муайян бир тоифасида “ўз руҳий ҳолатининг имтиёзи ҳақида маълум бир таассурот” пайдо бўлиши мумкин, бу уларга оғир жазодан кўрқмасдан яна жиноят содир этишга имкон беради, деган фикрга қўшилиамиз.

Юқоридагиларга асосланиб, ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий касалликларни, жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифларни (Жиноят кодекси 55-моддасининг 1-қисми) асосли деб ҳисоблаймиз.

Бироқ, бошқа бир ҳолатга – жазо тайинлашда ушбу ҳолатни тўлиқ эътиборсиз қолдиришга йўл қўйиб бўлмайди. Ушбу масалани ҳал қилишга тўлиқ ақли расо шахсларнинг жиноий жавобгарлиги нуқтаи назаридан ёндашиш ҳар доим ҳам имконли эмас. Руҳий бузилиш натижасида жиноят содир этишдаги онгли-иродали хулқ-атвор қобилияти сезиларли даражада чекланиши мумкин. Руҳий бузилишнинг таъсири натижасида, айниқса унинг оғир психотравматик вазият ёки бошқа психоген омиллар билан ўзаро таъсирида атрофдаги воқеликни англаш даражаси сезиларли даражада пасаяди, рухсат этилган чегаралар ювилиб кетади, норматив хулқ-атвор чегаралари хиралашади; импульсив мотивлар ва реакцияларни, ички жиноий мотивацияни ушлаб турувчи омиллар четга сурилади; жиноий ниятларни амалга оширишнинг воз кечиш сабаблари хира ва ноаниқ бўлиб қолади.

Жиноятни содир қилиш пайтида онгли-ихтиёрий соҳанинг махсус чекланган ҳолатини ҳисобга олиш зарурати ва энг хавфли, ашаддий жиноятчиларга нисбатан жазони камайтириш имконияти ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш учун кўплаб муаллифлар жазо тайинлаш доирасида ушбу категорияни ҳисобга олишда танлов ёндашувига риоя қилишни таклиф қилишади.

Чекланган ақли расолик баъзи ҳолларда жазони енгиллаштирадиган ҳолат, баъзи ҳолларда эса жазога таъсир қилмайдиган ҳолат сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда кўплаб муаллифлар руҳий бузилиш жиноят содир этишга олиб келувчи сабабий боғланишнинг умумий занжирида ҳал қилувчи бўғин ҳисобланган, жиноят содир этилишига таъсир қилган ҳолларда жазо камайтирилиши лозим, деган фикрдалар.

Юқоридаги илмий ёндашувга асосланиб, таъкидлаш жоизки, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг очиқ рўйхатини ҳисобга олган ҳолда (Жиноят кодексининг 55-моддаси) руҳий бузилишнинг хусусияти, унинг содир этилган жиноят билан сабабий боғлиқлигини ва адолатли жазо тайинлаш учун

муҳим бўлган бошқа ҳолатларни таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланган индивидуал ёндашув зарур.

Бизнинг фикримизча, бу ёндашув асослантирилган, истикболли ва устид янада ишланишни талаб қилади. Руҳий бузилиш жиноят содир этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва амалга оширишга қандай таъсир қилгани, унинг жиноий хатти-ҳаракатлар механизмида қандай вазифа бажаргани, бу асосий детерминантми ёки шартлардан фақат биттаси бўлганлиги ҳақидаги саволга жавоб бизга жазо тайинлашда руҳий бузилиши ҳисобга олиниши масаласини ҳал қилишга яқинлашишга имкон беради.

Баъзи ҳолларда, вазият субъект томонидан келтириб чиқарилмаган, унинг иродасига боғлиқ бўлмаган ёки иродасига қарши пайдо бўлади. Бундай объектив вазият, руҳий бузилиш патологик намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро алоқада, ушбу эҳтиёжни қондиришга қодир бўлган бевосита объект мавжуд бўлганида, актуал эҳтиёж импульсларини енгиллашга қодир бўлмаганида, субъектнинг иродавий қобилиятларини бузади. Олдиндан режалаштириш, аниқ ҳаракатлар дастури ва жиноий режани ўйлаб юриш мавжуд бўлмайди, чунки бундай шахсларга бевосита юзага келган вазиятда жиноят содир этишнинг ноадекват мақсадлари, усуллари, воситалари ва қуролларини танлаш хос.

Бироқ, ушбу психопатологик механизм доирасида руҳий бузилиш ҳар доим ҳам жиноят содир этиш ва жиноий ниятни амалга оширишнинг асосий бевосита сабаби бўлиб хизмат қилмайди. Баъзи ҳолларда, шахс ўзи қасддан психоген вазиятни вужудга келтириши мумкин. Жиноий ниятни амалга ошириш руҳий бузилишнинг мавжудлиги билан эмас, балки шахснинг ўзи, унинг қадриятлари ва ахлоқий қарашлари билан белгиланади.

Фарход ХОЛИҚОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Михеев Р.И. Проблемы вменяемости, вины и уголовной ответственности (теория и практика): автореф. дис.... д-ра юрид. наук: 12.00.08. М., 1995. С. 59.
2. Фейнберг Ц.М. Учение о вменяемости в различных школах уголовного права и в судебной психиатрии. М., 1946. 89 с.
3. Хасенова А.Р. Проблемы совершенствования законодательства об уголовной ответственности лиц с психическим расстройством, не исключающим вменяемости [Электронный ресурс] // Вестник КарГУ. 2011. URL: <http://articlekz.com/article/6122> (дата обращения: 01.08.2016).
4. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2008-yil 12-dekabrdagi "Ruhii holati buzilgan shaxslarga nisbatan tibbiy yo'sindagi majburlov choralarini qo'llash bo'yicha sud amaliyoti to'g'risida"gi 23-sonli qarori, <https://lex.uz/ru/docs/-1601125>.

ЖИНОЙ ҚИЛМИШНИ МАЛАКАЛАШДА ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ АҲАМИЯТИ

Одил судловнинг амалга оширилиши ва жиноят қонуни тамойиларининг самарали ишлаши қилмишни малакалаш билан чамбарчас боғлиқ. Айтайлик, шахснинг содир этган жинояти аслида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар сирасига кирса-ю, аммо суд-тергов органлари унинг қилмишини нотўғри малакалаши натижасида суд унга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноят учун белгиланган санкция доирасида жазо тайинласа, айбдорнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилади. Ёки, аксинча, унинг содир этган қилмиши оғирроқ жазо тайинлашни назарда тутишига қарамасдан, суд томонидан енгил жазо чораси қўллansa, бу жазо айбдорнинг ахлоқан тузалиши учун етарли бўлмаслиги ва келгусида янги жиноят содир этишига йўл очиб бериши мумкин.

Жиноят ҳуқуқида қилмишни малакалашнинг асосан икки тури мавжуд:

- 1) расмий (легал);
- 2) норасмий (доктринал).

Расмий квалификация суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар томонидан жиноят ва бошқа қонун нормалари асосида амалга оширилиб, қарор билан расмийлаштирилади. Юридик адабиётларда расмий квалификациянинг белгилари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

- а) қилмишга берилган баҳо ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади;
- б) муайян ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради;
- в) квалификация аниқ жиноят иши материалларига тааллуқли бўлади.

Расмий малакалашдан фарқли равишда, норасмий квалификация жиноят ишини юритиш ваколатига эга бўлмаган субъектлар (масалан, адвокатлар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, илмий фаолият билан шуғулланувчи ҳуқуқшунос олимлар) томонидан амалга оширилганлиги сабабли ҳеч қандай юридик оқибатларни келтириб чиқармайди. Шунинг учун ҳам, қилмишни малакалаш ҳақида сўз юритилганда кўпинча унинг расмий шакли тушунилади. Аммо, бу норасмий квалификация жиноят ҳуқуқида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англатмайди. Норасмий малакалашнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири — расмий малакалашни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлган жиноий-ҳуқуқий нормаларга ҳуқуқшунос олимларнинг замон талабига жавоб берадиган илғор фикр ва қарашларини жорий этишдир. Унинг яна бир аҳамияти шундаки, ҳимоячи ёки оммавий ахборот воситалари жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида ёки шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган расмий квалификация ҳақида танқидий фикр билдириш орқали унинг ўзгаришига сабабчи бўлишлари мумкин. Шунга қарамасдан, жиноят ҳуқуқида расмий малака марказий ўринни эгаллайди ва қилмишни малакалаш деганда, айнан суд-тергов органлари томонидан амалга ошириладиган квалификация тушунилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, содир этилган қилмиш бўйича юридик оқибат келтириб чиқарувчи ҳуқуқий баҳони суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд беради. Бундан кўринадики, жиноятни квалификация қилиш жиноят ишини юритишнинг судга қадар бўлган босқичида ҳам, суд босқичида ҳам амалга оширилиши мумкин. Жиноят иши кўзғатилган эса, дастлабки тергов жараёнида қилмишнинг ҳақиқатан жиноят ёки жиноят эмаслиги, жиноят бўлса, уни содир этган шахснинг айбли ёки айбсизлиги ва бошқа иш учун муҳим бўлган маълумотларга аниқлик киритилиб, айблов ҳулосасида тергов органининг якуний квалификацияси акс эттирилади. Аммо, бу билан малакалаш жараёни якунланмайди. Жиноят ишини юритиш устидан назоратни амалга ошираётган прокурор ҳам, шунингдек суд муҳофазаси даврида қўшимча далилларни олиш орқали суд ҳам квалификацияни ўзгартариши мумкин. Қилмишнинг якуний квалификацияси суднинг ҳукми билан мустаҳкамланади.

Маълумки, суриштирувчи ва терговчи терговга қадар текширув ва дастлабки тергов давомида, прокурор айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаш жараёнида, суд эса ишни судда кўриш босқичида қилмишга ҳуқуқий баҳо беради. Жиноят ҳуқуқида “қилмишни квалификация қилиш босқичлари” деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, бу юқорида кўриб ўтилган жиноят ишини юритишнинг босқичлари билан бир хил мазмунга эга эмас. Негаки, жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган ҳар бир субъект қилмишни малакалашнинг барча босқичларини ўзи бажаради, яъни унинг биринчи босқичини терговчи, иккинчи босқичини прокурор ва учинчи босқичини суд амалга оширмайди. Ваҳоланки, баъзи чет эллик ҳуқуқшунос олимлар жиноятни малакалаш босқичларини жиноят-процессуал иш юритиш босқичларига йўналтирган ҳолда таҳлил

қилишган. Жумладан, Н.Г.Кадников квалификациянинг 5 та босқичини фарқлаб кўрсатган. Унга кўра, “Квалификациянинг биринчи босқичида жиноят иши кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиш орқали жиноятга алоқадорлик белгиланади. Иккинчи босқичда шахснинг ҳаракатларида қандай жиноят таркиби мавжудлиги аниқланади. Процессуал жиҳатдан, бу айбланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисидаги қарорда акс эттирилади. Учинчи босқич айблов эълон қилингандан сўнг бошланади ва айблов ҳулосаси ёки жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши билан тугайди. Ушбу босқич қилмиш квалификацияси ҳусусида терговчи ва прокурор нуктаи назарининг якуни ҳисобланади. Тўртинчи босқич — жиноят иши бўйича суд муҳофазаси бўлиб ушбу босқичда суд жиноятнинг ҳақиқий ҳолатларини айблов ҳулосасидаги квалификация билан солиштириб кўради ва айрим ҳолатларда уни ўзгартиради. Нихоят, малакалаш кассация ва назорат тартибидида қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш билан ифодаланади.

Миллий ҳуқуқшунос олимларимиздан Р.Кабулов қилмиш квалификациясининг 3 та босқичини фарқлаган. Булар:

- 1) содир этилган қилмишнинг умумий белгиларини аниқлаш (ҳуқуқбузарликнинг турини аниқлаш);
 - 2) содир этилган қилмишнинг турдош белгиларини аниқлаш;
 - 3) квалификация қилинаётган қилмиш белгиларининг жиноят қонуни Махсус қисм нормаларида назарда тутилган аниқ жиноят таркиби белгиларига мослигини аниқлаш.
- Ушбу квалификациянинг дастлабки босқичи муайян қилмишда жиноят аломатларининг мавжудлигини аниқлашдан иборат. Маълумки, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик юридик жавобгарликнинг муайян турини келтириб чиқаради. Шу сабабли, қилмишни малакалаш учун, авваломбор, у жиноят ёки жиноят эмаслиги масаласи аниқлаштирилиши лозим. Агар содир этилган қилмиш маъмурий, фуқаролик ёки интизомий жавобгарликдан бирини назарда тутса, ўз-ўзидан уни жиноят сифатида квалификация қилиш мумкин эмас. Қилмишни жиноят деб топишнинг ҳуқуқий асоси эса, Жиноят кодексининг 14-моддасида аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, “Ушбу кодекс билан таққиланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади”.

Иккинчи босқич – қилмишнинг турдош белгиларини аниқлаш. Бошқача қилиб айтганда, бу босқичда терговчи томонидан жиноятнинг турдош объекти аниқланади. Негаки, жиноят содир этилган вақтда жиноят таркибининг бошқа элементлари маълум бўлмаса-да, тажовуз қаратилган объект аниқ бўлади. Шундай қилиб, қилмишга ҳуқуқий баҳо беришнинг иккинчи босқичида тажовуз объектдан келиб чиқиб, унинг тахминан қайси жиноят таркибига тўғри келиши ҳақида ҳулоса қилинади. Мазкур масалани ҳал этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими учун мажбурий ҳусусиятга эга, чунки жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги қарорда Жиноят кодексининг муайян нормаси кўрсатилиши мажбурий бўлиб, у ишнинг кейинги йўналишини белгилаб беради.

Учинчи босқичда жиноят таркибининг барча элементлари тўла таҳлил қилингандан сўнг аниқланади ва квалификация якунланади.

Ҳулоса сифатида айтидиган бўлсак, “квалификация” тушунчасини содда қилиб, содир этилган қилмишни Жиноят кодекси нормасидаги жиноят таркибига солиштириш ва шу орқали уларнинг мослигини аниқлаш дейиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, квалификацияни юқоридаги 3 босқичли кўринишда амалга ошириш орқали ҳам қилмишга тўла ҳуқуқий баҳо бериш мумкин, деб ўйлаймиз.

Лазиз ҚОДИРҚУЛОВ,
Судьялар олий мактаби тинловчиси.



ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада ота-оналар ва болалар ўртасидаги мулкীয় муносабатларни тартибга солиш, жумладан, эр-хотиннинг алоҳида хусусий мулкига бўлган ва ўзаро моддий таъминотдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўриб чиқилади. Хусусан, мулкнинг ота-оналар ва болалар ўртасидаги тақсимланиши ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ота-она, болалар, эр-хотин, мулк, таъминот, ҳуқуқ, мажбурият, умумий мулк.

Ота-оналарнинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги ва баб-баравар мажбуриятларга эга эканлиги мулкীয় муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган. Ота-оналарнинг биргаликдаги умумий мулкига нисбатан, эр-хотиннинг ҳар бирининг алоҳида хусусий мулкига бўлган ва ўзаро моддий таъминотдаги алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи Конституцияда белгиланган. Мулкка нисбатан ҳуқуқ нафақат бола туғилиши билан, балки айрим ҳолатларда ҳомила ҳолатида ҳам вужудга келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 90-моддасига кўра, “ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас, ўз навбатида, ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас”.

Вояга етмаганларни тегишли мулкдан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиш мумкин эмас. Болаларнинг мулкীয় ҳуқуқлари ҳам оилавий, ҳам фуқаролик қонунчилигида мустаҳкамланган. ОКнинг 13-боби вояга етмаганларнинг оилага мансублиги ва оилавий ҳуқуқীয় муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини белгилайди. Бу қуйидаги ҳуқуқларни ўз ичига олади: 1) таъминот учун; 2) даромад ва мерос учун; 3) ота-оналар мол-мулки учун (улар билан бирга яшаётган бўлса); 4) унинг мол-мулкни тасарруф этишда қонунга риоя этилишини талаб қилиш. Ота-оналар ва боланинг биргаликда яшаши учун муҳим шарт бир-бирининг мол-мулкни ўзбошимчалик билан ўзлаштиришга йўл қўйилмаслиги ҳисобланади. Шундай қилиб, агар бола мулкни совға ёки мерос сифатида олган бўлса, ота-оналар ундан фақат унинг розилиги билан фойдаланишлари мумкин, бу эса вояга етмагanning мулкীয় ҳуқуқлари оилавий-ҳуқуқীয় муносабатларнинг бошқа иштирокчилари билан тенглаштирилганлигини кўрсатади.

Ота-оналарнинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ эр-хотиннинг бўлиниши лозим бўлган биргаликдаги умумий мол-мулки деганда, улар томонидан никоҳ давомида орттирилган, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган ва ФК 81, 82, 209-моддаларига кўра фуқароларнинг мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган кўчар ва кўчмас ҳар қандай мол-мулклар тушунилади, башарти улар ўртасида тузилган никоҳ шартномасида мол-мулкка нисбатан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, эр ва хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда аввало эр-хотиндан ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулк белгилаб олинади. Кейинчалик эса умумий мулкдан қайсилари эр-хотиндан қайси бирига тегишли эканлиги аниқланади. Шундай ҳолларда, улар ўртасида мулк тенг ҳиссада

бўлинса, эр-хотиндан биттасига қиймати бошқасига тегишли бўлган мулкдан ошиқроқ ашё берилса, иккинчи томонга фарқи доирасида тегишли пул суммаси берилиши лозим. Қонун судни масалани бундай асосда ҳал қилишга мажбур этмайди. Пул суммасини ундириб бериш масаласини кўраётганда суд ишнинг аниқ шароитига қараб (эр-хотин ҳар бирининг моддий ва бошқа оилавий ҳолатларини инобатга олиб) ҳал қилади. Бундай ҳолатда эр-хотиндан биттасига биргаликдаги умумий мулк таркибига кирган уйнинг қисми учун пул тўлаш белгиланса, у эгаллаган хонани бўшатиб бериши лозим.

Мулкдор ўз мулкига нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқларига эга. Агар эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни никоҳдан ажралиш вақтида бўлинмаган бўлса, бунда эр-хотиндан бири амалда фақат мулкка нисбатан эгаликдан маҳрум бўлмасдан, ундан фойдалана олмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, ажралиш эр-хотинларга ёки улардан бирига уларнинг қонуний ҳуқуқини амалга оширишга муқаррар равишда таъсир қилиши мумкин. Бу тўғрисида у билганлиги учун, эр-хотинларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддати никоҳ тугаган вақтдан, яъни ажралганлик давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг ҳисобланиши лозим.

Эр-хотиннинг ўртасидаги энг кенг тарқалган низолар умумий биргаликдаги мулкни бўлишдир. Бунда уларнинг умумий мулк режими бекор бўлади, эр-хотинларнинг ҳар бири ушбу мулкнинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини олади. Айрим ҳолларда мулкнинг айрим турларини умумий биргаликдаги мулкдан улушли мулкка ўтказиш сифатида; эр-хотиннинг (собиқ эр-хотинларнинг) ҳар бирига маълум бир мол-мулкни ёки унинг бир қисмини натура шаклида ёки улушларда тенг бўлмаган тақдирда ёки тоовон тўлаш билан тақсимланади. Умумий биргаликдаги мулкни тақсимлаш билан боғлиқ масалалар фуқаролик, фуқаролик процессуал ва оила ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Аммо оила қонунчилигида ушбу масалаларни ҳал этишда айрим нормаларни такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Чорибек АРОЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024-й., 03/24/905/0106-сон. <https://lex.uz/docs/-104720>
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Зубков С. Б. Проблемы правового регулирования имущественных прав несовершеннолетних // Закон и право. 2007. № 10. С. 69–71.
5. Отахўжаев Ф.М., Юлдашева Ш.Р. Оила ҳуқуқи. ТДЮИ // Дарслик. –Т. 2007. Б.100.
6. Кустова, Р. Б. Имущественные права детей / Р.Б.Кустова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2022. — № 23 (418). — С. 303-305. — URL: <https://moluch.ru/archive/418/93055/> (дата обращения: 21.01.2023).

ЖИНОЯТ СУДЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 13 июнь куни “Суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар”га бағишланган видеоселектор йиғилишида “Асосий мақсад шуки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали ҳалқимизнинг суд тизимида бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат кўргони”га айлантириш зарур”, деб таъкидлади.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси 55-моддасида “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқирилиши ҳуқуқи кафолатланади” деб кўрсатилган.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг турли кафолатлари мавжуд. Ҳуқуқий кафолатларнинг энг муҳими бу – шахснинг суд орқали ҳимоя қилиниши ҳуқуқини таъминлашдир.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасидаги мурожаатлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу аввало, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар самараси ўлароқ, фуқароларнинг одил судловга ишончи муттасил ортиб бораётганлигининг амалдаифодасидир.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш, соҳани янада либераллаштириш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Чунки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқирилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Зеро, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқирилиши содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 10 июндаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сонли Фармонининг келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, мазкур Фармон билан суд тизимида алоҳида судьялик лавозимлари, яъни – тергов судьяси лавозими жорий қилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш вазифаси тергов судьяси ваколатига киритилди.

Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини “Инсон қадри учун” тамойили асосида янги босқичга кўтариш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу билан бирга, судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг кўриб чиқиш амалиёти таҳлили амалдаги маъмурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларида ишни кўриб чиқиш жараёнида:

биринчидан, судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўриб чиқишда процессуал механизмлар такомиллашмаганлиги;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқувчи судьяни рад қилиш тартиби мавжуд эмаслиги; учинчидан, судларда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқишда тортишув тамойили, яъни ишда ҳимоячи қатнашиш тартибини тўлақонли амалга ошириш бўйича процессуал бўшлиқлар мавжудлиги;

тўртинчидан, судларда ишларнинг кўриб чиқишнинг муддатларининг қисқалиги (иш мазмунидан келиб чиқиб);

бешинчидан, маъмурий процессуал қонунчиликда далилларнинг мақбуллигига оид нормаларнинг мавжуд эмаслиги ва шу каби бир қанча муаммолар мавжуд.

Бунёдбек АЛЛАБЕРГОНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

*Кўрмас жаҳонда ҳаргиз
кўнглини шод Бобур,
Топмас муроди дилни,
эй номурод Бобур.*

**Захириддин
Муҳаммад БОБУР**

ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Тамом бўлмаган жиноятларни квалификация қилиш ва жавобгарлик белгилаш доирасини аниқлашда жиноят содир этиш босқичларини аниқлаб олиш муҳимдир.

Жиноят қонунчилигига оид адабиётларга эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят содир этиш босқичлари – бу содир этилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) хусусияти, жиноий ниятни амалга ошириш даражаси, ундан келиб чиқадиган оқибатлар ва тугалланиш пайти билан бир-биридан фарқ қилувчи жиноятнинг изчил ривожланиш босқичларидир. Жиноят содир этиш босқичлари — бу турли хил босқичларда айбдорнинг хатти-ҳаракатлари сифатини, қилмиш – қасднинг турли ҳолатлари характерини изоҳлайдиган:

- тамом бўлган жиноятлар;
- жиноятга тайёргарлик;
- жиноятга суиқасддан иборатдир.

Жиноят кодексининг махсус қисми тамом бўлган жиноятларни ўз ичига олса-да, бироқ, амалиётда кўп учрайдиган жиноий хатти-ҳаракатлар айбдорнинг ихтиёри ёки ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда охирига етказилмайди. Бинобарин, Жиноят қонунчилигида тамом бўлмаган жиноятлар тушунчаси берилмаган бўлиб, тамом бўлмаган жиноятларнинг жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилиш турлари назарда тутилиб, таърифи келтириб ўтилган.

Тамом бўлмаган жиноят деганда шахснинг шарт-шароит яратиш ёки бевосита жиноят содир этиш бўйича тўхтатилган, айбли, ғайиқонуний ва ижтимоий хавфли фаолияти тушунилади, бунинг натижасида ҳаракат тугалланмаган ёки натижа юзага келмайди. Тамом бўлмаган жиноят турлари қаторига жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноят содир этишга суиқасд қилиш, жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтишни ҳам киритиш мумкин. Бу эса қуйидагиларда намоён бўлади, хусусан:

- тугалланмаган жиноят тўхтатилган фаолият эканлигини кўрсатади;
- жиноятни тугатишдан ихтиёрий қайтишни тамом бўлмаган жиноят турига таснифлаш имконини беради, чунки турларини аниқлашнинг асосий мезони ҳисобланади.

– жиноят тугалланмаган ҳолатлар эмас, балки жиноятнинг тўхтатилганлиги (ва бу ўз навбатида, у шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли ҳам, унинг ниятлари ўзгариши натижасида ҳам содир бўлиши мумкин).

Жиноятга тайёргарлик аввалдан ўйлаб қўйилган фикрга шарт-шароит яратишда ифодаланса, суиқасд эса тажовуз қаратилган объектга ҳақиқий хавф туғдириб, шахснинг ҳаракатларида жиноят таркибини ташкил этувчи белгилар мавжуд бўлади.

Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш, деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўришда шахс жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга тажовуз қилишга улгурмасдан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, тўхтатилишини назарда тутди.

Субъектив белгиси – жиноят тўғри қасддан содир этилиб, шахс содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англаган ҳолда, тайёргарлик кўраётган қилмиши ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етади ва шундай оқибатлар келтириб чиқаришини истаб ҳаракат қилади (моддий таркибли жиноятларда).

Формал таркибли жиноятларда эса шахс ижтимоий хавфли қилмишнинг хавфлилиги хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истаб ҳаракат қилади.

Шахснинг қасддан содир этадиган жинояти бошланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд қилиш, деб топилади.

Жиноятга суиқасд қилишнинг ҳам объектив ва субъектив белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда ифодаланади:

- суиқасд жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳаракатни ифодалаши;
- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга қарши қаратилган тажовузнинг бошланиши;
- жиноий ҳаракат шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаслигида.

Субъектив белгиси жиноятга суиқасд фақатгина тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлишида ифодаланиб, шахс содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиши жиноят содир этишга қаратилганлигини англайди, жинояти қандай хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етади ва шундай оқибатлар келтириб чиқаришини истаб тажовуз қилади.

Моддий таркибли жиноятларда суиқасд шахснинг ўйлаган ижтимоий хавфли оқибати келиб чиқмаслигида ифодаланса, формал таркибли жиноятларда эса, шахс амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларини тўлиқ бажара олмаслигида ифодаланади.

Шунга кўра, жиноят ҳуқуқида суиқасд бир неча турларга бўлиб ўрганилади. Жумладан, тамом бўлган суиқасдда жиноий мақсадга эришиш учун айбдор ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни, яъни жиноий мақсадга эришиши учун қилиши шарт ва лозим деб ўйлаган барча ҳаракатларини тўлиқ амалга оширади, аммо унинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жиноят охирига етказилмаслиги тушунилади.

Бизнингча, тугалланмаган жиноятни тушунишнинг энг кенг тарқалган усули бу шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли ёки жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда бош тортганлиги сабабли қасддан бажарилмаган ҳаракат деб ҳисобланади. Шунингдек, шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли тўхтатилган жиноий ниятни амалга ошириш бўйича фаолияти жиноятга тайёргарлик босқичида ёки жиноят содир этиш босқичида юзага келади.

Фикримизча, тамом бўлмаган жиноятларни қиёслашда, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилиш жиноятлари объектив ва субъектив хусусиятларга эга. Жиноятга тайёргарлик кўришда ўйланган жиноятнинг объектига бевосита таъсир мавжуд бўлмайди, бунда жиноятни содир этишга қаратилган тайёргарлик кўриш ҳаракатлари жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томонини ташкил қилиб, жиноятга тайёргарлик кўриш мустақил, шахснинг объектив томонига хос бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўриш фақатгина фаол ҳаракатларда ифодаланади ва субъект томондан тўғри қасддан содир этилади. Шу нуктаи назардан, судлар тамом бўлмаган жиноятларни таҳлил қилиш ва шахсга нисбатан жазо тайинлаш масаласини ҳал этишда ҳар бир ҳолатда жиноят охирига етказилмаганлиги сабабли ва шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларни аниқлаш, жиноий ниятни тўлалигича амалга оширишга тўсиқ бўлган мавжуд ёки юзага келган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳар томонлама ўрганилиши лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, тамом бўлмаган жиноятлар муҳим институт бўлиб, шахснинг қилмишини квалификация қилиш ва жазо тайинлашда назарий ва амалий аҳамият касб этади. Тамом бўлмаган жиноятлар тамом бўлган жиноятдан ўзининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра фарқланиб, тамом бўлмаган жиноятларда ҳам жиноят босқичлари мавжуд эканлигини жиноят босқичларининг алоҳида таркибий қисми сифатида эътироф этиш лозим.

Шахноза ЭСАНОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ДОГОВОР И ИСТЕЧЕНИЕ ИСКОВОЙ ДАВНОСТИ

В условиях перехода к рынку, к организации экономической жизни на рыночных принципах большое значение приобретает правовая модель, связывающая между собой участников экономического оборота. Этой моделью стали договоры (контракты).

Согласно статьи 8 Гражданского кодекса Республики Узбекистан (далее по тексту ГК), одним из оснований возникновения гражданских прав и обязанностей у участников гражданских отношений является договор.

Договор – это акт, в котором выражено согласие сторон действовать совместно в интересах обоюдной выгоды. Грамотный договор юридически защищает интересы хозяйствующего субъекта и является гарантией защиты от недобросовестных партнеров.

Часто предприниматели используют различные формы типовых договоров, однако универсального договора не существует. Поскольку, это акт индивидуальный и типовая форма не может заменить специалиста.

В настоящее время в связи с преобразованиями, а также проводимыми реформами в экономике, то есть создание свободно экономических зон, а также иные предоставления различных льгот, роль договора заметно повышается. Возрастает значение частной собственности, расширяется свобода выбора контрагентов и есть возможность реализации других основ нового гражданского законодательства.

Задача договора — регулирование в рамках закона поведения сторон, указание пределов их возможностей реализации и последствий нарушений определенных требований. Таким образом, в договоре должны находить свое отражение деловые взаимоотношения между субъектами рынка и конкретные условия выполнения обязательств. Зачастую успех коммерческого мероприятия зависит от качества и смысла контракта, а также и от его надлежащего оформления.

В части первой статьи 10 Закона Республики Узбекистан “О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов” установлено, что хозяйственный договор должен предусматривать предмет договора, количество, качество, ассортимент, цену поставляемого товара (работы, услуги), сроки исполнения, порядок расчета, обязательства сторон, ответственность сторон при неисполнении или ненадлежащем исполнении договорных обязательств, порядок разрешения споров, реквизиты сторон, дату и место заключения договора, а также другие существенные условия, которые установлены законодательством для договоров данного вида или относительно которых по заявлению одной из сторон должно быть достигнуто соглашение.

Статья 364 ГК устанавливает, что договор считается заключенным, если между сторонами в требуемой в подлежащих случаях форме достигнуто соглашение по всем существенным условиям договора. Существенными являются условия о предмете договора, условия, которые названы в законодательстве как существенные или необходимые для договоров данного вида, а также все те условия, относительно которых по заявлению одной из сторон должно быть достигнуто соглашение. Договор заключается посредством направления оферты (предложения заключить договор) од-

ной из сторон и ее акцепта (принятия предложения) другой стороной.

Эти нормы также закреплены как соответствующие разъяснения в Постановлении Пленума Высшего хозяйственного суда (далее по тексту Пленум) № 203 от 18 декабря 2009 года “О некоторых вопросах применения норм гражданского законодательства, регулирующих заключение, изменение и расторжение хозяйственных договоров”.

Нормы статей 149 и 150 ГК определяют, что исковая давность – это срок, в пределах которого лицо может защитить свое нарушенное право путем предъявления иска, а также что общий срок исковой давности – три года.

Статья 153 требование о защите нарушенного права принимается к рассмотрению судом независимо от истечения срока исковой давности.

Исковая давность применяется судом только по заявлению стороны в споре, сделанному до вынесения судом решения.

Истечение срока исковой давности, о применении которой заявлено стороной в споре, является основанием к вынесению судом решения об отказе в иске.

Следует отметить, что Пленум разъясняет следующее: “поскольку в законе не указано, в какой форме должно быть сделано заявление о применении исковой давности, следует иметь в виду, что такое заявление может быть заявлено как устно, так и подано в письменной форме. Устное заявление обязательно должно быть обсуждено и об этом указано в протоколе судебного заседания.

О применении исковой давности вправе заявить ответчик. Если такое заявление сделано другими лицами, участвующими в деле, оно не должно учитываться”.

Принимая вышеизложенное, нужно обращать должное внимание на обеспечение и исполнение обязательств как – срок.

Нужно учитывать особенности того или иного способа обеспечения и исполнение обязательства и его возможности применительно к конкретным ситуациям. Возьмем, к примеру, срок исполнения. Срок представляет собой меру правовой ответственности, в этой связи, они ориентируют должника на исполнение обязательства под угрозой применения ответственности, которая носит реальный характер.

При рассмотрении споров на практике Нукусского межрайонного экономического суда нередко встречаются случаи когда сторона договора “забывает” срок исполнения, что приводит к применению судом исковой давности.

Подытоживая, необходимо отметить, что нужно серьезно относиться к составлению и исполнению договора, который в свою очередь является гарантией защиты от недобросовестных партнеров.

Бердимурат БАЙМУРАТОВ,

судья Нукусского межрайонного экономического суда
Республики Каракалпакстан.

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ПО БОРЬБЕ С ОТМЫВАНИЕМ ДЕНЕГ ЧЕРЕЗ КРИПТОВАЛЮТЫ: РОЛЬ FATF

В условиях стремительного развития криптовалютной индустрии масштабы мошеннической деятельности и хищений криптоактивов ставят перед международным сообществом серьезные вызовы. Эти вызовы затрагивают широкий круг участников — криптовалютные биржи, провайдеров крипто-сервисов, следственные органы, юристов, исследователей блокчейна, а также рядовых пользователей.

Противодействие незаконным действиям в данной сфере сопряжено с множеством сложностей, обусловленных как технологическими, так и правовыми аспектами. Одной из ключевых проблем остается ограниченность полномочий, предоставляемых юристам и специалистам по криптоанализу. Их задача состоит в сборе доказательной базы для передачи в правоохранительные органы или представления в суде, однако их действия зачастую ограничены рамками существующих регуляций. Последние позволяют лишь подавать заявления о совершении мошеннических действий, не предоставляя оперативных инструментов для предотвращения или остановки сомнительных транзакций.

Одна из наиболее насущных проблем - двойная обязанность криптобирж. С одной стороны, они обязаны соблюдать конфиденциальность своих клиентов, основополагающий принцип, лежащий в основе доверия пользователей к этим платформам. Это обязательство по конфиденциальности - не только вопрос этических бизнес-практик, но и юридическое требование во многих юрисдикциях. С другой стороны, биржи все чаще признаются передовыми защитниками в борьбе с мошенничеством и кражами в криптопространстве.

Эта роль требует активной позиции против мошеннических схем, что необходимо для внедрения надежных мер безопасности и разработки сложных механизмов для обнаружения и реагирования на подозрительные действия.

Суть дилеммы заключается в процессе раскрытия информации. В настоящее время преобладающая норма ограничивает обмен информацией о владельцах криптоактивов запросами от судебных или правоохранительных органов.

FATF и его роль в борьбе с отмыванием денег через криптовалюты

Группа разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (Financial Action Task Force - FATF) является ведущей международной организацией, занимающейся разработкой стандартов и рекомендаций по противодействию отмыванию денег (AML) и финансированию терроризма (CFT). В последние годы деятельность FATF также сосредоточена на регулировании использования криптовалют, которые часто используются злоумышленниками для совершения финансовых преступлений.

Международная группа по борьбе с отмыванием денег (FATF) предъявляет строгие требования к криптовалютным биржам с целью предотвращения отмывания денег, финансирования терроризма и других незаконных операций. Криптобиржи обязаны соответствовать рекомендациям FATF, включая те, что касаются криптовалют.

В 2019 году FATF выпустила "Гид по виртуальным активам", который включает рекомендации для поставщиков услуг, таких как биржи.

- Таким образом Криптобиржи должны быть зарегистрированы и лицензированы в юрисдикции, где они ведут деятельность.

- Регуляторы обязаны проверять их деятельность, чтобы избежать нарушений.

- Криптобиржи обязаны идентифицировать своих клиентов, собирать данные, включая имя, адрес, дату рождения, и удостоверение личности.

- Обязательное выполнение KYC при достижении определенных лимитов транзакций (например, \$1000 или эквивалента).

- Биржи должны иметь программы по предотвращению отмывания денег:

- Мониторинг подозрительных операций.

- Сообщение о подозрительных транзакциях в финансовые органы (STR/SAR).

Соблюдать "Правило путешествия" (Travel Rule) а именно

- Биржи обязаны передавать информацию о клиенте (имя отправителя, номер счета, адрес, и т.д.) при переводе виртуальных активов на сумму \$1000 или более.

- Криптобиржи должны проводить регулярное обучение своих сотрудников по вопросам KYC, AML и других нормативных требований.

- Биржи обязаны сотрудничать с регуляторами и другими биржами для обеспечения прозрачности.

- Участие в международных инициативах для борьбы с незаконными операциями.

- Обязательная разработка системы оценки рисков, связанной с транзакциями, пользователями и географическими регионами.

- Мониторинг транзакций, связанных с высокорисковыми юрисдикциями.

- Криптобиржи обязаны хранить данные о пользователях и их транзакциях не менее 5 лет (в зависимости от юрисдикции).

- Регулярная отчетность перед местными регуляторами.

- Публикация отчетов о выполнении нормативных требований.

Несмотря на запросы правоохранительных органов, криптобиржи часто отказывают в предоставлении информации о владельцах крипто счетов, ссылаясь на защиту прав своих пользователей. Их позиция основывается на следующих нормах и практиках:

Криптобиржи обязаны защищать персональные данные клиентов в соответствии с:

- Внутренними политиками конфиденциальности и требованиями законодательства о защите персональных данных. Например, в рамках GDPR в Европейском Союзе биржи обязаны обеспечивать строгую конфиденциальность информации пользователей.

- Процедурами KYC (Know Your Customer) и AML (Anti-Money Laundering). Хотя биржи собирают идентификационные

данные пользователей, передача этой информации третьим лицам допускается только при наличии законных оснований - судебного решения или официального запроса правоохранительных органов.

- Требованиями прозрачности и отчетности. Многие биржи публично раскрывают статистику полученных запросов от государственных органов и принятых по ним решений, демонстрируя баланс между сотрудничеством с властями и защитой прав пользователей.

- Биржи предоставляют данные только по официальным запросам компетентных органов, подкрепленным судебными решениями

- Требования к раскрытию информации различаются в зависимости от юрисдикции

- При отсутствии надлежащих правовых оснований биржи вправе отказать в предоставлении данных

Таким образом, криптобиржи следуют комплексному подходу к защите конфиденциальности, основанному на внутренних политиках и требованиях законодательства. Информация раскрывается только при наличии четких правовых оснований и в соответствии с регуляторными требованиями конкретной юрисдикции.

В условиях этих ограничений рынок криптовалют продолжает функционировать с огромным объемом транзакций, среди которых неизбежно присутствуют операции, связанные с мошенническими схемами. В свете данной ситуации возникает необходимость разработки механизмов, позволяющих временно ограничивать транзакции с определенных криптовалютных кошельков. Такая мера может включать, например, приостановление вывода активов из подозрительных адресов. Это не только послужит эффективным сдерживающим фактором для злоумышленников, но и создаст дополнительные гарантии защиты активов добросовестных участников рынка, чьи средства могут быть вовлечены в расследуемые инциденты.

Более того, реальность криптомошенничества часто включает использование посредников, которые, зная или нет, становятся частью цепочки транзакций. Эти лица, которые могут вступать в сделки без всякого знания о лежащем в основе мошенничестве, оказываются втянутыми в правовые проблемы, подчеркивая необходимость механизмов, которые могли бы различать злонамеренных актеров и невольных участников.

Предоставление юристам консультантам и следственным специалистам полномочий временно ограничивать транзакции, находящиеся под расследованием, может повысить устойчивость криптоэкосистемы к мошенничеству, обеспечивая при этом защиту прав и интересов всех сторон. Этот сбалансированный подход представляет собой критический шаг к созданию более безопасной и доверительной среды цифровых активов.

В Узбекистане уже предпринимаются значительные шаги в борьбе с мошенничеством в криптоиндустрии. Компании и юридические фирмы, такие как ООО Heemega и Praelega Uzbekistan, активно работают в сфере ончейн-анализа. Их деятельность охватывает следующие направления:

1. Анализ криптовалютных транзакций;
2. Выявление мошеннических схем и проектов;

3. Содействие в замораживании подозрительных активов на зарубежных биржах;

4. Помощь в разблокировке законных активов;

5. Возврат похищенных средств.

Практика показывает, что одной из ключевых уязвимостей остается недостаточное взаимодействие между криптовалютными биржами и правоохранительными органами. Например, в рамках одного из расследований ончейн-анализ позволил установить все транзакции злоумышленника, ведущие к нескольким крупным биржам. В режиме реального времени специалисты наблюдали за поступлением средств на кошельки злоумышленников, предположительно от новых жертв, а также фиксировали попытки вывода активов на сторонние адреса.

В современных условиях рост числа мошеннических операций с криптовалютами требует комплексного подхода к их предотвращению и расследованию. Необходимость усиления взаимодействия между криптовалютными биржами, правоохранительными органами и аналитическими компаниями становится очевидной. Технологические возможности, такие как ончейн-анализ, уже сегодня демонстрируют свою эффективность, однако без поддержки правовых механизмов их потенциал остается ограниченным.

Предоставление более широких полномочий юристам и следственным органам, включая возможность временной блокировки транзакций, могло бы стать важным шагом на пути к минимизации рисков и защите интересов добросовестных участников рынка. Международное сотрудничество, развитие нормативно-правовой базы и адаптация существующих инструментов под цифровую эпоху — это основные направления, по которым необходимо двигаться для успешного противодействия мошенничеству с криптоактивами. Узбекистан, предпринимая активные шаги в данном направлении, демонстрирует пример использования аналитических технологий для защиты рынка и пользователей.

Шерзод АБУЛКАСИМОВ,

независимый соискатель Ташкентского государственного юридического университета, управляющий директор юридической фирмы Praelega consultancy (Praelega Uzbekistan).

Список использованной литературы:

1. Financial Action Task Force (FATF). "Guidance for a Risk-Based Approach to Virtual Assets and Virtual Asset Service Providers." Paris: FATF, 2021.
2. Европейский союз. "Регламент 2018/843 о предотвращении использования финансовой системы для целей отмывания денег или финансирования терроризма." Официальный журнал Европейского Союза, 2018.
3. Nakamoto, S. "Bitcoin: A Peer-to-Peer Electronic Cash System." 2008.
4. Chainalysis. "Crypto Crime Report 2023: Trends and Emerging Threats." New York: Chainalysis, 2023.
5. Rühle, T., и др. "Legal Challenges in Combating Cryptocurrency Fraud: A Comparative Study." Cambridge Law Journal, 2022.
6. The Law Library of Congress. "Regulation of Cryptocurrency Around the World." Washington, D.C.: Library of Congress, 2021.
7. Basel Institute on Governance. "Cryptocurrencies and Anti-Money Laundering: Emerging Trends." Basel, 2022.
8. Global Blockchain Business Council. "Blockchain and the Law: Bridging Gaps Between Technology and Regulation." Geneva, 2023.

Алишер НАВОИЙ

* * *

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш
магар Наврӯз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат,
менинг сарви равоним ҳам.
Чаман сарви қолиб ҳайрон,
менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон,
мунга шайдо бари олам.
Чаман сарви қолиб бебар,
менинг сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар,
бу елдин секретиб адҳам.
Кўнуб ул сарв уза булбул,
чекиб гул шавқидан гулгул,
Бу сарв узра очилиб гул,
анга тердин тушуб шабнам.
Қилиб оҳим сари парво,
бу ён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй, қади раъно,
бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.
Бу боғ ичра, эй, соқийки
бормен асру муштоқи –
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас,
гул аҳди ҳам маҳкам.
Навоий, кўйин эт манзил,
юзу қаддига бўл мойил –
Ки, боғ этмас сени хушдил,
гулу сарв айламас хуррам.